ОЙБАРЧИН АБДУЛҲАКИМОВА

АБДУЛЛА ОРИПОВ АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ

Монография

“FAN VA TA’LIM” НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ – 2022

УЎК: 821.512.133.09-1
КБК 83.3(5Ў)
А 15
Абдулҳакимова, Ойбарчин
Абдулла Орипов адабий-эстетик қарашлари [Матн]: илмий-назарий/Ойбарчин Абдулҳакимова. – Тошкент: “Fan va ta’lim” нашриёти, 2022. – 160 б.

Масъул муҳаррир:
Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ,
филология фанлари доктори

Тақризчилар:
Сувон МЕЛИ,
филология фанлари доктори,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими
Нодира АФОҚОВА,
филология фанлари доктори

Ушбу монографияда Абдулла Орипов адабий-эстетик тафаккурининг миллий адабиётимизда ҳодиса саналган шеъриятига, шоир лирикасининг адабий-эстетик тафаккурига таъсири масалалари таҳлил этилган. Шоир ижодий тафаккури такомилида фольклор ва мумтоз адабиёт анъаналарининг поэтик синтези, ижодкор лироэпик ва драматик асарларининг герменевтик, бадиий-эстетик хусусиятлари, шоир-шеър-сўз учлигининг бадиий-эстетик, лиро-публицистик талқинлари илмий асосда ёритилган.

Монография филолог мутахассислар, шунингдек, кенг китобхонларга мўлжалланган.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Илмий-техникавий кенгашининг 2022 йил 20 апрелдаги 9-сонли мажлис баённомасига асосан нашрга тавсия этилган.

ISBN: 978-9943-8655-2-5

© О. Абдулҳакимова, 2022 й.
© “Fan va ta’lim” нашриёти, 2022 й.

КИРИШ

Жаҳон адабиётшунослигида ижод табиати, ижодкор эстетикасининг маданий-маърифий ва адабий-тарихий омиллари, нодир истеъдод эгаларининг жамият тараққиётига ва жамиятнинг ижодкор поэтик тафаккурига таъсири масалалари долзарб илмий муаммолар сирасига киради. Адабиётнинг миллий шаклда намоён бўлиши, маълум бир миллат дунёқараши ва руҳиятини ифодалаши назарда тутилса, бу йўналишдаги тадқиқотларда ана шу ўзига хослик эътиборда тутилиши илмий заруриятдир.

Дунё адабиётшунослигида ижодкор концепциясининг ижтимоий-биографик, адабий-эстетик муҳит билан узвий боғлиқлиги, индивидуал ижодий тафаккур такомилининг поэтик асослари, шакл ва мазмун, жанр ва бадиий услубнинг эстетик хоссалари сингари назарий масалаларни тадқиқ этишда янгича илмий-назарий қарашлар тизими шаклланмоқда. Бадиий матнни ана шу янги концепциялар асосида текшириш, илмий изланишларда дунё адабиётшунослигининг сўнгги ютуқларини ҳисобга олиш ушбу соҳа олдида турган муҳим масалалардандир.

Ўзбек адабиётшунослигида бадиий ижодда мактаб яратган ижодкорлар адабий-эстетик қарашларини тизимли ўрганиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам устувор аҳамиятга эга. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Халқ шоири Абдулла Орипов адабий меросини ушбу илмий муаммо негизида текшириш, феноменал шоир эстетикасининг ўзбек ва жаҳон адабиётида тутган ўрнини илмий баҳолаш адабиёт-

шуносликнинг устувор вазифаларидандир. Негаки, “Абдулла Орипов ўзбек адабиётини янги босқичга кўтарган нодир истеъдод эди. Унинг юксак бадиий, теран фалсафий шеърлари халқимиз кўнглидан чуқур жой олган. Драматик ва публицистик асарлари, достон ва таржималари адабиётимиз ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилган. Абдулла Орипов Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиясининг муаллифи сифатида халқимиз қалбида мангу яшайди”[1].

Ушбу монография Абдулла Орипов адабий-эстетик тафаккури юксалишида фольклор ва мумтоз адабиёт анъаналари поэтик синтези, ижодкор лироэпик ва драматик асарларининг герменевтик, бадиий-эстетик хусусиятлари, шоир-шеър-сўз учлигининг бадиий-эстетик, лиро-публицистик талқинлари масалалари тадқиқ этилган.

1 Мирзиёев Ш. Одамлар яхши яшаши учун зарур шароитлар яратиш – барча раҳбарларнинг асосий вазифасидир. //Халқ сўзи, 2017 йил 28 февраль.

I БОБ. АБДУЛЛА ОРИПОВ ЭСТЕТИКАСИНИНГ МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ, АДАБИЙ-ТАРИХИЙ ОМИЛЛАРИ

1.1. Абдулла Орипов эстетикасида фолкьлор анъаналари

Бадиий адабиёт юзага келишининг адабий-эстетик омили ҳисобланган халқ оғзаки ижоди эпос, қисса, эртак, ҳикоя, қўшиқ, мақол ва топишмоқ сингари жанрларни ўз ичига олади. Халқ оғзаки ижоди юксак истеъдод эгалари учун илҳом манбаидир. Ҳақиқий ижодкор фольклор материалларидан руҳ олади, халқ достонлари ва эртакларида мавжуд образ ва тимсолларни қайта ишлайди, мақол ва маталлардаги оз сўзда теран мазмунни ифодалаш усулларидан санъаткорона фойдаланиб, поэтик жиҳатдан такомилга етказади. Миллатнинг улуғ шоири Абдулла Орипов ижоди, бу жиҳатдан, тадқиқотлар учун бой материал беради. Ижодкор бадиий-эстетик тафаккури юксалишида халқ оғзаки ижодининг ўрни масаласини қуйидаги уч босқичда ўрганиш мумкин:

– Шоир ижодининг дастлабки босқичида халқ оғзаки ижодига мурожаат.

– Ижодкор бадиий тафаккури такомилида халқ оғзаки ижоди мотивлари бадиий синтезининг ўрни.

– Умр сўнгида яратилган шеърларида халқ оғзаки ижоди анъаналарининг поэтик янгиланиши.

Фольклор анъаналарини теран билиш ва ижод жараёнида қўллаш ижодкор бадиий-эстетик тафаккури такомилида алоҳида ўрин тутади. Чунки халқ оғзаки ижоди бадиий асардаги миллий руҳ ифодасини кучайтиради. Бадиий ижод намуналарини моҳиятан халққа яқинлаштиради. Халқни бадиият

сирларини англашга тайёрлайди. Абдулла Орипов шеърияти теран фалсафий тафаккур ва миллий руҳни юксак даражада уйғунлаштиргани жиҳатидан ҳам феноменал ҳодиса. Шоир лирикасини ушбу контекстда ўрганиш шоир ижод лабораториясига чуқурроқ кириш, бадиий маҳорати сирларини нозикроқ англаш имконини беради.

Ижодининг илк босқичлариданоқ Абдулла Орипов шеъриятида миллий руҳиятни инжа ифодалашга интилиш кучли бўлгани кузатилади. Халқ достонлари ва эртаклар, мақоллару ҳикматли сўзлар, латифаю ҳангомаларни чуқур ўрганган шоир улардаги образ ва мотивларни, сўз ўйинларию қочиримларни лирик асарларида маҳорат билан қўллади. “Тўғри, шоир адабиёт оламига кириб келган кезларда, унинг ҳаётий тажрибаси ёхуд ижодий тайёргарлиги етарли бўлмагандир, лекин истеъдод эгаларининг ўзига хос савқи табиийси, яна ҳам аниқроқ айтганда “пайғомлар”ни қабул қилишга муносиб қалб кўзи очиқлигини инкор қилиб бўлмайди”[1].

Абдулла Орипов халқ мақолларини гоҳида айнан келтирса, баъзан улар конструкциясига жузъий таҳрирлар киритади. “Мумтоз шеъриятда халқ мақолларидан, масал ва ҳикматлардан фойдаланиш *ирсоли масал* деб номланиши маълум. Ушбу бадиий санъат “...гапда ёки шеърда мақол, матал ва ҳикматли сўзларни муайян мақсадда тамсил йўли билан ишлатмоқ”[2] экани эътиборга олинса, шоирнинг бу борадаги тажрибаси ижод аҳлининг бугунги авлодига ўрнак бўларли экани аён бўлади. “Абдулла Орипов замонавий шеъриятимизда бу санъатни

1 Давлатова А. Абдулла Орипов шеъриятида поэтик тафаккур тадрижи. Филол. фан. док-ри.... дисс. – Т., 2022. – Б.15.

2 Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т:, Ўзбекистон, 2014. – Б.47.

юксак маҳорат билан ва энг кўп қўллаган шоир дейилса, асло муболаға эмас".[1] Шеър матнига олинган мақоллар конструкциясидаги ўзгартиришлар баъзан маъно ёки шаклга, баъзан ҳар иккаласига ҳам тегишли бўлади. "Ҳақиқат йўллари" номли шеъридаги: *"Баъзан ёмон от қолур яхши одамдан, ҳатто. Қай бир ёвуз кимсани яхши дерлар эрта кун",* деган сатрлар бунинг исботидир. "Яхшидан ном қолур, ёмондан доғ" халқ мақолининг мазмуни шоир шеърида қарама-қарши маънода қўлланган. Баъзида ҳатто яхши одамдан ҳам ёмон от қолиши мумкинлигига доир ифода шоир мақолга маъно жиҳатдан ҳам, шакл жиҳатдан ҳам ижодий ишлов берганини кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, Абдулла Ориповнинг сўзга нечоғлик катта масъулият билан қараганидан далолат беради.

Шеърдаги *"Дейдилар, ҳар замоннинг бордир ўз тарозуси, Оҳ нақадар рост эрур ушбу буюк ҳақиқат"* сатрлари *"Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-у тарози"* мақоли янгича қўллангани билан алоҳида ажралиб туради. Мақолда урғу маконга берилган бўлса, шоир эътиборни замонга қаратади. Натижада кўламли фалсафий-поэтик хулоса чиқарилади.

Шоирнинг "Одамлар" шеърида ҳам айни тарздаги бадиий-эстетик ёндашув кузатилади:

- Эй йўловчи, бўлақол қўноқ,
Уйда борин кўрамиз баҳам.
Тағин ўзинг биласан, бироқ
Қош қорайди, йироқдир йўл ҳам[2].

Ушбу шеърни Адабиётшунос Гулноза Эрназарова шундай таҳлил қилади: "А. Ориповнинг 80-йиллар-

1 Ўсарова Л. Абдулла Орипов асарларида миллий руҳ ифодаси. Филол. фан. бўйича фалсафа док-ри... дисс. автореферати. – Т., 2020. -Б.62.

2 Орипов А. Танланган асарлар. - Т:, Шарқ, 2019. – Б. 20.

да ёзилган “Одамлар” шеъри миллатимиз ижтимоий турмуш тарзига хос характерли жиҳатларни ўзида намоён этиши билан соф медитатив мазмунга эга. Бу шеърни ҳаттоки ўзбекона ижтимоий тафаккур, маънавий қадриятлар, урф-одат, миллатнинг асл вакиллари табиатини ифодалаши нуқтаи назаридан миллий медитатив лирика намунаси десак хато қилмаймиз. Чунки бунда тасвирланган инсонлар табиати бошқа бир миллат кишиларида бўлмаслиги мукин. Шоир миллий характерга хос мана шундай нозик нуқтани топа олган”[1].

“Уйда борин кўрамиз баҳам” мисрасида бир майизни қирқ бўлиш ҳақидаги ўзбек халқ мақолининг моҳияти ихчам, лўнда ва ўқувчи шуурини ёлқинлантириб юборадиган гўзал бадиий шакл орқали талқин этилган. “Меҳмон” сўзининг соф туркийча эквиваленти – “қўноқ” сўзи қўллангани, қоронғи тушишининг “қош қорайиши” тарзида халқона истиоравий ифодада берилгани ифоданинг миллий руҳиятга мувофиқлигини таъминлаган. Ўзбекнинг бағрикенглигини, борига шукур қилиш баробарида уни қўноғи билан баҳам кўра олиш даражасидаги тантилиги ёрқин сувратланган бу мисраларда. “Шеърда кичик бўлса ҳам сюжет – муайян воқелик тасвири бор. Композиция – *йўловчининг келиши – мезбоннинг таклифи – меҳмондорчилик – қўноқнинг хайрлашиб кетиши* – поэтик хулоса мукаммал. “*Келтиради топган-тутганни*” – ўзбекнинг асл табиатини акс эттирган ифода. Ушбу ибора орқали чинакам миллий характер – ўзбекнинг уйида борини меҳмондан аямаслиги талқин этилган”[2].

1 Эрназарова Г. Ҳозирги ўзбек шеъриятининг медитатив табиати. Филол.фан.док-ри...дисс. –Т., 2020. –Б.156.

2 Ўсарова Л. Абдулла Орипов асарларида миллий руҳ ифодаси. Филол. фан. бўйича фалсафа док-ри... дисс. автореферати. – Т., 2020. -Б.11.

Умуман, шукр туйғуси миллат сифатида ҳам, мусулмон сифатида ҳам ўзбекнинг фитратига хос фазилатлардан. Қуръони каримдаги “Иброҳим” сурасининг 7-оятида: “Ва Роббингиз сизга: “Қасамки, агар шукр қилсангиз, албатта сизга зиёда қилурман. Агар куфр келтирсангиз, албатта, азобим шиддатлидир”, деб билдирганини эсланг”, дейилади. Ана шу туйғу ўзбекнинг асл табиатида борлиги Яратганнинг миллатимизга улуғ иноятидир. Абдулла Орипов ушбу фазилатни “Исмалоқ” шеърида мана бундай ифодалайди:

Азиз неъматларим, Сизга ташаккур,
Доимо бўй чўзинг замин комидан.
Мен сизни кўзимга суртайин ҳар қур,
Шукрона айтайин ҳаёт номидан.

Шоирнинг ҳар бир сатрида ўзбекнинг тоза тийнати, пок руҳияти самимий ва бетакрор акс этади. Ана шу хусусият Абдулла Орипов шеъриятида ижод концепцияси даражасига кўтарилган. Мазкур сатрлардаги “бўй чўзинг”, “кўзимга суртайин” жумлалари соф ўзбек тилига хос эканидан ташқари, миллатнинг асл табиатини, ўзига хос характерини ифодалаши билан ҳам ўқувчи кўнглини нурлантириб юборади.

Абдулла Орипов шеърларида қаҳрамонлик тимсоли бўлган Алпомиш образига аниқ ижодий мақсад билан мурожаат этилган. “Авлодларга мактуб” шеърида: *“Лекин қаршингизда тағин мардона, Паҳлавон кимсанинг сурати турар. Тагида – сарғайган сатрлар аро, Бизнинг услубимиз жаранглар мағрур: “Бундай меҳнаткашни кўрмаган дунё, Чунки у советлар фарзанди эрур”,* тарзидаги шўроча сохта тарғиботга киноя қилинар экан, Алпомиш образи воситасида паҳлавонлик ўзбек учун янгилик эмаслигига ишора қилинади:

Шу замон кўзингиз олдида бирдан,
Кичик чумолича қолгуси Фарҳод.
Оддий жуссангизга кўз ташлаб зимдан,
Азиз набиралар, солурсиз фарёд.
Ўйларсиз Алпомиш давридан буён,
Паҳлавон ўтмаган булар сингари.

"Генетика" шеърида ҳам шоир поэтик тафаккури такомилида фольклор образлари асос вазифасини ўтагани кузатилади. Ушбу шеърда "...миллатнинг аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган хислатлари уч авлод: *боболар-фарзандлар-набиралар* ўртасидаги ришталар ҳамда уч замон: *ўтмиш-бугун-келажак* ҳақидаги теран фалсафий қарашлари бадиий талқин этилган"и[1] эътиборга олинса, Широқ ва Алпомиш образларига мурожаат этилиши сабаби ойдинлашади.

Нечоғли сабот бор ёвқур Широқда,
Эрйигитов тўпга кўксин босар жим.
Раҳимов ғанимга ташланган чоғда,
Алпомиш шиддатин пайқамаган ким?!

Ёвқурлик, шижоат каби фазилатлар генетик қонуниятлар асосида аждодлардан авлодларга ўтиши фалсафий тафаккур ва поэтик талқин уйғунлигида бу тарзда мукаммал сувратлангани Абдулла Ориповнинг мутафаккир шоир экани исботидир. Ижодий ният ифодаси учун фольклор образлари асос қилиб олиниши бежиз эмас. Чунки фақат фольклоргина халқ руҳиятини бор кўлами билан тўлақонли тажассум этиши мумкин. Шу боис халқ оғзаки ижоди намуналарига мурожаат этмай туриб, миллат руҳини бадиий ифодалаш имконсиздир.

1 Ўсарова Л. Абдулла Орипов асарларида миллий руҳ ифодаси. Филол. фан. бўйича фалсафа док-ри... дисс. автореферати. – Т., 2020. -Б.11.

Шоирнинг “Ҳангома” шеъри гарчи зоҳиран енгил юмор асосига қурилгандек туюлса ҳам, бадиий матн замирига теран ижтимоий-фалсафий маъно юклангани билан алоҳида ажралиб туради. “1971 йилда ёзилган “Ҳангома” шеъридаги қиш кунида тўйга бориш можароси аслида ҳамма билан ҳам содир бўлиши мумкин бўлган оддий ҳолат. Бу шеърнинг қисман биографик асоси ҳам бор. Яъни шоирнинг қишлоғидаги яқинлари билан рўй берган вазият. Лекин шоир унга ўзгача ёндашиб, ҳангомани янада завқли айтиб бериш йўлини топади”[1].

Шеърда шоирнинг характер яратиш маҳорати, оддийгина ҳангома мисолида тагматнга катта маъно юклай олиш салоҳияти намоён бўлган. Асар халқчиллиги билан, образ ва деталлар санъаткорона қўлланган билан алоҳида ажралиб туради. ““Ҳангома” шеъридаги ҳар бир образ, ҳар бир деталь миллий характернинг бадиий тажассуми учун тўлақонли восита сифатида юзага чиқади”[2].

Асарда халқона рамзлар тизими, миллий рамзлар билан синтезлашиб кетган. Бўралаб ёғаётган, довулдан қолишмайдиган қор тасвири билан бошланиб, асар сўнгида *“Изғирин-чи, изғирди, Еру кўкда ҳорғин тус”* тарзидаги поэтик ифода берилиши сюжетнинг аниқ ижодий мақсад асосига қурилганидан, шоирнинг оддий ҳангомадан кўра кенгроқ ва каттароқ кўламдаги ижтимоий-фалсафий фикр талқинини кўзда тутганидан далолат беради. Асардаги образлар сони ҳам кўп эмас. Сюжет воқеалари тўйга айтилгани боис қўшни овулга отланган икки чол, от ва эшак, асар сўнгида от минган чолнинг кампири образлари иштирокида содир бўлади.

1 Давлатова А. Абдулла Орипов шеъриятида поэтик тафаккур тадрижи. – Т.: Tafakkur, 2021. – Б.109.

2 Хамдамов А. Абдулла Орипов шеъриятида халқона поэтик тафаккур муаммоси. Филол. фан номз... дисс. –Т., 2011. -Б.23.

Дастлаб икки чол образи ҳақида. Ҳар икки образ орқали ҳаётда ўз олдига муносиб мақсад қўя билмаган, яшаш тарзи ҳам ҳаминқадар бўлган кишиларнинг умумлашма қиёфаси акс эттирилган. Улар инсоннинг инсонлигини белгилайдиган, одам ва оламнинг моҳияти билан боғлиқ ёруғ фикрлардан йироқ. Икки чолнинг йўлда гапга тушгани, суҳбат *“Ўтган-кетган, баланд-паст, Гоҳ калла, гоҳ туёқдан”* экани ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Аста-секин кун қайтиб, уфқлар ранги ўчганда ҳам, қор оралаб қайдадир юлдуз аранг чақнаганда ҳам чоллар суҳбати ўша-ўшалигича қолади. Тўрт чақирим жойга бир кунда ҳам ета олмаслиги уларнинг қўшни овул йўлидан адашиши замирида мақсад ва маслак жўнлиги, мустамлака йўллари аро майдалашгани тасвирланган. Шоир сюжетни шунчалик юксак маҳорат билан ифодалайдики, ҳар бир бадиий детал, персонажларнинг ҳар бир ҳаракати, қаҳрамонлар нутқидаги ҳар бир сўз мустаҳкам ҳаётий ва поэтик мантиқ асосига қурилади. Адашганлари учун айбни тўй эгасига ағдарган чолларнинг мана бу сўзларидаги самимият хам шоирнинг халқ руҳиятини, оддий одамлар ҳаёт тарзи ва кечинмаларини нечоғлиқ чуқур билишидан ҳамда санъаткорона акс эттира олиши исботидир:

– Қора қишда тўй қилмай,
Баттар бўлгур нокас, ғов.
Баччағарнинг аслида,
Феъли совуқ эди-ёв.

Асарда муаллиф концепцияси асосан от ва эшак рамзий образлари воситасида тўлақонли ифодаланган. Чунки, “...ҳажвий образ камчиликлари беозор кулгига олинар экан, муаллиф ўз олдига қўйган мақсадга эришиш учун турли воситалардан фойда-

ланади”[1]. Ушбу рамзий образлар Абдулла Орипов ижодий ниятини амалга оширишда ўзига хос бадиий восита бўлгани кузатилади. Сюжет аввалида *“Йўлни эшак бошлади, От эргашди лўкиллаб”*, деган сатрларни ўқиймиз. Халқимизда: *“Замонанинг озгани – отдан эшак ўзгани”*, тарзидаги теран моҳиятни мужассам этган мақол бор. Эшакнинг йўл бошлаши замирига шоир ана шу ҳикматни жойлайди. Асар сюжетида чоллар йўлда давом этар экан, ҳолат ўзгармагани мана бу тарзда ифодаланади: *“Йўрғалар эшак ҳамон, От боради эргашиб”*. Муаллиф ўқувчини руҳан ўз ижодий нияти талқинига тайёрлай боради. Сюжет давомида йўлбошловчи ҳануз ўзгармагани ҳам буни тасдиқлайди: “*Олдинда эшак борар, Орқада лўкиллар от”.* Оқибатда йўлдан адашув хронотопи кузатилади.

Йўл қаёқда, тўрт тараф
Қалин, оппоқ қор эди.
Энг баттари – совуқда
Жон сақлаш душвор эди.

Қайтай деса изига,
Белги ҳам йўқ, из ҳам йўқ.
Қалтирайди икки чол,
Таскин ҳам йўқ, сўз ҳам йўқ.

Адабиётшунос Сувон Мели фикрича: “Мазкур икки банд йўлсизликнинг танг-таранг поэтик тасвири бўлиб, уни йўлсизлик (йўл эмас) хронотопи, деб баҳолаш мумкин. Яъни йўлсизлик аниқ вақт ва аниқ макон – кенг сайҳонда тиниқ қиёфага эга бўлмоқда”[2].

1 Равшанова Гулрухбегим. Абдулла Ориповнинг ҳажвнавислик маҳорати. Филол. фан. номз... дисс. – Қ., 2020. – Б.117.

2 Қаранг: Мели С. Ҳангома зимнида панднома. //Ўзбек тили ва адабиёти, 2021, 3-сон. -Б.21-22.

Одамзоднинг табиати шундай: қачонки чорасиз қолганда, ҳеч кимдан мадад кутиб бўлмайдиган вазиятда Тангри таолони эслайди. Биргина мисол: ҳазрат Алишер Навоий “Сабъаи сайёр” достонидаги биринчи мусофир ҳикоятида Фаррух тилидан: *“Деди: «Бу ажз бирла бутмас ишим, Бордурур Тенгрим, ар йўқ эрса кишим”*[1], деган сўзларни ёзади. *“Ҳангома” қаҳрамонлари ҳам чорасиз қолганда нажотни Яратгандан кутади:*

- Не бўлса ҳам топширдик
Яратганнинг ўзига!
Таваккал деб, от бошин
Қайирдилар изига.

Ана шу вазиятдан бошлаб йўлбошловчилик отнинг зиммасига ўтади. От йўлдан адашган икки чолни тўғри уйларига бошлаб келади. Демак, шоир концепциясига кўра, йўлсизлик ҳолатига тушмасликнинг асосий шарти, от ва эшак ўз ўрнида бўлишидир. Отдан эшак ўзмаса, замона озмайди. Адабиётшунос Сувон Мели фикрича, “Ҳангома” шеърида оддий ва кулгили воқеа шоирнинг бадиий нияти ҳамда юксак маҳорати туфайли янги “ўзга борлиқ”қа кўчгани, натижада шеър ўзи яратилган ижтимоий-тарихий даврнинг рамзий манзараси, утопик, хаёлий коммунизмнинг юмористик тасвирини акс эттиргани, бадиий матн буткул умумий моҳият касб этиб, халқ ва йўлбошчи муносабатлари фалсафий ифодалангани, айни жиҳатлари билан шеър глобал (“Еру кўкда ҳорғин тус”) илмий-бадиий талқин учун асос бериши асар кўлами глобал миқёсга кўтарилиши эътиборидан шоир ушбу ва унга ҳамоҳанг шеърлари билан ХХ аср ўзбек шеъ-

1 Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. /Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Еттинчи жилд. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. -Б.407.

риятида ҳангома жанрига асос солди, дейиш мумкин. Олим янги жанрни назарий асослаш галдаги вазифалардан эканини ҳам алоҳида таъкидлайди[1]. Дарҳақиқат, Абдулла Орипов шеъриятида ҳангома жанр даражасига кўтарилган. Маълумки, ҳар қандай жанр муайян назарий қоидаларга асосланади. Шоирнинг “Ҳангома”, “Турмуш ташвишлари”, “Тулки фалсафаси”, “Ади-бади ҳақида ривоят”, “Мамнуният”, “Танишлар”, “Тарбия”, “Шарқ ҳикояси” сингари шеърлари, биринчидан, халқ ҳаётидан олинган воқеликнинг ижодий қайта ишланиши, иккинчидан, киноявий-юмористик руҳи, учинчидан, эпик тасвирга асослангани, тўртинчидан, тагматнда катта ижтимоий-фалсафий моҳият акс этгани, бешинчидан, поэтик хулосанинг бадиий-эстетик қуввати жиҳатидан жанр даражасига кўтарилган. Ушбу жанрнинг яна бир хусусияти ифода усулининг халқоналиги ҳамда фольклор ва ёзма адабиётнинг бадиий синтезига асосланишидир.

Абдулла Орипов адабий-эстетикасига халқ оғзаки ижодининг таъсири шоир асарларида фольклоризмларнинг, хусусан, эртакларда учровчи мотивларнинг кўп қўлланишидир. Мотивнинг сюжет таркибидаги ҳалқалардан бири ҳамда воқеликни юзага келтирувчи асосий унсур экани эътиборга олинса, уларнинг шоир ижодида маҳорат билан қўлланиши сабаблари ойдинлашади. “Уйқу” ва “Кўзгу” шеърлари, бу жиҳатдан, алоҳида ўрин тутади. Шоирнинг “Уйқу” шеъри 1965, “Кўзгу” 2015 йилда ёзилган бўлишига қарамай, улар бир-бирининг узвий давомидек таассурот қолдиради. Биламизки, халқ оғзаки ижодида “уйқу” ва “кўзгу” мотиви бор. Достонларда ҳам воқеликни юзага келтирувчи “уйқу” мотиви

1 Қаранг: Мели С. Ҳангома зимнида панднома. //Ўзбек тили ва адабиёти, 2021, 3-сон. -Б.29.

кўп ўринларда қўлланилади. Масалан, “Алпомиш” достонида Сурхайил кампир Алпомишга уйқу дори бериб, чоҳга ташлайди ва у узоқ муддат уйқуга кетади. Достонларда қаҳрамонларни уйқуга кетказиш, яъни уйқу мотивини қўллаш орқали салбий қаҳрамонларнинг ёвузликлари амалга оширилади. Абдулла Орипов “Уйқу” шеърида барча ноҳақликлардан йироқда бўлиш, жамиятдаги воқеа-ҳодисалардан айро яшамоқ ниятида узоқ вақт уйқуга кетиш истагини мана бу тарзда бадиий талқин этади:

Одамлар ухлайди, ўн йил, ўн беш йил,
Сезмасдан, севмасдан, ҳиссиз ва мудроқ.
Баъзида очиқ гап, ўртанса кўнгил.
Ухлагим келади менинг ҳам узоқ.

Бу уйқу орқали шоир ўзи яшаб турган муҳитдан, барча нарсадан узилишни хоҳлайди. Лекин ушбу ҳолат муайян воқелик ва унинг таъсиридаги кайфият маҳсули бўлиб, барқарор эмас. Лирик қаҳрамон ирода кучи билан бу кайфиятни енга олади. Инсон кураш учун яралган, кураш тирикликнинг асосий шарти деб билган шоир уйқуни ўлимга менгзайди. Натижада ҳаёт фалсафасининг асл моҳиятини акс эттирувчи мана бундай хулосага келади:

Аммо борми имкон бундай уйқуга,
Курашга яралган жафокаш инсон.
Ҳар қандай кураш ҳам ҳаётдир унга,
Ҳар қандай уйқу ҳам – ўлим ҳар қачон!

Ушбу сатрлар халқимизнинг “Уйқу ўлимдан қаттиқ” деган машҳур мақоли билан муайян уйғунликка эга. Маълум бўладики, Абдулла Орипов халқ мақолларини ёки фольклор асарларидаги мотивларни айнан такрорламайди. Уларни ижодий қайта ишлайди, индивидуал фалсафий қарашлари билан бойитади, поэтик талқин жиҳатдан мукаммал даражага етказади. Шоир фикрича, ҳар қандай кураш

– ҳаёт белгиси, ҳар қандай уйқу – ўлим аломати. Кураш ва уйқу, ҳаёт ва ўлим тушунчалари ҳосил қилган тазод муаллиф ифодаламоқчи бўлган фикрнинг таъсир кучини ошириб юборган.

“Рамз, ишора – бадиий ижоднинг бош белгисидир. Ҳаётни боридай акс эттиришга қаратилган одми сўз бадииятга тегишли эмас. Таъсирли, ҳиссий сўзгина кўркамлик яратади”[1]. Маълумки, халқ оғзаки ижодида, хусусан эртакларда ҳайвонлар рамзий-мажозий образлар сифатида бадиийликнинг асосий омили вазифасини ўтайди. Шу турдаги образлар воситасида ҳаётий ҳақиқатлар бадиий ҳақиқатга айлантирилади. Фольклор материалларида халқнинг руҳияти, кечинмалари, орзу-армонлари рамзий-мажозий образларга кўчирилиб тасвирланади. Халқ оғзаки ижодида ҳар бир жонивор муайян рамзни ифодалаб келади. Масалан, бўри – очкўзлик, айиқ – лақмалик, гўллик, чумчуқ – чақимчилик, шер – куч-қудрат, ит – вафо, тулки эса айёрлик рамзи. Абдулла Орипов ижодида ҳам рамзий-мажозий тасвир етакчилик қилади. Бу типдаги образлар шоир бадиий-эстетик қарашларини ўзида мужассам этиши жиҳатидан қимматлидир.

Шоир лирикасида ит образи фаол қўлланган. Абдулла Орипов бадиий-эстетик тафаккурининг ўзига хослиги шундаки, у муайян ҳодисага ёки маълум бир мавзуга кутилмаган томондан ёндашади. Жумладан, халқ оғзаки ижодига хос образлар талқинида ҳам ҳеч бир ижодкорни такрорламайди. Ҳеч кимнинг хаёлига келмаган оҳорли ташбеҳлару истиораларни қўллайди. “Ҳикматли гапларга” (1979) шеърининг таҳлили ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

1 Йўлдош Қозоқбой. Сўз ёлқини. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2018. -Б.496.

Ҳикматли гапларга қулоқ солмоқ даркор.
Қулоқ солмоқ даркор халқнинг сўзига,
Лекин одамларнинг бир одати бор,
Мақол тўқийдилар мослаб ўзига.

Шеърнинг ушбу бошланма бандида ҳикматли гаплар, халқнинг сўзи аҳамиятли экани ҳақидаги поэтик фикр ўзани бирданига кутилмаган тарафга бурилади. “Лекин” зидлов боғловчиси шоир ижодий нияти ўзгача эканига ишорадир. Одамларнинг ўзига мослаб мақол тўқиши ҳақидаги икки сатр ижодкорнинг шеър муҳибига айтмоқчи бўлган фикри одатий эмаслигидан огоҳ этади. Ўқувчи шеър давомини интиқлик ва алоҳида қизиқиш билан мутолаа қилишга тайёрланади:

Масалан, ит – вафо демишлар, ҳайҳот,
Ит эгалари буни тўқиганлар заб.
Бировнинг итидан бўлгил эҳтиёт,
Ўзингники бўлса бошқа гап.

Шеърда “Ит – вафо...” деган машҳур мақолга ўзгача ракурсдан муносабат билдирилган. Шоир итни икки турга ажратади: бировлар ити ва ўзингники. Бегона ит, одатда, ўзи танимаган одамга бор кучи билан ташланади. Бундан ташқари, ит эгалари кўппагини ўзи ёқтирмаган одамга олкишлаши ҳам мумкин. Шоирнинг бировлар итидан эҳтиёт бўлишни тавсия этаётгани сабаби шунда. “Ўзингники бўлса бошқа гап” – бу сатр “Ит эгасини қопмас” деган бу жонивор билан боғлиқ бошқа мақолнинг ўзига хос бадиий талқинидир. Ушбу образнинг мажозий маънода қўлланган эътиборга олинса, шоир бир қанча маъно қатламларига эга теран фикрни поэтик ифодалагани аён бўлади. Инсон ҳаёти ҳам, характери ҳам биз ўйлагандан кўра мураккаб. Кимгадир эзгулик тимсоли бўлиб кўринган киши баъзан арзимаган манфаат илинжида учинчи бир кимсанинг

қутқуси билан бошқа бировга ёмонлик қилиши ҳам мумкин. Бу шеър, аслида, жамият ҳаётидаги мураккаб муносабатлар рамзий-мажозий образ воситасида бор зиддиятлари билан талқин этилгани жиҳатидан бадиий янгиликдир.

Бошқа бир машҳур шеърида шоир ит образига янада ўзгача поэтик мазмун юклайди:

Дейдилар, ит ҳурар
- Ўтади карвон,
Ранжу балолардан
Ёнмасин жонинг.
Лекин алам қилар,
Бир умр гирён
Итлар орасидан
Ўтса карвонинг.

Ушбу шеърда “Ит ҳурар – карвон ўтар” мақолига муносабат замирига катта ижтимоий-фалсафий мазмун юкланган. Таскин маъносида бу мақолни эслатиб, бошингга ёққан машаққату балолардан ўксинма, ғам чекма, дегувчиларга ўзига хос жавоб беради: “Шундоқ дейсиз-у лекин карвонинг бир умр итлар орасидан ўтса, алам қилади-да...” Бу шеърда ҳам рамзий-мажозий образ воситасида халқ мақоли замирида ифодаланган моҳият, аслида, инсонлар ўртасидаги муносабатларга дахлдор. Яъни умрнинг ҳасадгўйлар, фитначилар, иғвогарлар орасида ўтиши қанчалик фожиали экани ўзига хос бадиий акс этган. “Имом Ғаззолийнинг “Иҳёу улуми-д-дин” асарида итнинг нажосат экани, ундан узоқ юриш лозимлиги таъкидланади. Қопағон ит ғазаб, шаҳват, гина, ҳасад, кибр, манмансираш тимсоли экани айтилади”[1]. Абдулла Орипов ит рамзий-мажозий образининг айни шу жиҳатларини тасвирлайди. Шоир

1 Ғаззолий Абу Ҳомид. Иҳёу улуми-д-дин, Тошкент: Мавоунаҳр, 2007. http://forum.ziyouz.com/index.php?topic=824.0

халқ мақолига индивидуал поэтик тафаккур асосида ижодий ёндашади. Натижада ҳаёт фалсафасини ўзига хос янгича бадиий талқин этишга эришади.

Шоирнинг “Тулки фалсафаси” (1980) шеъри фольклорга хос рамзий-мажозий образ талқинига бағишлангани билан характерланади. Ёш ва қари тулки диалоги асосига қурилган шеър жамиятда учрайдиган айёрлик, манфаат илинжида минг тусда товланиш, қиёфасизлик, иккиюзламачилик, нафс қутқусида ҳаммага фириб беришга интилиш каби иллатлар ўзига хос услубда қоралангани жиҳатидан юксак бадиий қимматга эга.

Абдулла Ориповга мухлисларидан бири: “Нима дейсиз, назарингизда кейинги пайтларда ана шу “фалсафа”ни ўзлаштириб олганлар кўпайиб кетгандай туюлмаяптими?”, дея савол беради. Унга жавобан шоир мана бундай фикрларни айтади: “Бир одамнинг одати феъл-атворга айланиб кетиши ҳеч гап эмас. Мен ёзган пайтларимда, тулкичилик бу “привичка” эди. Ҳозирги замонда у характерга айланди. Бу шеър ҳозир аввалгидай жарангламайди. Негаки, ҳозир кўпчилик тулкига айланиб бўлди... Мана шу фалсафа ер юзида ғалаба қилди. Ҳозир тулкининг устидан кулсанг, ўзинг ҳаётдан орқада қолган одамга айланиб қоласан. Сен ҳали ҳам тулкимасмисан, ҳалиям содда тошбақага ўхшаб имиллаб юрибсанми, ҳаётдан орқада қолиб, дейди. Менинг ўзимга неча марта шундай дейишди: “Эй, шоирим, ҳаётдан орқадасиз, орқадасиз. Сиз шеър ёзиб, шуни ҳаёт деб юрибсиз, бу ҳаёт эмас! Сиздай одамнинг кассада миллион-миллион пули бўлиши керак. Сиз бу ерда мен абадий яшайман, деб шеър ёзиб юрибсиз. Аслида, мутлақо ортда қолиб кетган одамсиз...” Бундай қараганингизда, улар ҳақдай туюлади. Бугунни ўйлаб яшаш, буям балки катта жасоратдир.

Эртани ўйлаб яшаш эса романтикадир, қандайдир дарвешликдир. Булардан қайси бири керак? Ўйлаб ўйингизга етолмайсиз. Лекин ҳар ҳолда ҳалол бўлиш керак. “Тулки фалсафаси”га келганда, менинг иймоним комилки, айтганимдек, у пайтларда бу шеър бошқача жаранглар эди. Ҳозир эса “Ну что же, тулки бўлмасанг, тулки бўлгин...”, дейди. Шунинг учун буни афсус билан қайд этаман”[1].

Табиийки, моддиятпарастлик ҳаёт тарзига айланган жамиятда айёрлик, иккиюзламачилик, фирибгарлик одатий ҳолга айланади. Шу жиҳатдан, шоирнинг мазкур адабий-фалсафий қарашларини тушуниш мумкин. Лекин барибир жамиятнинг интеллектуал қатлами “Тулки фалсафаси” шеъридаги юмористик ифода ва асар тагматнидаги трагик ҳолатни ҳис этади. Шоирнинг фалсафий-эстетик қарашларидан муайян хулоса чиқаради. Шу жиҳатдан, фольклорга хос мажозий-рамзий образлар воситасида жамият ҳаётидаги иллатлар кескин танқид қилинган бу асар аҳамиятини йўқотган эмас.

Абдулла Ориповнинг “Шарқ ҳикояси” (1980) шеърида ҳам фольклор ва ёзма адабиёт хусусиятлари синтези кузатилади. Чунки шоир бу шеър орқали жамият ва одамлардаги нуқсонларни, иллатларни очиб беради. Шеърнинг дастлабки бандлариёқ эртаклардаги бошланмага монанд экани диққатга сазовордир: *“Аниқ йили эсимда йўқ, Аллақайси замонда, Бир қишлоқда ота-ўғил Яшар экан омонда. Улар ғоят тотув экан, Ўртада мол-жони бир. Минг қилса ҳам ота-ўғил, Минг қилса ҳам қони бир”.* Шеърнинг тоқ мисралари 4+4, жуфт сатрлари эса 4+3 тарзидаги туроқ асосида ижод этилган. Туроқ ва қофия

1 Орипов Абдулла. Танланган асарлар. Олтинчи жилд. – Т.: Шарқ, 2010. – Б.248.

ҳам, ифода услуби ҳам халқона экани билан алоҳида ажралиб туради.

Кейинги сатрларда ота-ўғил қайгадир йўл олишгани, минишга от-улови йўқлигидан ўйланиб қолишгани, йўқчилик боис икковлоннинг ўртасида биттагина эшак борлиги ҳикоя қилинади. Шоир таърифича: *“Гарчи у ҳам бир оз яғир, Гарчи андак бедармон. Шу эшакни минсакми, деб, Ўйлаб қолди икковлон”.* Хуллас, эшакни галма-галдан минишга келишилади.

Ота доим ота ахир,
Яъни мудом иззатда,
Эшакка у минди дастлаб,
Ўғли яёв албатта.

Улар бир қишлоқдан ўтар экан, одамлар отани ўғлини пиёда қўйиб, ўзи улов минганликда айблаб, аҳмоқдан олиб аҳмоққа солади. Ота тушиб, эшакка ўғил минади. Кейинги овулдагилар эса: *“Аҳмоқ экан манов бола, Аҳмоқ ҳаддан зиёда. Ўзи улов миниб олган, Отаси-чи, пиёда”*, деб уларнинг устидан кулади. Оломоннинг гапларидан чарчаган ўғил ва ота нима қилишни билмай, эшакка иккаласи бирга минишга қарор қилади. Навбатдаги қишлоқда улар устига яна кўп маломатлар ёғилади: *“Ахмоқ экан булар роса, Инсофи йўқ лавангlар, Икки одам бир эшакни Миниб опти, қаранглар”.* Бундай маломатлардан кўнгли озор чекиб, ғазабланган ота-ўғил тортишиб қолади ва шунча йиллик тотувлигига путур етади.

Шеърнинг поэтик хулосаси шоирнинг оддийгина ҳангомадан ҳам катта фалсафий хулосалар чиқара олишига далилдир:

Қўл силташди бир-бирига,
Қолди фойда-зиён ҳам.
Ота у ён кетиб қолди,
Бу ён кетди ўғлон ҳам.

Қондошликнинг миллион йиллик
Ришталари узилди.
Ўртага бир эшак тушиб
Оралари бузилди.

Шоир халқона сюжет асосида инсон ўз мустақил фикри билан яшаши зарурлиги, агар оломоннинг сўзларига қулоқ тутиб, унга амал қиладиган бўлса, ҳаёти издан чиқиши муқаррар экани ҳақидаги ҳаёт фалсафасини енгил сюжет асосида фожиавийлик ва юморнинг ички семантик муносабати асосида лирик талқин этади. Эътибор берилса, бу ҳангомада ҳам эшак образи тасвирланган ва у ота-боланинг юзкўрмас бўлишининг асосий сабабчисидир. Шеър якунидаги *“Ўртага бир эшак тушиб”* мисраси замирига, шу жиҳатдан, катта маъно юкланган. Яъни икки яқин инсон ўртасига тушиб, уларнинг муносабатлари бузилишига сабаб бўлган кимса (у бир нафар бўладими ёки кўпчилик) инсон аталишга лойиқ эмас. Шоир, бир томондан бошқалар фикрига қараб иш тутишни, иккинчи томондан эса, ўзгалар орасига тушиб, қондошлик ришталари бузилишига сабаб бўлишни қоралайди.

Диққат қаратилса, шеър эртаклардаги каби пафос билан бошланган эди. Маълумки, эртаклар, одатда, қаҳрамонларнинг мурод-мақсадига етиши билан якунланади. Бу шеър эса, аксинча, ота-ўғил орасидаги қондошлик ришталари узилиши билан боғлиқ фожеий хулоса билан тугалланган. Яна бир эътиборни тортадиган жиҳати шеърнинг “Шарқ ҳикояси” деб номлангани билан боғлиқ. Шеър тагматнида бир замонлар аҳил-иттифоқ бўлгани боис дунёга ҳокимлик қилган Шарқ ўзлигидан йироқлашгани, бошқалар йўриғига юргани, “орага эшак тушгани” боис таназзул гирдобига тушгани ҳақидаги аччиқ ҳақиқат ҳам акс этган, деган хулосага келиш

мумкин. Бу эса, Абдулла Ориповнинг қай бир мавзуни қаламга олмасин, юксак бадиий-эстетик, ижтимоий-фалсафий мезонлар асосида ижод қилгани исботидир.

“Афанди” сарлавҳали тўртлик ҳам ҳаёт фалсафаси теран ифодалангани билан алоҳида ажралиб туради:

- Қўй етаклаб ўтди-ку биров,
- Менга нима, деди Афанди.
- Сизникига қараб кетдиёв,
- Сенга нима, деди Афанди.

Бу ўринда шоир юқоридаги шеърда ифодалангани каби ўзгаларнинг гап-сўзларига учиш, ғийбатларга эътибор қаратиш одамийлик шартларига хилоф эканига урғу беради. Зеро, ақл-ҳуши ўзида бўлган инсонлар беҳуда гап-сўзларга эътибор қаратмайди. Ўз ҳаётига даҳли бўлмаган кимсалар учун ҳаётини издан чиқармайди. Беҳуда гап-сўзлар деб ўз жигарлари, яқинлари билан низога бормаслик зарурлиги ўзига хос талқин этилган ушбу тўртликда.

Шоир “Тириклик” (1986) номли шеърида ҳам ирсоли масал, яъни шеър матнини мақол асосига қуриш тамойили кузатилади:

Бир тери ичида минг марта озиб,
Минг марта тўлишар жониворлар ҳам.
Ўн беш кун жамолин кўкда кўргазиб,
Ўн беш кун фалакда ой топар барҳам.

Шеърда “Бир танда одам гоҳ семиз, гоҳ ориқ” ҳамда “Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ” мақоллари поэтик қайта ишланиб, ҳикмат даражасига кўтарилган. Ҳар иккала мақол ҳаётда инсон бошига қайғу-ташвишлар тушган вақтда унга тасалли бериш учун қўлланади. Шоир ҳам ҳаёт курашларидан чарчаган, тушкун кайфиятдаги инсон-

лар кўнглига таскин берувчи фалсафий фикрларни бетакрор бадиий умумлашмага айлантиради.

Абдулла Ориповнинг “Эски қудуқ” (1987) асари ҳам халқ оғзаки ижодидан, Искандар шохи ҳақидаги машҳур ривоятдан фойдаланилгани, саккиз қатор шеърда ривоят мазмуни ҳаёт фалсафаси билан уйғунликда маҳорат билан тасвирлангани жиҳатидан қимматлидир:

Ҳамма биладиган ривоят будир:
Эмиш Искандарнинг бор экан шохи.
Уни яширолмай сартарош қурғур
Қудуққа айтибди, шулдир гуноҳи.

Шоир айтмоқчи, бу “ҳамма биладиган ривоят”. Агар бошқа бир шоир шеъри ҳақида сўз кетса, ушбу ривоят мазмунини қофиялаштирибди-да, деб ўйлаш мумкин бўлар эди. Лекин Абдулла Орипов ҳар қандай кўҳна мазмунга ўқувчининг етти ухлаб тушига кирмайдиган янги руҳ бағишлай оладиган, оҳорли ва теран фалсафий тафаккурга асосланган поэтик хулосалар чиқара биладиган нодир салоҳият эгаси. Шеърнинг кейинги банди мутолааси айни фикрни тасдиқлайди:

Яшаб келмоқдаман ўзимга кўра ,
Ўтган-кетган сирдан кўнглим эрур тўқ.
Лекин недир менга етишмас сира,
Балки етишмайди у эски қудуқ.

Буюк истеъдод эгалари руҳан юксак идеалларга интилгани боис ҳамма қатори яшай олмайди. Жамиятдаги мавжуд воқелик ва шоир бадиий-эстетик идеали, одатда, бир-бирига мувофиқ келмайди. Ҳазрат Алишер Навоий таъбири билан айтганда, “бари рост ҳам дегулик эмас”лиги боис ижодкорда кўнглидаги кечинмаларни ҳар доим ҳам тўла-тўкис изҳор этиш имконияти бўлавермайди. “Ўтган-кетган сирдан кўнгли тўқ” бўлса ҳам, “у эски қудуқ етишмасли-

ги” ҳақидаги фикрнинг поэтик талқини ушбу фикрни тасдиқлайди. Ҳолбуки, ана шу анчайин мураккаб, шунинг баробарида, ноёб ижодий-психологик ҳолат шеъриятда камдан-кам бадиий талқин этилган. Абдулла Орипов аксар ижодкорлар ифодалай билмаган ана шундай нодир лаҳзаларни ҳам оҳорли сувратлантира билган шоирдир. “Эски қудуқ” шеъри, шу жиҳатдан, катта адабий-эстетик қимматга эга.

Абдулла Орипов умрининг сўнгги йилларида бебаҳо ижодий самара манбаи ҳисобланган халқона оҳангларга кучлироқ рағбат кўрсатди. Халқона руҳ ва фалсафий теранлик мутаносиблиги бу даврда янги поэтик даражага юксалди. Айни шу хусусият ҳақида шоир ижод лабораториясини ўрганган Адиба Давлатова қуйидагича ёзади: “У шеърият билан бирга ўсди, улғайди. Худди туйғулари камол топиб, чўнглашиб боргани каби адабиётга қараши, унинг масалаларига муайян муносабати ҳам шаклланиб борди. Ҳар бир одам ўзига хос индивидуал қобилият ва интеллект соҳиби. Лекин бунинг ўзи етарли эмас. Одам маълум соҳада муайян натижага эришиши учун албатта илмий ва амалий мактабларни ўтамоғи лозим”[1]. Ижодкорнинг “Ҳаж дафтари” туркумидаги “Она”, “Рўза” шеърлари шулар жумласидандир. Шоир “Она” номли шеърида:

Қавмимни ранжитиб қўймайин, аммо
Тобут ясаб келган эр зоти доим.
Оналар бағрига фақат бешик жо,
Ҳаётбахш аллалар айтган, мулойим.

Бешик – туғилиш, яъни ҳаётнинг ибтидоси рамзи. Тобут эса ўлимни, яъни умр интиҳосини ифода этади. Рамзий маънода, улар икки эшикка менгзай-

1 Давлатова А. Абдулла Орипов шеъриятида поэтик тафаккур тадрижи. Филол. фан. док-ри.... дисс. – Т., 2022. – Б.18.

ди: биридан ҳаёт остонасига кирилади, иккинчисидан чиқиб кетилади. Шеърда инсон ҳаёти ана шу икки эшик – бешик ва тобут оралиғида кечиши фалсафий талқин этилган. Бу икки рамзий образ ҳосил қилган тазод шеърнинг мазмунан теран, бадиий жиҳатдан мукаммал бўлишини таъминлаган. “Бешик” ва “ҳаётбахш алла” таносуби ҳам шеърнинг таъсир кучини оширган. Ўзбек оналари туғилган гўдакни бешикка белаб, аллалар айтиши қадим-қадимдан одат бўлиб келади. Алла – халқимизнинг энг қадимий қўшиқларидан бўлиб, асосан бешикдаги болага айтилган. Демак, “бешик” ва “алла” эгизак тушунчалардир. Оналар алла орқали Аллоҳдан фарзандининг умри узоқ бўлишини, комил инсон бўлиб улғайишини сўраб ният қилишади. Ана шу эзгу тушунчалар шеърда миллий руҳ ва теран фалсафа уйғунлашувини таъминлаган.

“Рўза” шеъри ҳам ўзбек руҳиятини, халқимизнинг тоза табиатини ифодалагани билан алоҳида ажралиб туради. Мусулмон аҳли учун Рамазон ҳайити нечоғлик улуғ байрам ҳисобланса, қадимий миллий байрам ҳисобланган Наврўз халқимиз учун шунчалик қутлуғ айёмдир. Шеърда ана шу икки муборак байрам руҳи ўзига хос поэтик тасвир воситалари орқали бетакрор талқин этилган:

Рамазон ойида, ҳайит чоғида,
Сумалак пиширди аҳли мусулмон.
Унни қовурдилар аҳли мусулмон,
Ҳалим тайёрлади кимда бор имкон.

Баҳор келди, мана, қишдан чиқолдик,
Берган ризқ-рўзига, неъматга шараф.
Тоғдайин заҳматни ахир йиқолдик,
Табиатга шараф, ҳимматга шараф.

Сумалак ва ҳалим шунчаки овқат эмас. Бу икки таомни бир-икки киши эмас, одатда, кўпчилик пиширади. “Аҳли мусулмон”ни бирлаштирадиган, бошини қовуштирадиган, аҳиллик ва бирдамлик рамзига айланган неъматлардир улар. Ўзбек характери, миллат руҳияти шундай: ҳар бир неъматга шукр айтади. Қишдан чиқиб, баҳорга етгани учун ҳам, ризқ-рўзини бутун қилгани учун ҳам, тоғдайин заҳматни енга билгани учун ҳам шукр изҳор этилаётгани шеърда миллий руҳият ўзига хос бадиий талқин этилгани исботидир.

“Ўнг қовоғим учди-ё” шеърига шоир “Халқона” деб изоҳ берган. Шеър шоир лирик кечинмаларини, миллий руҳиятни ифода этишдан ташқари, фольклорга хос бадиий тасвир воситаларидан санъаткорона фойдаланилгани билан ҳам юксак бадиий қимматга эга.

Ўнг қовоғим учди-ё,
Чап қовоғим учди-ё.
Олисларда қолган юртим
Бирдан эсимга тушди-ё.

Шеър охирига 2016 йил 10 октябрда ёзилгани қайд этилган. Демак, шоир вафотидан роппа-роса йигирма беш кун аввал ижод этилган шеър. Шахс ва ижодкор сифатида бир умр Ватан муҳаббатини қисмат деб билган Абдулла Орипов халқона оҳангда олисларда қолган юртини эслаяпти. Ўнгми ёки чапми, қовоқ учишига эътибор бериш, бунга маъно юклаш ўзбекнинг тийнатига хос тушунча. Шеър, шу жиҳатдан, миллий руҳни ифода этгани билан аҳамиятлидир.

Ўзбек – болажон халқ. Бу элнинг табиати шундай: қаерда, қай вазиятда бўлмасин, болалари – жигарбандларини, яқин дўстларини ўйлайди. Уларга яхшилик соғинади. Миллатнинг ана шу фазилати

умрининг сўнгги кунларини яшаётган, эҳтимол, буни кўнгли сезиб турган буюк шоир кечинмалари тарзида изҳор этиляпти: *“Болаларим омонмикан, Гулзорларим чаманмикан. Даврадошу жўраларим Ҳалиям мен томонмикан”.*

Бундай кезлари, одатда дилдаги армонлар ҳам эсланади: *“Ҳайитда ҳам боролмадим, Жигарларим сўролмадим. Қанча ҳафта, ойлар ўтди, Қишлоғимни кўролмадим”.* Энг аҳамиятлиси, бу армонлар ҳам жигарларга оқибат, она заминга муҳаббат туйғуси билан йўғрилган. Лирик кечинма ва тоза туйғулар, халқона услуб ва миллий руҳ уйғунлигида битилган бу сатрларни бефарқ ўқиш имконсиз.

Ўнг қовоғим учди-ё,
Чап қовоғим учди-ё.
Узоқдаги шоир ўғли
Кимнинг ёдига тушди-ё.

Абдулла Орипов муҳаббат ҳақида ёзадими ёки табиатни васф этадими, ижтимоий воқеликдан олган таассуротларини қаламга оладими ёки ҳаёт фалсафасини талқин қиладими, қатъи назар, мавзуни жондан севган Ватани ва она халқи томонга буради. Фарзанд сифатида ҳам, шоир сифатида ҳам қисматини Ватан ва халқ тақдири билан уйғун деб билди. Халқининг камолини, она Ватанининг тараққийсини кўрмоқни орзу қилди, бутун кучини, бор ижодий салоҳиятини ана шу муқаддас ишга сафарбар этди. Шу боис халқнинг узоқдаги шоир ўғлини унутиши, ёд этмаслиги унинг учун ҳаёт-мамот масаласи бўлган. Ана шу изтироб шоир кўнглини ларзага солган. Бу ҳол умрининг сўнгги лаҳзаларигача шоир она Ватан, жонажон халқи ёди билан яшаганига ёрқин далилдир. Бу ҳол Абдулла Орипов адабий-эстетик қарашларининг негизида Ватан ва халқ муҳаббати тургани ҳақидаги тўхтамга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, Абдулла Орипов ижод оламига кириб келган дастлабки кезларидан миллий фольклор намуналарини қунт ва сабот билан ўрганган. Миллий руҳиятни бетакрор бадиий талқин этиш, халқона услуб имкониятларидан санъаткорона фойдаланиш шоир шеъриятининг асосини ташкил этган. Халқ оғзаки ижоди мотивларининг бадиий синтези ижодкор бадиий тафаккури такомилида алоҳида ўрин тутган. Умр сўнгида яратилган шеърларида ҳам халқ оғзаки ижоди анъаналарини поэтик янгилашга алоҳида диққат қаратган. Ушбу хусусиятлар, ўз навбатида, Абдулла Орипов шеъриятининг абадиятини таъминлаб келаётир.

1.2. Шоир эстетик қарашларининг бадиий-тарихий омиллари

Ижод жараёнининг ўзига хос қонуниятлари бор. Шулардан бири салафлар тажрибаларини ўрганиш, улар асарларидаги ижодий кашфиётларни янгилари билан бойитишдан иборат. Абдулла Орипов адабий-эстетик тафаккури такомилида мумтоз адабиётнинг ўрни алоҳида. Шоирнинг улуғ мутасаввиф **Хожа Аҳмад Яссавийга** ихлоси бениҳоя баланд бўлгани маълум. Ижодининг дастлабки кезларига мансуб “Бул ажаб...” ғазали ҳазрат Алишер Навоий “Туркистон мулкининг шайху-л-машойихи” дея таърифлаган ана шу улуғ сиймога бағишлангани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Ғазал мана бу байт билан бошланади:

Бул ажаб хор кимсадин имдод сўрайди хорлар,
Сиз бемор кўксига бош урмангиз, эй беморлар.

Улкан фалсафий тафаккурни мужассам этгани матлаъданоқ кўриниб турган бу ғазал Абдулла Ориповнинг мумтоз шеърий жанрларда ҳам маҳо-

рат билан қалам тебрата олишига яққол далил бўла олади. Профессор Нурбой Жабборов фикрича, шоирнинг ушбу "...ғазали мумтоз лириканинг юксак талабларига жавоб бера олади. Оҳорли мазмун, вазн, қофия ва бадиий санъат мукаммаллиги Абдулла Ориповнинг ғазалнависликда ҳазрат Навоий санъатхонасидан баҳра ола билган бахтли ижодкор экани исботидир"[1]

Ана шу ғазалнинг асосий моҳиятини ифодалаган шоҳбайтида Хожа Аҳмад Яссавий номи тилга олингани, фақат номи тилга олинибгина қолмай, ул зотнинг пок сийрати васф этилгани замонамиз шоирининг буюк бобокалонига бўлган юксак эҳтироми исботидир. Жумладан, ушбу ғазалда шоир:

Нафс ила дунёга дил берган фосиқлар, сиз бу кун
Яссавий хок-пойидин айлаб олинг тумморлар –

деб ёзар экан, бу орқали Хожа Аҳмад Яссавийнинг дунёпарастликдан баланд тура олган, фақат Ҳақ ва ҳақиқат йўлида яшаб ўтган покдомон шахс, улуғ валий бўлганига ишора қилган. "Нафс ила дунёга дил берган фосиқлар"га муносиб танбеҳ берган. "Яссавий хок-пойидин айлаб олинг тумморлар" – чинакам ўзбек руҳиятини акс эттирган бу ибора шоир бадиий нияти ёркин ва юксак бадиият билан талқин қилинишини таъминлаган.

Абдулла Орипов шеърияти ҳам худди Аҳмад Яссавий асарлари каби ҳикмат ёғдуси билан йўғрилган. "Аҳмад Яссавий ҳикматларининг ғояси, тили ва услуби ниҳоятда халқона. Айтиш керакки, Яссавий шеърияти маъно-моҳиятан нақадар исломий бўлса, тил жиҳатидан шу даражада миллийликка ҳам эга. У туркий урф-одат билан исломий қадриятларни бир-бирига уйғунлаштириб, мувофиқлаштир-

1 Жабборов Н. Замон.Мезон.Шеърият. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015. -Б. 123.

ди”[1] Аҳмад Яссавий ҳикматларидаги ғоя қанчалик халқона бўлса, Абдулла Орипов шеърлари ҳам шунчалик халқ руҳига яқин. Шоирнинг бутун ижоди она халқининг дардини ўз дарди, қувончини ўз қувончи деб билганидан дарак беради. Ижодкорнинг мана бу эътирофи ҳам буни тасдиқлайди: “Ҳар қандай ижодкор учун халқини куйлашдан, юртининг оғриқлари билан яшашдан муқаддасроқ нарса бўлиши мумкин эмас. Мен шундай тушунаман ижодни. Тўғри, мавзу, масалаларнинг чеки, чегараси йўқ. Лекин шахсан мен учун севинчу дардим – бари Ватанимдир”[2]. Шу жиҳатдан, шоир бадиий-эстетик тутумига Аҳмад Яссавийнинг таъсири катта бўлганини таъкидлаш керак.

Абдулла Ориповнинг “Ҳаж дафтари” туркум шеърларини ўқиганда Аҳмад Яссавий ҳикматларидаги оҳангни, руҳни янада чуқурроқ ҳис этиш мумкин:

Ё илоҳим, ҳамдинг бирла ҳикмат айттим,
Зоти улуғ Хожам, сиғниб келдим санго,
Тавба қилиб, гуноҳимдин қўрқуб қайттим,
Зоти улуғ Хожам, сиғниб келдим санго[3].

Яссавий ҳикматларининг Ҳақ таоло ҳамди билан йўғрилганини, гуноҳлари учун тавба қилиб, зоти улуғ Хожасига сиғинишини халқона услуб ва оҳанг, тиниқ ифода ва гўзал бадиият уйғунлигида талқин этган. Абдулла Ориповнинг “Каъбатуллоҳ” шеърида Аҳмад Яссавий ҳикматида ифодаланган мазмун янгиланаётгани, шоир лирик кечинмаси халқ дарди билан уйғунлашиб кетгани кузатилади:

1 Ҳасанов Н. Яссавийликка доир манбалар ва “ДЕВОНИ ҲИКМАТ”. Филол. фан. док-ри.... дисс. – Т., 2017. – Б.158.

2 Орипов А. Адолат кўзгуси. – Т.: Адолат, 2003. - Б.120.

3 Яссавий А. Девони ҳикмат. – – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 1992. Б. 28. (Яссавийнинг барча ҳикматлари ушбу манбадан олинган)

Ҳануз бири икки бўлмаган элдан
Келдим, нажот излаб, ё Каъбатуллоҳ.
Бағри хун, толеи кулмаган элдан
Келдим, нажот излаб, ё Каъбатуллоҳ[1].

Аҳмад Яссавий ҳикматида зоти улуғ Хожага хос бандасининг ҳамди, муножоти, тавбаси ифодаланган бўлса, Абдулла Ориповнинг "Каъбатуллоҳ" шеърида "ҳануз бири икки бўлмаган", "бағри хун, толеи кулмаган" халқига нажот излаш руҳи устуворлик қилади. Бу ҳол Абдулла Орипов буюк салафлари ижод лабораториясини теран ўргангани, бироқ уларни ҳеч бир жиҳатдан такрорламагани исботидир.

Қирқ учумда Ҳақни излаб нола қилдим,
Кўз ёшимни оқузубон жола қилдим,
Биёбонлар кезиб, ўзум вола қилдим,
Зоти улуғ Хожам, сиғниб келдим санго.

Шоир бу мисраларда Ҳақни излаб нола, кўз ёшини жола, биёбонлар кезиб вола қилганини ўқувчи қалби ва руҳини ёритадиган тарзда таъсирчан ифодалайди. Ҳақни излаш, чин дўст қидириб топа олмаслик туйғуси адабиётимизда тадрижий равишда талқин этиб келинади. "Чин дўст излаш туйғусининг поэтик ифодаси шеъриятимизда муайян анъанага эга. Ҳазрат Навоий: "*Дўстлуқ жонондин истармен, манга олам эли, Душмани жон бўлса бўлсун, бор эса жонона дўст"*, деб ёзса, Фурқат: "*Оҳким, йўқтур манинг табъимга лойиқ улфатим*", дея фарёд чекади. Абдулла Орипов билан замондош шоир Эркин Воҳидов бу борадаги қарашларини: "Дўст қидир, дўст топ жаҳонда, дўст қанча бўлса оз, Кўп эрур бисёр душман бўлса гар бир дона ҳам", тарзида ўзга хос ифодалайди. Абдулла Орипов ҳам дўстдан душман кўплигини кўриб, озор чекади. Ҳақиқий дўстни из-

1 Орипов А. Танланган асарлар. – Т.: Шарқ, 2019. - Б. 323.

лайди, биргина содиқ дўст бўлса ҳам шукрона этиш зарурлигини айтади”[1].

Аҳмад Яссавийдан бошланган ана шу Ҳақни, дўстни излаш мотиви Абдулла Орипов шеъриятида ҳам ўзига хос давом этгани кузатилади:

Қай замон одамлар баъдфеълин сездим,
Вафоли дўст излаб дунёни кездим.
Топмадим, топмадим, баридан бездим,
Келдим, нажот излаб, ё Каъбатуллоҳ.

Аҳмад Яссавий ҳикматлари ҳам, Абдулла Орипов шеърлари хам иймон нури билан йўғрилган. Абдулла Орипов ижодий тафаккури такомилида Аҳмад Яссавий ҳикматларининг ўзига хос ўрни борлиги сабаби шунда. Мана бу мисраларда буюк мутасаввиф шоир Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг Аллоҳдан умматлари гуноҳини афв этишини сўраб қилган илтижосини баён этиш баробарида ўзининг Расулуллоҳ с.а.в.га муҳаббатини ҳам таъсирчан ифодалаган:

Умматларинг ёзуқларин ҳар жума кеч,
Олиб келгай, ё Муҳаммад, сен муни еч,
Токи йиғлаб сажда айлай, Тангриға кеч,
Мустафоға мотам тутиб кирдим мано.

Пайғамбаримизнинг умматлари гуноҳини шафоат этиши билан боғлиқ воқелик талқини Абдулла Ориповнинг “Ҳаж дафтари” туркумида ҳам кузатилади. Шоир шеърларида ҳам Пайғамбаримиз образи Яратгандан умматнинг гуноҳларини сўровчи, гумроҳ йўлдан адашганларга ҳақ йўлни кўрсатувчи меҳрибон сиймо сифатида талқин этилади. Муборак ҳаж ибодати давомида тоза кўнгил изҳори ўлароқ яратилган шеърларида илоҳий ҳикматлар гўзал бадиий шаклда намоён бўлади:

---

1 Ўсарова Л. Абдулла Орипов асарларида миллий руҳ ифодаси. Филол. фан. бўйича фалсафа док-ри... дисс. автореферати. – Т., 2020. -Б.36.

Ҳазрат, сўранг бизнинг гуноҳимизни,
Бошланг тўғри йўлга гумроҳимизни .
Эгамга етказинг оҳ-воҳимизни,
Ассалому алайка, ё Муҳаммад,
Ассалому алайка, ё Аҳмад.

Яссавий таълимотида кишининг охират ҳақида кўп ўйлаши, қайғуриши, дунё зийнатларига алданиб қолмаслиги ғояси илгари сурилган. Абдулла Ориповнинг "Ҳаж дафтари" туркумидаги шеърларида ҳам савобнинг муҳимлиги, гуноҳларга тавба қилиш кераклиги, бу дунё ўткинчилигини англаб, охиратни ўйлаб яхши амаллар қилиш кераклиги ўзига хос тарзда бадиий талқин этилган. "Хожа Аҳмад Яссавий Муҳаммад пайғамбаримизнинг "Илм эгалланг, илм саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида йўлдош, бахтиёр дақиқаларда раҳбар, қайғули онларда – мададкор, одамлар орасида зебу-зийнат, душманларга қарши курашда қуролдир" деган ҳадисига амал қилган. Яъни бу билан инсон билимга интилиши, ўқиш ва ўрганиш орқали ушбу ўткинчи дунёнинг ёлғончи ҳузурларидан воз кеча олишлиги ҳамда уни ёмон йўлларга ундовчи нафс қопқонидан ўзини халос қила олишга ўзида куч-қувват, ирода тўплай олишлиги таъкидланади"[1].

Абдулла Орипов шеърларида Қуръон ва Ҳадисларда олға сурилган ғоялар яққол сезилиб туради. Қуръонда инсонлар бир-бирига яхшилик қилишга, дилозор бўлмасликка даъват этилган. "Қасос" сурасининг 84-оятида: Ким бир яхшилик келтирса, унга ундан кўра хайрлироқ (мукофот) бор. Ким бир ёмонлик келтирса, ёмонлик қилганлар фақат қилганларига яраша жазоланурлар", – дейилган. Бу ғоя асосида Аҳмад Яссавий шундай ёзган:

1 Хажиева М. Хожа Аҳмад Яссавийнинг маънавий-тарбиявий қарашлари. Пед. фан. ном-ди.... дисс. – Т., 2004. – Б.36.

Суннат эрмиш, кофир бўлса берма озор,
Кўнгли қаттиғ дил озордан Худо безор.

Ҳазрат Навоий ҳаётда иши юришмай, кўнгли ўксиб турган инсоннинг хотирини шод этиш Каъбанинг вайрон бўлган деворини обод этиш баробаридаги савоб иш эканини қуйидагича талқин қилади:

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким Каъба вайрон бўлса обод айлагай.

Ушбу байт мазмунидан унинг антиподи бўлган фикр ҳам ойдин англашилади. Яъни ҳаётдан мамнун бўлиб, кўзлари қувончдан порлаб турган, сурати-ю сийратидан бахтиёр экани сезилиб турган бир одамнинг кўнглини синдириш Каъбатуллоҳни бузишдан ҳам ортиқроқ жиноятдир. Ҳазрат Алишер Навоий бир вақтнинг ўзида бир неча қават мазмун англашиладиган ана шундай теран фалсафий моҳиятни биргина байтда юксак бадиий ифодалай олган. Бу мавзу мумтоз шоирларимизнинг ҳаммасини ҳам қизиқтирган. Жумладан, Машраб ҳам айни шу моҳиятни мўрча – чумоли образи воситасида ўзига хос ифода этган:

Гар қўлингдан келса ҳаргиз мурчани оғритмагил,
Ҳам Худо бандам демас, ҳар кимки дилозоридир.

Дарҳақиқат, халқимизда “Чумолидек беозор” деган чуқур мазмун акс этган нақл бор. Яна бир мақолда: “Дилозордан Худо безор”, дейилади. Машраб ана шу икки нақлни ирсоли масал орқали чуқур бадиий талқин этган. Мумтоз адабиётимизни, буюк салафлари ижодини мукаммал билган, бунинг билангина чекланмай, олган сабоқларини асарларида санъаткорона қайта ишлаган Абдулла Орипов ана шу байтларга ҳамоҳанг тарзда мана бундай ёзади:

Жаннатга ҳеч қачон тикма кўзингни,
Агар бир мўминга етказсанг озор.

Боболар демишлар, ҳатто пашшага,
Бу ёруғ оламда бермагил озор.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, шоирнинг “Ҳаж дафтари” туркумидаги шеърлари Қуръони карим ғоялари таъсирида ёзилган. Масалан, “Исро” сурасининг 70-оятида: “Батаҳқиқ, биз Бани одамни азиз-у мукаррам қилиб қўйдик”[1], -дейилган. Шоир шеърларида шундай байт ўқиймиз:

Дунёга келганда инсон мукаррам,
Қавмлар шодликдан чуввос солдилар.

Бу мисоллар шоир шеъриятида Аҳмад Яссавий ҳикматлари сингари Қуръони карим ва Ҳадиси шарифлар моҳиятига мувофиқ сатрлар кўп экани исботидир. Бу эса, ўз навбатида, адабиётнинг, шеъриятнинг асосий хусусиятлари асрлар ўтса ҳам сақланиб қолишидан далолат беради.

Абдулла Ориповнинг Хожа Аҳмад Яссавийга ихлоси нечоғлик баланд бўлгани “Соҳибқирон” драмасида бу улуғ зот образини ҳам меҳр билан тасвирлаганида кўринади. Драманинг якуний бешинчи саҳнасида Чин сафарига отланган Амир Темур Туркистонда Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасида тунайди. Дарвеш қиёфасидаги ҳазрати Хизр билан мулоқот қилади. Соҳибқирон: *“Бобомизнинг пойларида бедор ўлтириб, Руҳларига ором сўраб тиловат қилдим”*, дея пири Туркистонга бўлган юксак эҳтиромини изҳор этади. Тонгга яқин кўзи илинган Соҳибқирон улуғ пирини туш кўради. Тушида Хожа Аҳмад Яссавий унга илтифот қилмайди. Ҳазрати Хизр Туркистонда сўнгги юз йилда бундай совуқ бўлмаганини айтиб, сафар қилмоқни тавсия этмайди. Иккаласи хайрлашар экан, Соҳибқирон суҳбатдошининг бош бармоғи суяксиз эканидан Ҳазрати Хизр билан мулоқот қилганини сезиб қолади. Соҳибқирон ундан

1 “Исро” сураси, 70-оят./ Тафсири ҳилол, 3-жилд, - Б.260.

ҳазрат Яссавийни кўрсатишини илтижо қилади. Улуғ пир ва Соҳибқирон ўртасидаги мулоқот теран ҳаёт фалсафасининг бадиий талқини даражасида экани жиҳатидан аҳамиятлидир.

Соҳибқирон: *“Сиз ерости, мен устида лашкар тузибмиз”* – деса, ҳазрат Яссавий: *“Сен тиғ билан билан, мен сўз билан бошқардик уни, Бироқ сенинг йўруғингни ёқлай олмайман. Воз кеч, Темур, бу хатарли Чин сафаридан, Ёш бир жойга бориб қолгач, узлат афзалдир, У дунёнинг сафарига тадорик лозим”*, дея Соҳибқирон қисматига ишора қилади. Абдулла Орипов ана шу ўринда Хожа Аҳмад Яссавийнинг мана бу ҳикматини келтиради:

Бу дунёда югрук отга минғучилар,
Ҳарб кунида муборизлик қилғучилар,
Олмос-пўлад қилич-қурни чопғучилар
Ажал келса бегу хонни қўймас эрмиш.

Абдулла Ориповнинг маҳорати шундаки, бу икки улуғ зот қалбининг ҳам, тафаккурининг ҳам умумбашарий ғоялар ёғдуси билан нурафшон эканини ҳазрати Хизр – Амир Темур, Хожа Аҳмад Яссавий – Амир Темур мулоқотлари воситасида санъаткорона талқин этади. Ўқувчи руҳиятини драматик достон хотимасига – Соҳибқирон вафотига босқичма-босқич тайёрлайди. Аҳмад Яссавий образи асар сюжетига фалсафий якун арафасида кириб келади. “Бошинг тошдан бўлсин, Амир” – дер экан, қуйидаги ҳикматни айтади:

Қул Хожа Аҳмад сўзлагани Ҳақнинг ёди,
Эшитмаган дўстларига қолсун панди.
Ғурбатланиб ўз шаҳрига қайтиб ёнди,
Туркистонда мозор бўлиб қолдим мано.

Умуман, асарнинг Хожа Аҳмад Яссавий билан боғлиқ саҳнаси, биринчидан, Абдулла Ориповнинг бу улуғ зот ҳикматларини нечоғлик теран ўрганга-

нини англатса, иккинчидан, достонда ҳикматлардан шунчалик ўринли ва маҳорат билан фойдаланадики, натижада пири Туркистон образи нурланиб кетган. Соҳибқирон Амир Темурнинг буюк тарихий шахс ва ислом байроғини юксакка кўтарган ҳукмдор сифатидаги миссияси ана шу образ воситасида тўлақонли бадиий талқин этилган.

Хулоса қилиб айтганда, Абдулла Орипов адабий-эстетик тафаккури такомилида мумтоз шоирлар ижодий ютуқлари, хусусан, Аҳмад Яссавий ҳикматлари алоҳида ўрин тутади. Шоирнинг ютуғи шундаки, у ижодий анъаналарини пухта ўрганиш, муносиб давом эттириш баробарида уларни янги поэтик босқичга кўтарган. Бу эса, Абдулла Орипов шеъриятининг халафлари – кейинги авлод ижодкорлар учун ўзига хос мактаб бўла олиши исботидир.

Ўзбек адабиётининг XV асрдан кейинги барча даврлардаги, жумладан, бугунги тараққиётини ҳам Алишер Навоий анъаналари таъсиридан айри тасаввур этиб бўлмайди. Барча замонлардаги энг салоҳиятли ижодкорлар бу беназир бадиият сарчашмасидан баҳраманд бўлгани исбот талаб қилмайди. XX-XXI асрлар ўзбек адабиёти мисолида ҳам буюк шоир ижодий анъаналари янгиланган, айрим образлар ва тимсоллар поэтик такомилга етказилгани маълум. Замонамизнинг улуғ шоири Абдулла Орипов адабий-эстетик қарашлари ривожида Алишер Навоий анъаналарининг синтези масаласини ўрганиш, шу жиҳатдан, долзарб ва аҳамиятлидир. Шу жиҳатдан, Абдулла Орипов 9 та шеъри Алишер Навоийга бағишланган, 6 та шеърида эса Навоий номини эътироф этади.

Абдулла Орипов ижодда буюк Навоийни устоз деб билди. Ижод концепциясини белгилашда ме-

зонни шундан келиб чиқиб белгилади. Бадиий юксак шеърлари билан буюк салафига муносиб издош эканини исботлади. Шоир тасвирлаган беш асрдан буён назмий саройни титратиб келаётган занжирбанд шер образи ҳазрат Алишер Навоийнинг буюк хизматларига берилган оҳорли ва юксак баҳо экани аён. Абдулла Орипов:

Темур тиғи етмаган жойни
Қалам билан олди Алишер

деб ёзар экан, улуғ бобокалонимизнинг миллат олдидаги беқиёс хизматларига алоҳида урғу беради. Тиғнинг эмас, қаламнинг кучи билан жаҳонни забт этиш – теран мазмуннинг гўзал бадиий ифодаси. Ушбу таъриф ҳазрат Алишер Навоийнинг тарихий миссиясига берилган муносиб баҳо. Аслида, шеър муҳиблари кўнглидан чуқур жой олган ушбу сатрлар ҳазрат Алишер Навоийнинг мана бу мисраларида ифодаланган поэтик мазмуннинг бадиий янгиланиши сифатида баҳоланмоғи зарур:

Олибмен таҳти фармонимға осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.

Хуросон демаким, Шерозу Табриз –
Ки, қилмишдур найи килким шакаррез...

Не мулк ичра ки, бир фармон йибордим.
Анинг забтиға бир девон йибордим.

Ҳазрат Алишер Навоий Хитодан Хуросонгача, ундан Шерозу Табризгача бўлган ҳудудларни черик чекмай, лашкар тортмай ҳукмига бўйсундурганини, қай бир юртга фармон юборса, забт этмоқ учун девонини жўнатиши кифоя қилганини фахрия усулида айтган. Абдулла Орипов ана шу мазмунни янгича бадиий шаклда, ўзгача услубда бадиий талқин этган. Бунинг учун ўз шеърига Амир Темур образини

олиб кирган. Фикрнинг таъсирчанлигини таъминлаш учун “тиғ” ва “қалам” тазодидан фойдаланган. Қаламнинг тиғдан кўра қудратлироқ эканини бетакрор ифодалаган.

Абдулла Орипов буюк салафи Алишер Навоий санъатхонасидан жуда кўп нарса ўрганган. Лекин ҳатто Навоийга ҳам тақлид қилмаган. Навоиёна образларни янгича талқин этиш, айрим поэтик деталларни такомилга етказиш, ўзига хос ифода услубида сувратлантириш йўлидан борган. Мақолаларидан бирида шоирнинг ўзи мана бундай эътирофни ёзган: “Мен Навоийдан масаланинг моҳиятига киришни, шеърни сеҳрли таёқчадай ўйнатишни ўргандим. У киши мазмун ифодасининг устаси, шеър айтиш мумкин, лекин шеърни мазмун билан фақат Навоий айтган”[1].

Ҳазрат Алишер Навоий “Хамса”ни ёзар экан, ўз олдидаги бадиий-эстетик мезонни қуйидагича белгилаб олади:

Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлғай,
Улусға майли беандоза бўлғай.

Йўқ эрса, назм қилғонни халойиқ
Мукаррар айламак сендин не лойиқ.

Яъни улуғ шоир “тарҳи тоза” – буюк хамсанавислар асарларидан мутлақо фарқ қиладиган, янги услубдаги асар ёзишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Салафлари назм қилганни такрорламоқни ўзига муносиб кўрмайди. Буюк мутафаккирнинг ушбу ижодий нияти “Хамса”да нечоғлиқ муваффақиятли амалга ошгани маълум. Абдулла Ориповнинг ўз ижод йўлини ана шу асосда белгилагани Алишер Навоийнинг муносиб издоши экани исботидир.

1 Орипов А. Танланган асарлар. Тўртинчи жилд. – Т.: Адабиёт ва санъат, 2001. –Б.157

Мен шоирман,
Истасангиз шу,
Ўзимники эрур шу созим,
Бировлардан олмадим туйғу,
Ўзгага ҳам бермам овозим...

Ҳақиқатан, Абдулла Орипов ўзбек шеъриятига ўз сози, ўз овози билан кириб келди. Ўзигача бўлган бадиий кашфиётлардан сабоқ олгани ҳолда, уларни такрорламади. Поэтик тафаккурни янгилашга эришди. Икки улуғ шоир ижодий дастурини қиёсий таҳлил этган профессор Нурбой Жабборов мана бундай ёзади: "Кўриниб турибдики, ҳар икки ижодкор якдил фикрда: шеъриятда ўзгаларни такрорлаш ("мукаррар айламак") айб. Ҳақиқий шоир ўз сози билан куйлаши лозим. Бошқалар кетидан от сурмоқ, ўзгалардан туйғу олиш ҳақиқий ижодкор иши эмас. Тақлидчилик ижод табиатига зид... Чинакам ижод намунаси оригинал бўлмоғи зарур, тоза тарҳ билан битилмоғи керак. Бутун ижодий фаолияти ана шундай юксак эътиқод, мустаҳкам тутум асосига қурилгани бу икки буюк истеъдоднинг ижодкор сифатидаги принциплари нечоғли уйғун экани далилидир"[1].

Ҳазрат Алишер Навоий "Ҳайрат ул-аброр" достонида назм – шеъриятга қўйиладиган муҳим бир талабни қуйидагича ифода этади:

Назмда ҳам асл анга маъни дурур,
Бўлсун анинг сурати ҳарне дурур.

Назмки маъни анга марғуб эмас,
Аҳли маоний қошида хўб эмас.

Эътибор берилса, улуғ мутафаккир шеъриятда шаклий ўзгаришлар, янгиланишлар бўлишини та-

1 Жабборов Н. Замон.Мезон.Шеърият. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015. - Б. 114.

биий деб билади. Назмнинг сурати қандай бўлишидан қатъи назар, унинг асосини маъно ташкил этишини алоҳида таъкидлайди. Маънодан йироқ сўз аҳамиятга эга эмаслигини айтади. Аҳли маоний – маъно аҳли бундай назмни маъқулламаслиги ҳақида ёзади. Абдулла Ориповнинг қуйидаги фикрлари буюк салафи қарашлари билан ҳамоҳанг экани жиҳатидан муҳимдир: "Ҳозирги шеъриятимизда шаклдаги ранг-баранглик қарор топаётгани мени қувонтиради. Ранг-баранглик ҳеч қачон эскирмайди. Фақат унинг замирида бетакрор мазмун, гўзал ташбеҳ, сирли руҳ бўлса, бас"[1].

Демак, шеъриятдаги шаклий ранг-барангликни маъқуллаган шоир унга уч талабни қўйган: 1) бетакрор мазмун; 2) гўзал ташбеҳ; 3) сирли руҳ. Диққат қилинса, ижодкор **бетакрор мазмун** деган талабни биринчи ўринга қўйган. Бу эса, ўз навбатида, Алишер Навоий ва Абдулла Орипов адабий-эстетик қарашларидаги уйғунликни кўрсатади. Табиийки, бундай мутаносиблик тасодифий эмас. Чунки Абдулла Орипов Алишер Навоий ижодхонасидан сабоқ олган, бадиий адабиётнинг сир-синоатини буюк салафи асарларидан ўрганган. Шоирнинг мана бу сатрлари ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

Ҳамдам бўлиб сен билан
"Хамса"дан сабоқ олдим,
Йироқ-йироқ юлдузлар
Сеҳрини дилга солдим.
Меҳмон эмас, қасрингда
Балки бир умр қолдим.
Энг олий бахтим менинг,
Онажоним, шеърият.
Топган тож-тахтим менинг,
Жонажоним, шеърият.

1 Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Тўртинчи жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000. –Б.121

Шоир “Хамса”дан сабоқ олганини мамнуният билан таъкидлайди. Йироқ-йироқ юлдузлар сеҳрини дилга солишининг ҳам, шеърият қасрида меҳмон бўлмай, бир умр қолишининг ҳам асосий сабаби ана шу сабоқ эканини айтади. Буюк Навоий бадиий-эстетик оламидан баҳрамандлик – Абдулла Ориповни ижод чўққисига эриштирган асосий омиллардан. Шоир ижодининг асосий моҳиятини Илҳом Ғаниев ва Нодира Афоқова мана бу тарзда изоҳлайди: “Ижод – бу кашфиёт, яратиш завқи, ўз-ўзини англаш, намойиш қила билиш, ўз ҳақиқатига ўзгаларни ишонтириш ва эргаштириш, бутун бир муҳитни ўзгартиришга интилиш қудрати, илоҳий илм ва зеҳн, олим ва одамни ичдан чуқур билиш санъати ҳамда масъулияти. Абдулла Ориповнинг ўз таъбири билан айтганда, “эҳтиёж фарзанди”[1].

Абдулла Ориповнинг ғазалларида Алишер Навоий ғазалнавислиги ютуқларининг поэтик синтезлашгани кузатилади. Гарчи шоир ижодий меросида ғазаллар кўп бўлмаса ҳам, уларда навоиёна фалсафий теранлик, буюк бобокалонимиз шеъриятидагига ўхшаш бетакрор бадиият ва сирли руҳ уйғунлигини кузатиш мумкин. Мана, шоирнинг мумтоз шеърият талаблари даражасида ёзилган “Эмас” радифли ғазалининг матласи қуйидагича:

Сочларинг ёймай туриб
Тушган қоронғу тун эмас,
Тишларингни кўрмайин
Тонг ҳам оқарган кун эмас.

Абдулла Ориповнинг ушбу байтида Алишер Навоийнинг “Наводир уш-шабоб” девонидан ўрин олган 46-ғазали матлаъи билан ўзаро уйғунлик борлигини таъкидлаш керак:

1 Ғаниев И. Афоқова Н. Абдулла Ориф фалсафаси. – Т.: Муҳаррир, 2021. - Б. 18.

Сочинг қоронғу тун, эй сарвқадди ширинлаб,
Юзунг тун ўртасида жилва айлаган кавкаб.

Икки улуғ шоир – Алишер Навоий ва Абдулла Орипов ғазалларининг матлаъ байтларида бир-бирига мутаносиб бадиий санъатлар қўлланган. Ҳазрат Навоий ҳам ёр сочини қоронғу тунга, унинг юзини эса тун ўртасида жилва айлаган кавкаб – юлдузга қиёслайди. Абдулла Орипов байтида ташбеҳ (сочнинг тунга, тишнинг кунга ўхшатилиши) ва тазод (қоронғу тун – оқарган кун) сингари бадиий санъатлар воситасида теран мазмун гўзал бадиий шаклда тасвирланган.

Икки шоир шеъриятида ҳаёт фалсафасининг теран бадиий талқини борасида ҳам ўзаро уйғунлик борлиги кузатилади. Мумтоз адабиётда, жумладан, ҳазрат Алишер Навоий асарларида нафс инсон камолоти йўлидаги энг катта ғов экани теран бадиий талқин этилган. Жумладан, “Бадоеъ ул-васат” девонидаги 288-ғазал мақтасида буюк шоир мана бундай ёзган:

Нафс ўлса тобиъинг кишисен, йўқса бўлмағунг
Ҳаргиз киши, бўлуб санга юз минг киши табаъ.

Шоир қарашича, нафсни бўйсундириш – одамийликнинг муҳим шарти. Акс ҳолда, юз минг кишини тобе этган бўлса ҳам, инсон деган номга муносиб бўлиш имконсиз. Бу фикрларнинг шахс камолоти учун ҳам, жамият равнақи учун ҳам аҳамиятли эканини таъкидлаш керак. Абдулла Орипов ғазалининг қуйидаги байтида ҳам шунга мутаносиб фалсафий фикр поэтик ифода этилган:

Мен оддий кимсаман, лекин
Боқиб ҳолингга йиғларман,
Қул ўлдинг нафсинга буткул,
Қолиб иймон, аё банда.

Шоир иймон ва нафс тушунчаларини зидлаш, яъни тазод санъати воситасида фикрнинг таъсирли ва ифоданинг мумтоз шеъриятга хос фасоҳатли бўлишига эриша олган. Бу орқали мисралар таг матнида нафсга қул бўлиш одамни одамийликдан жудо қилишига ишора қилган. Икки улуғ шоир шеъриятида фалсафий тафаккурнинг поэтик талқинидаги уйғунлик Абдулла Ориповнинг маҳорат сирларини ҳазрат Алишер Навоийдан ўргангани исботидир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳазрат Алишер Навоий ижодий анъаналари замонавий ўзбек шеърияти тараққиёти учун ҳам асос-замин вазифасини ўтади. Буюк мутафаккир бадиий-эстетик кашфиётлари Абдулла Орипов шеъриятида юксак даражада поэтик синтез қилингани ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Ушбу илмий муаммони янада кенгроқ миқёсда тадқиқ қилиш, бугунги поэтик тафаккур янгиланишининг генетик асосларини аниқлаш адабиётшунослик олдида турган долзарб вазифалардандир.

Абдулла Орипов адабий-эстетик тафаккури такомилида мумтоз адабиётнинг ўрни алоҳида. Шоирнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бўлган ҳурмати бениҳоя баланд бўлгани маълум. Мумтоз адабиёт ва Абдулла Орипов ижодидаги муштараклик Бобур лирикасида ҳам кўзга ташланади. Бобур ва Абдулла Орипов ижодини қиёслар эканмиз, мавзуларнинг ғоятда уйғунлигига гувоҳ бўламиз. Ҳар бир даврдаги шоирлар муҳаббат, садоқат, дўстлик, тинчлик ва яна кўплаб мавзуларда ижод қилишган, асарлар яратишган. Шу мавзулар орасида энг қийин, чинакам санъат асари яратиш мушкул бўлган мавзу бу – Ватан мавзуси. Ватан ҳақида маддоҳликдан узоқ, самимий ва тоза шеър яратиш ғоятда мушкул. Замонавий ўзбек адабиётида бундай вазифани уддалай олган ижодкорлар саноқли. Абдулла

Орипов айнан шу саноқли ижодкорлар сафида. Бу ҳақида атоқли адиб Одил Ёқубов ҳам шундай ёзади: “Она-Ватан Абдулла ижодининг бош мавзуи. Ватанни бу қадар жондан севиш, шу севгига муносиб тарзда шарафлаш мумкинлигини ҳали-ҳозиргача бошқа биров бунчалар ёрқин намоён этганича йўқ...”[1]. Ҳақиқатда, шоир асарларининг аксарият қисмида Ватанга бўлган муҳаббат, садоқат ва халқ дардини куйлаши мавзулари етакчилик қилади. Шу биргина асарини кўрсак ҳам шоирнинг Ватанга бўлган муҳаббати қанчалар чексиз экани, у Ватан учун ҳатто жонини фидо қилишга ҳам тайёрлигини ҳис қилиш қийин эмас:

Дунёда ажиб бир ҳикмат мавжуддир:
Агар бўлмай десанг Ватандан жудо,
Муносиб бўла бил унга бир умр,
Ватанга жонингни қилолгин фидо.

Абдулла Ориповнинг ўзи эса бу мавзу тўғрисида шундай фикр билдиради: “Ҳар қандай ижодкор учун халқини куйлашдан, юртининг оғриқлари билан яшашдан муқаддасроқ нарса бўлиши мумкин эмас. Мен шундай тушунаман ижодни. Тўғри мавзу, масалаларнинг чеки, чегараси йўқ. Лекин шахсан мен учун севинч-дардим-бари Ватанимдир”[2]. Шоир таъкидлаганидек, мавзулар кўп, аммо Ватан мавзуси чинакам шоир ижодининг ёрқин жиҳатларини, асл моҳиятини очиб беради.

Мумтоз адабиётда эса Ватан соғинчи, ҳажри билан яшаган Бобур ғазаллари қалбимизга кириб бора олади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ватанга бўлган ишқининг улуғворлиги, айниқса, ватанга бўлган соғинч ҳисси сингдирилган шеърлари билан

1 Орипов А. Сайланма: Муножот: Шеърлар. (Сўз боши О.Ёқубовники). – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 1992. – Б.5.

2 Орипов А. Адолат кўзгуси. – Т.: Адолат, 2003. –Б.120.

барчанинг қалбидан жой эгаллаган. Бобур номи тарихда адолатли подшоҳ сифатида қолган бўлса, адабиётда ҳақиқат ва жамият билан чамбарчас боғлиқ равишда битилган шеърлари билан юксак мақомга эга бўлган. Бу жиҳатдан, адабиётшунос олим В. Раҳмонов Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ижоди ҳақида қуйидаги фикрларни билдирганлар: “Бадиий маҳорат бобида бирор ўзбек шоири Бобур билан беллаша олмайди. Унинг мумтоз шеъриятга дадил киритган таржимаи ҳоллик хусусияти ҳам Бобур шеъриятини алоҳида нурлантириб туради. Ана шу кейинги хусусият шоирнинг ватанпарварлик туйғуларига жон бағишлайди”. Ҳақиқатдан ҳам, Бобур ижоди Ватан мавзусининг ёрқин ёритилиши билан адабиёт оламида алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, Бобурнинг барчага маълум ва машҳур рубоисида катта шоирлик, яратувчанлик акс этади:

Толеъ йўқи жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.
Ўз ерин қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Буюк подшоҳнинг бу қадар очиқ-ойдин иқрори. Ватан нақадар улуғ тушунча эканлигини, унинг олдидаги бурч ва вазифаларни ҳеч бўйин товламай бажариш лозимлигини, энг асосийси Ватан олдида ҳар қандай хатони очиқ-ойдин тан олмоқ жоизлигини кўрсатиб беради.

Абдулла Орипов адабий-эстетикасида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўрни беқиёс. Бобур қанчалик ватанини улуғвор ва жаннатмакон этиб тасвирласа, Абдулла Орипов ҳам ватанини ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайдиган тенгсизлигини эътироф этади. Шоир 2015 йилда яратилган “Айрилма” шеърида ватанга бўлган чексиз муҳаббатини ифодалайди:

Дунёда топганинг Ватандир танҳо,
Сенга халқинг ўзи суянч аввало.
Хокинг шу тупроққа бўлғусидир жо,
Айрилиб қолмагин тириклай туриб.

Шоир худди Бобур сингари ватанини севишини, ундан айрилиб қолишидан қўрқишини айтади. Ҳатто ўлгандан кейин ҳам хоки шу ватанида қолишини истайди. “Абдулла Орипов ҳар бир ҳодиса замирида Ватан ва миллатни кўради. Шоирнинг ҳар бир сатрида миллий руҳ барқ уриб туради”[1]. Бобур ҳам ушбу рубоийсида ватанга бўлган муҳаббатини гўзал тарзда ифодалайди:

Кўпдин бериким, ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзаю бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.

Нақадар улуғ иқрор! Бутун бошли юрт эгасининг иқрори. Муҳаббат ҳеч қачон ўлмайдиган туйғудир. Ватанга муҳаббат ҳам муҳаббатнинг энг гўзал кўринишларидан биридир. “Абдулла Орипов асарларида Ватан образи айрича муҳаббат билан куйланган. Шоирнинг Ватан образи бадиий талқин этилган шеърлари бирор ижодкорни такрорламаслиги, шеъриятимизга чинакам миллий руҳ ва фалсафий теранлик уйғунлигини олиб киргани жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга. “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” шеъри адабиётимизда янги тараққиёт босқичи бошланганидан дарак берди. “Ўзбекистон” қасидаси Ватанимиз кечмиши, бугуни ва истиқболи ҳақидаги тарих ва замон ҳақиқати бадиий ҳақиқатга айлантирилгани жиҳатидан шеъриятда воқеа бўлди. Ушбу кўламли асари билан Абдулла Ориповгача

1 Ўсарова Л. Абдулла Орипов асарларида миллий руҳ ифодаси. Филол. фан. бўйича фалсафа док-ри... дисс. автореферати. – Т., 2020. -Б.14.

шеъриятимизнинг дарғаларидан ҳисобланган Ойбек ва Ҳамид Олимжон назмий анъаналарини чинакам поэтик юксакликка кўтарди[1]. Шоир "Сароб" номли шеърида ҳам Ватанни ўзгача улуғлайди:

Ватан! Менинг бор қисматим шу бир сўзда ҳал.
Балки мен ҳам бахш этурман унга жон-танни.
Лекин дўстлар, ростин айтсам, мен ўша маҳал,
Жондин ортиқ севар эдим она Ватанни.

Абдулла Орипов Заҳириддин Муҳаммад Бобурга атаб "Бобуршоҳ", "Бобур" асарларини яратган бўлса, "Генетика", "Ўзбек қомуси" шеърларида ҳам Бобур номини алоҳида тилга олади. Ушбу шеърда шоир Бобур ҳаётида бўлгани каби ғанимлари кўплигини таъкидлайди:

Биз шундай ўтамиз,
Яъни кун кўриб...
Майдагина кучсиз, майдагина зўр.
Ҳаётнинг мана шу буржидан туриб,
Мен Сизни ўйладим, ҳазрати Бобур.

Бу ўринда шоир Бобур кўп қийинчиликлар кўргани, ғанимлар кўп бўлгани, ватанидан чиқиб кетишга мажбур бўлиб, ўз юртидан айро яшаганини эслаб, шоир ҳам кўплаб қийинчиликларга рўбаро бўлганини айтиб, ҳаёти шу буржида Ҳазрати Бобурни ёдга олганини таъкидламоқда.

Айтинг, не топдингиз Сиз кезиб дунё,
Ҳануз боқишарлар шўришга тўлиб.
Шоирсиз, яхшиси, қолингиз, Мирзо,
Мушфиқ юртингизда бир шоир бўлиб.

Эҳтимол имкони бўлганда эди Бобур ўзга юртнинг шоҳлигини танлагунча, ўз юртининг шоири бўлиб қолишни танлаган бўлар эди. Афсуски, шоҳ-

1 Ўсарова Л. Абдулла Орипов асарларида миллий руҳ ифодаси. Филол. фан. бўйича фалсафа док-ри... дисс. автореферати. – Т., 2020. -Б.26.

лик Бобурнинг қисмати. Унда танлов имкони йўқ. Эҳтимол танловга имкон бўлганда эди, ҳаммаси бошқача бўлар эди.

Абдулла Орипов “Бобуршоҳ” ғазалида ҳам Бобурни шоҳ сифатида ҳам шоир сифатида ҳам улуғлайди. Уни Навоийга қиёслаб, шеъриятда алоҳида бир дунё эканлигини эътироф этади:

Темурбек наслидан чиққан
Ажиб сиймодир, Бобуршоҳ.
Навоийдек шеъриятда
Ўзи дунёдир Бобуршоҳ.

Абдулла Орипов асарларида ўзбек мумтоз шеъриятига янги руҳ олиб кирган шоир Машрабнинг ҳам таъсири катта. Машраб ғазалларидаги мазмун Абдулла Орипов ғазалларида ҳам кузатилади. Қуйида Машрабнинг “Сенинг” радифли ғазали билан Абдулла Ориповнинг “Сени” радифли ғазалларини қиёслаймиз. Машраб ўз ғазалида Аллоҳни севган инсоннинг дардига даво Аллоҳнинг ўзи бўлиши мумкин деган ғояни илгари суради:

То дилингга дард тегмай, орзулардин жудо,
Чун сўраб келмас ўшал олдингда луқмонинг сенинг.

Абдулла Орипов мисраларида ҳам Аллоҳга бўлган севги шундай ёритилади:

Аслида ёлғиз Ўзингга
Жо экан борлиқ жаҳон,
Ҳеч биров топмас ўзин ҳам
Топмаса, илло, Сени.

Шоир бутун Жаҳон аслида Аллоҳга тегишли экани, токи ҳеч ким Аллоҳни топмаганча, ўзини топа олмаслигини ўз мисраларида тушунтиради.

Машраб “Сенинг” радифли ғазалида дардига даво топмоқчи бўлган инсон аввало Аллоҳни топиши керак деса, Абдулла Орипов эса ўзини топмоқчи бўлган одам аввало Аллоҳни топиши керак дейди.

Бу мисралар орқали кўришимиз мумкинки, икки шоирни ҳам ғояси бир, инсон ўзини англаши учун аввало Аллоҳни билиши, уни севиши керак.

Ижодкор аҳли эркинликни севувчилардир, уларни бўйсундириш, итоат этдириш ниҳоятда мушкул. Улар фақатгина ўз яратувчисига бош эгиши мумкин. Машраб ҳам, Абдулла Орипов ҳам ўз яратувчисига бош эгади. Аллоҳ бандаларнинг яратувчиси бўлгандан кейин, Аллоҳнинг бутун дунёнинг подшоҳи эканлигини иккала шоир ҳам ҳис этади, яхши англайди. Масалан, биз Машрабнинг "Айлади" радифли ғазалига эътибор қаратарканмиз, унда шундай мисраларга гувоҳ бўламиз:

Қатрайи ваҳдат майидин лутф ила қилди карам,
Завқу шавқидин бериб оламда султон айлади.

Машрабдаги май- тасаввуфда ишқ тимсолидир. Аллоҳ барча инсонларнинг қалбига ўзининг ишқ майидан қуйиб, уларнинг қалбларини эгаллаб, дунёга султон бўлиб олди. Демакки, Машрабнинг фикрича, Аллоҳ ўз ишқини бандаларининг қалбига қуйди ва бандаларининг соҳибига айланди. Демак, ҳар бир инсоннинг хожаси Аллоҳдир. Шу фикрлар Абдулла Ориповда ҳам илгари сурилади. Унинг қуйидаги мисралари Машраб мисралари билан ниҳоятда ҳамоҳанг эканлигини, икки шоир ҳам ўзининг Хожаси сифатида Аллоҳни тан олишини кўришимиз мумкин:

Мен сенга бир сўз демай,
Ўтдим мудом бошим эгик.
Қайси қулдир, хожасига
Жаҳд этиб, бергай савол.

Кўриниб турганидек, иккала ижодкор ҳам Аллоҳнинг қули, уларнинг ҳар иккаласи ҳам Аллоҳни ўзининг султони деб ҳисоблайди.

Оташи ишқ олдида хасдур жаҳаннам, ғам ема,
Юз хатардин ўткарур ҳар бандани қурби жалол.

Машраб ўз ғазалида жаҳаннамдан қўрқмаслик кераклигини айтяпти. Қачон инсон жаҳаннамдан қўрқмайди? Аллоҳнинг ишқи ўт бўлиб ёнаётган қалбда, жаҳаннамнинг ўти қўрқинчли эмас. Ҳар бандани турли хил хатардан Аллоҳнинг ишқи асрайди. Бу фикрлар Абдулла Ориповда ҳам давом этади:

Демишлар, ошиқ аҳли
Жаннатингга жам бўлиб киргай,
Итоб этма, қаторингда
Магар Абдулла ҳам пайдо!

Абдулла Ориповнинг фикрича ҳам, ошиқ аҳли жаннатга сазовор инсонлардир. Бу фикр Машраб қарашлари билан ҳамоҳанг: Аллоҳ таолонинг ошиқлари албатта жаннатга эришади ва Ул зотнинг муборак жамолига муяссар бўлади.

Агар бу қиёсларни давом эттирадиган бўлсак, ҳар иккала ижодкорда муштарак ғояларни, муштарак фикрларни ниҳоятда кўплаб учратамиз. Айниқса, Машраб ва Абдулла Ориповнинг Аллоҳга бўлган муҳаббати ниҳоятда бир бирига ўхшайди, иккаласи ҳам Аллоҳни ўзига хос, эркин тарзда, ҳеч нарсага бўйсунмаган тарзда ифода этади. Аллоҳни севади, Аллоҳни тан олади.

Юксак ижодий салоҳият соҳиблари бир-биридан макон ва замон нуқтаи назаридан нечоғлик узоқ туюлсалар-да, уларнинг ҳаёт тарзи, дунёқараши, бадиий-эстетик идеаллари ҳайратланарли даражада мутаносиб бўлади. Бир-биридан вақт ва давр тафовутига кўра олис муҳит намояндалари бўлган икки улуғ ижодкор Зокиржон Фурқат ва Абдулла Орипов шеъриятида бадиий ижоддаги ноёб ҳодиса ҳисобланган ана шундай уйғунликни кузатиш мумкин. Абдулла Орипов ва Фурқат лирикасининг қиёсий

таҳлили улар ўртасида ўзаро муштарак хусусиятлар кўп эканини кўрсатади. Фурқат "Ҳажнома"нинг дастлабки бандларида, яъни иккинчи ва учинчи таржиъларда Каъбанинг – Мадинаи мунавварадаги Масжиди набавийнинг мукаммал бадиий тасвирини беради:

Қилай эмди Ҳарам васфин саросар,
Саодат ҳижраси нури мунаввар.
Зумуррад тугмаи тожи саодат,
Шарафда гумбази волойи ахзар,
Бино чоғида меъмори – малоик,
Суви – кавсар ани, туфроғи анбар.

Абдулла Орипов қаламига мансуб "Ҳаж дафтари" ҳам Каъбатуллоҳ шеъри билан бошланади. Бироқ каъбатуллоҳнинг Фурқат асаридаги каби поэтик тавсифи "Ҳаж дафтари" нинг тўртинчи – "Аллоҳ даргоҳи" шеърида кузатилади:

Олам уммон бўлса – гирдоби шу жой,
Олам осмон бўлса – меҳвари бунда.

Икки ижодкор "Ҳажнома"ларидаги муштараклик фақат Каъба таърифи билангина якунланмайди. Аксинча ҳар икки асар мутолааси жараёнида мазмунда, бадиий тасвирда, ифода услубида ўзаро мутаносиб поэтик лавҳалар кўплаб учрайди.

"Ҳажнома" ва "Ҳаж дафтари"даги муштарак хусусиятлар таҳлили ҳар икки буюк ижодкор дунёқарашида, бадиий-эстетик идеалида, воқеликни бадиий идрок этиш мезонларида ўзаро яқинлик борлигини тасдиқлайди. Иккала ижодкорнинг дунёқараши, тафаккур олами ва маҳорат бобида бир-бирига яқин экани баробарида улардан ҳар бири бошқа ҳеч кимда учрамайдиган, фақат ўзигагина хос бўлган истеъдоднинг ўткир қиррали ханжарига эга экани кузатилади. Шеърий сатрлар замирида ифодаланган фикрларнинг тиғдорлиги, ифоданинг ўткир-

лиги бунинг исботидир. Ҳар иккала шоирнинг истеъдод ханжари ўзига хос “ижодий жарроҳлик амалиёти”ни ўташ орқали инсон руҳияти ва шуурини, у орқали жамият маънавиятини турли иллатлардан тозалашга хизмат қилади. Ёлғончи ва риёкорларнинг, эзгуликдан олис, руҳияти мажруҳ кимсаларнинг “гуноҳлар зангидан қорайган” (Фурқат таъбири) кўнгилларига нур улашади. Бадииятнинг ҳар икки бетакрор обидаси миллий шеъриятимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутади. Бадиий-эстетик тафаккурнинг янги асрдаги юксалишини таъминлайди.

Биринчи боб бўйича хулосалар:

1. Абдулла Орипов адабий-эстетик қарашларида халқ оғзаки ижоди замин вазифасини ўтаган, шоирнинг ҳар бир сатрида ўзбекнинг тоза тийнати, пок руҳияти самимий ва бетакрор акс этади. Ана шу хусусият Абдулла Орипов шеъриятида ижод концепцияси даражасига кўтарилган.

2. Абдулла Орипов асарларига халқ оғзаки ижодининг таъсири масаласи уч босқичда ўрганилди. 1) Шоир ижодининг дастлабки босқичида халқ оғзаки ижодига мурожаат. 2) Ижодкор бадиий тафаккури такомилида халқ оғзаки ижоди мотивлари бадиий синтезининг ўрни. 3) Умр сўнгида яратилган шеърларида халқ оғзаки ижоди анъаналарининг поэтик янгиланиши.

3. “Ҳақиқат йўллари” шеъридаги *“Дейдилар, ҳар замоннинг бордир ўз тарозуси, Оҳ нақадар рост эрур ушбу буюк ҳақиқат”* сатрлари *“Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-у тарози”* мақоли янгича қўлланган билан алоҳида ажралиб туради. Мақолда урғу маконга берилган бўлса, шоир эътиборни замонга қаратади. Натижада кўламли фалсафий-поэтик хулоса чиқарилади.

4. Абдулла Орипов шеърияти Аҳмад Яссавий асарларидаги каби ҳикмат ёғдуси билан йўғрилган. Ҳикматларидаги ғоя қанчалик халқона бўлса, Абдулла Орипов шеърлари ҳам шунчалик халқ руҳига яқин. Шоирнинг бутун ижоди она халқининг дардини ўз дарди, қувончини ўз қувончи деб билганидан дарак беради.

5. Абдулла Орипов ижодининг Навоий лирикасидан озиқланиши, Фурқатнинг “Ҳажнома” ва “Ҳаж дафтари”даги муштарак хусусиятлар таҳлили буюк ижодкорлар дунёқарашида, бадиий-эстетик идеалида, воқеликни бадиий идрок этиш мезонларида ўзаро яқинлик борлигини тасдиқлайди.

II БОБ. ИЖОДКОР ЛИРИК КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-БИОГРАФИК, АДАБИЙ-ЭСТЕТИК МУҲИТ БИЛАН МУШТАРАКЛИГИ

2.1. Лирик концепция ва тарихий-биографик муҳит муносабати

Абдулла Орипов – феноменал ижодкор. У янги замон ўзбек шеъриятини бадиий-эстетик тафаккурнинг етиб бўлмас уфқларига юксалтирди. Лекин бу фазилатлар Худо берган истеъдодни камолга етказиш учун салафлар ижодий анъаналарини ўрганиш, асарларида миллий поэтик тафаккурда ўзигача эришилган ютуқларни синтез қилиш заруратини истисно этмайди. Замонамизнинг буюк шоири Абдулла Орипов адабий-эстетик қарашлари такомили, шу жиҳатдан, Чўлпон, Ойбек ва Миртемирдан Эркин Воҳидовгача бўлган даврадошлари поэтик олами билан чамбарчас боғлиқдир.

Чўлпон миллий шеъриятни янгилаган ижодкорлардан. Шак-шубҳасиз, Абдулла Орипов ҳам Чўлпон ижодини юқори баҳолайди, унинг шеъриятдаги анъаналарини ўрганади, такомилга етказади. “Адолат кўзгуси” шеърида Чўлпон қисматига ишора қилиб ёзган мана бу сатрлари ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

Гарчи барчамизга тақдир ҳукмрон,
Гарчи тенг қошида чинордир, хасдир,
Пушкин аталмагай ҳар битта қурбон,
Ҳар бир қамалган ҳам Чўлпон эмасдир…

Айни бир шеърда икки ижодкор номи орқали Абдулла Орипов мумтоз шеъриятга хос талмеҳ санъати имкониятидан маҳорат билан фойдала-

нади. Бири рус шеъриятининг атоқли намояндаси Пушкин бўлса, иккинчиси ўзбекнинг улуғ шоири Чўлпондир. Шоир тақдир мезонини айни шу икки буюк ижодкор номи билан боғлиқ ҳолда талқин этади. Тақдир кимга нимани раво кўриши одамзод англаши қийин бўлган синоат. Чунки тақдир олдида чинор ҳам, хас ҳам тенгдир. Лекин яна бир ойдин ҳақиқат шундан иборатки, ижодкор ва шахс сифатида Пушкин ёки Чўлпон даражасига етиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Абдулла Орипов бу икки шоирнинг фожеий қисматига ишора қилиш орқали башарият бадиий-эстетик тафаккури такомилида уларнинг ўрни беқиёс эканини санъаткорона ифода этади.

Шоирнинг "Оломонга" шеърида "Чўлпон отилганда қаёқда эдинг?", деган мисра бор. Ижодкор асарларининг истиқлолгача бўлган нашрларида бу сатрда Чўлпон ўрнида испан шоири Лорка исми бўлган. Абдулла Орипов бунинг сабабларини қуйидагича изоҳлайди: "Дастлабки нашрларда "Лорка отилганда қаёқда эдинг?" деган жумла бор эди. Куппа-кундуз куни буни ўзим ўша жойга туфлаб ёпиштириб қўйганман. Чунки у ерда Чўлпоннинг номи ўтмаган ва бу оломончилик битта халққа боғланиб қолмасин, у бутун ер юзида бор, дейишган. Шундан кейин Испаниянинг Лоркасини ўша жойга қўйганман. Аслида, бу ерда гап оломон ҳақида кетяпти ва Ўзбекистон мисолида. Шундай экан, бу ерда Лоркага нима бор? Шунинг учун Чўлпон ўзининг жойига қайтиб келди... Мен бу ерда улуғ халқимга танбеҳ бериш ниятида эмасман, бундай даражага ҳеч ким чиққан эмас. Мен ҳам бунга ҳеч қачон даъво қилмайман. Лекин шу халқнинг обрўсини тўкадиган оломончиликнинг олдини олиш керак, деб ўйлаганман"[1].

1 Орипов А. Танланган асарлар. Т.: Sharq, 2014. –Б.239-240.

Абдулла Орипов шеърларида миллатпарвар шоир Чўлпонни бу қадар эҳтиром билан тилга олиши, унинг ижодини теран билиши натижасидир. Чўлпон “Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир”, дея халқнинг қудратини ўзига хос бадиий талқин этган бўлса, Абдулла Орипов сиёсий қатағонлар, мафкуравий тазйиқлар натижасида шаклланган оломончилик руҳиятидан изтироб чеккан ва оломоннинг халқ бўлишини орзу қилган эди. Чўлпон эрклик юлдузи ҳақида ёзиб, уни “тутқун эллар учун само қундузи” дея таърифлаган эди. Гўристондай қоронғи, зим-зиё бўшлиқда адашган йўлчи тимсолида истибдод зулматида йўлсиз қолган она Туркистонни тасвирлаб, уч-тўртта юлдузнинг ўчмасдан ярқираб нур сочиб туришини қутулиш тонгидан мужда дея қабул қилган ҳамда миллий озодлик орзусини бадиий талқин этган эди. Абдулла Орипов эса бу образга кўп мурожаат этиши омилларини: “Жанубда, булутсиз қоп-қора осмонда юлдузлар чарақлаб кўринади. Бутун руҳимни, қалбимни мафтун қилган ўша манзаралар. Юлдузларнинг ўзи ҳамиша, ҳамма халқларда поэзиянинг асосий қаҳрамони, образи бўлган”, дея изоҳлаган эди. Шоирнинг кўкдаги юлдузларни Улуғбек кўзидаги ёшга менгзагани замирида ҳам теран моҳият мужассам. Алқисса, икки улуғ шоир ижодида бир-бирини мутлақ такрорламайдиган бундай параллелизмлар кўп экани замирида Абдулла Ориповнинг Чўлпон ижод лабораториясини чуқур билиши, улуғ салафи тажрибаларини ўргангани ҳолда янги бадиий кашфиётлар қилгани билан изоҳлаш мумкин.

Абдулла Орипов адабий-эстетик қарашлари такомилида ўзбек адабиётининг улкан намояндаси, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий ижоди ҳам ўзига хос ўринга эга. Шоирнинг “Абдул-

ла Қодирий хотирасига”, “Абдулла Қодирийнинг сўнгги сабоғи”, “Қодирий” шеърлари бунинг яққол далилидир. “Абдулла Қодирий хотирасига” шеърида шоир, жумладан, мана бундай ёзади:

Азалий ҳақ гапни яширмоқ нечун,
Завол йўқ энг асл истеъдод учун.
Агарда коинот тегирмон бўлиб,
Оламни янчса ҳам қолгай у бутун.

Бадиий ижоднинг асоси асл истеъдод экани ҳақидаги адабий-эстетик концепция шеърнинг моҳиятини ташкил этади. Асл истеъдод учун завол йўқлигини шоир теран ҳаётий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айлантириш орқали асослайди. Яъни шоир наздида, коинот тегирмон бўлиб оламни янчганда ҳам асл истеъдод бутун қолади, у завол билмайди.

“Абдулла Қодирийнинг сўнгги сабоғи” шеърида:

Биринг из Отабек, биринг из Кумуш,
Доим яшнаб турсин севгингиз боғи.
Ҳақиқий муҳаббат билмасин сўлиш,
Устоз Қодирийнинг бу илк сабоғи –

каби мисраларни ёзар экан, шоир “Ўткан кунлар” романидаги Отабек ва Кумуш образлари мисолида севги боғи доим яшнаб туриши, ҳақиқий муҳаббат сўлиш билмаслиги зарурат экани ҳақидаги ҳаёт фалсафасини бетакрор бадиий талқин этади. Ушбу ҳаёт фалсафаси Қодирийнинг сўнгги сабоғи эканига урғу беради. Умуман, фалсафий тафаккурни образлар воситасида ифодалаш ва ўз навбатида, поэтик образни ҳаёт фалсафаси билан мутаносиб тасвирлаш Абдулла Орипов шеъриятининг асосини ташкил этади. Қуйидаги сатрлар ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

Адиб юрагида аламлар қат-қат,
Лекин биттаси бор, ўчмасдир доғи.

Жонни тик озодлик йўлида фақат,
Бу эса устознинг сўнгги сабоғи.

Шеърнинг иккинчи бандида озодлик руҳи Абдулла Орипов бадиий-эстетик идеалининг асосини ташкил этиши ўз ифодасини топган. Айни шу ижодий ниятни поэтик сувратлантириш учун шоир Абдулла Қодирий юрагидаги қат-қат аламлардан сўз очади. Лекин улардан бири – озодлик йўлига жонни тикиш зарурлиги адибнинг сўнгги сабоғи сифатида талқин қилинади. Адабиётшунос Жаббор Эшонқулнинг: "Абдулла Қодирий Ватан озодлиги, элнинг равнақи, миллат ўзлигини англаш йўлида жонини фидо қилган, боқий ва ўлмас асарлар яратган адибдир"[1], деган сўзлари шеърдаги талқин билан уйғундир. Абдулла Қодирий асарларидаги Ватан ва миллатга муҳаббат талқини Абдулла Орипов шеъриятида янги бадиий кашфиёт даражасига юксалгани ҳам бу икки буюк истеъдод эгаси ижодий қисматида яқинлик борлиги исботидир.

Абдулла Орипов бадиий-эстетик тафаккури такомилида насрий асарлари, айниқса, ҳикоялари билан ўзбек адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган Абдулла Қаҳҳорнинг ҳам таъсири бор. Шоир "Абдулла Қаҳҳор" шеърида ёзувчи ижодига бўлган дифференциал муносабатини бетакрор поэтик ифодалайди:

Йўллар ортимизда қолар эдилар,
Саҳролар қоларди чексиз, бетакрор.
Нега улар чексиз, десам дедилар:
Бу ердан ўтганди Абдулла Қаҳҳор.

Йўллар ортимизда қолар эдилар,
Чўққилар қоларди юксак ва қатор.

[1] Эшонқулов Ж. Абдулла Қодирий ва ўзбек романчилиги. Адабиёт халқнинг юраги. Очерк ва мақолалар. – Т., 2021, - Б. 153.

Нега улар юксак, десам дедилар:
Бу ердан ҳам ўтди Абдулла Қаҳҳор[1].

Шеърнинг ушбу дастлабки бандидаги “саҳролар” образи замирида шоир ижодий нияти ўзига хос ифодалангани кузатилади. Бу образ воситасида Абдулла Қаҳҳор яшаган даврнинг мураккаблиги, унинг баъзан давр тазйиқларига бўйсунишга мажбур бўлгани тагматнда маҳорат билан талқин қилинган. Кейинги бандда эса ана шундай зиддиятли замонда ҳам ёзувчи ўзидан бой адабий мерос қолдира олгани “чўққилар” образи воситасида тасвирланган.

Шоир устоз адиб шахсияти ва ижодига доир қарашларини шеърларида образли ифодалаш баробарида адабий мақолаларида унинг асарларига ҳаққоний баҳо бергани эътиборга лойиқдир. Абдулла Орипов: “Устоз Абдулла Қаҳҳор прозамизнинг энг бақувват чинорларидан бири эди. Лекин айни вақтда у зот шеъриятни ҳам ғоят нозик тушунарди. Абдулла ака ёшлигида кўплаб, аксар ҳажвий мухаммаслар ёзиб эълон қилганлигини мен кейинчалик билганман. Мен насрда бирор нарса ёзмаган бўлсам-да, доимо Абдулла Қаҳҳорнинг шогирди саналардим. Демак, устоз ва шогирдлик ижодий сабоқлардан ташқари, дунёқарашлар ҳамоҳанглиги билан ҳам белгиланар экан”[2]. Ушбу эътироф заминида шоир замонасининг улуғ ёзувчига бўлган эҳтироми, шунинг билан бирга, унинг адабий-эстетик оламига хос хусусиятларни нечоғлик нозик идрок этиши ўз ифодасини топган. Шу ўринда академик Матёқуб Қўшжоновнинг: “Абдулла Қаҳҳор ҳаётий ҳодиса ва воқеаларнинг моҳиятини чуқур англайдиган санъаткорлар методини эгаллаган

1 Орипов А. Танланган асарлар. – Т.: Шарқ, 2019. –Б. 86.

2 Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. – Т.: Ёш гвардия нашриёти, 1988. –Б. 71.

ёзувчилардан”[1] деган фикрлари Абдулла Орипов қарашлари билан ҳамоҳанг эканини таъкидлаш керак.

Абдулла Орипов ХХ аср ўзбек адабиётининг яна бир забардаст намояндаси Ғафур Ғулом ижодидан ҳам илҳом олган. Шоирнинг устоз ижодкорга бағишлаб ёзган “Алвидо устоз” ва “Нутқ” каби шеърлари ушбу фикрни тасдиқлайди. Бундан ташқари, шоир “Ўзбекистон”, “Баҳор”, ҳамда Ҳамид Олимжонга бағишлаб ёзган шеърларида ҳам Ғафур Ғуломни ҳурмат билан ёдга олади. Жумладан, “Алвидо устоз” номли шеърида:

Сўқир ёвуз ўлим, минг дод дастингдан,
Зулматдай кирдингми шеър майдонига.
Ажал, сен найзангни санчдингми чиндан
Ўзбек шеъриятин паҳлавонига, –

дея, устозининг ўлими адабиёт учун катта йўқотиш бўлганини, у яшаб ўтган давр мураккаб эканини образли тасвирлайди. “Сўқир ёвуз ўлим” – бу ўринда қўлланган сифатловчи ва сифатланмиш шоир кўнглидаги изтироб кучини тўлақонли ифодалаган. “Шеър майдони”, “ажал найзаси”, “шеърият паҳлавони” каби истиоралар фикрнинг бадиий-эстетик қувватини таъминлаш баробарида муаллиф ижодий ниятининг таъсирли талқинига хизмат қилган.

Дардли мусиқалар, ингранғиз бир-бир
Ўзинг ҳам йиғла, эй, дилда қотган ғам.
Ёруғ бу оламда бормикан, ахир
Шоир вафотидан ортиқроқ мотам!

Бу мисралар орқали, биринчидан, ижодкор нечоғлиқ оғир бир даврда яшагани англашилса, иккинчидан, улуғ шоирларнинг ўлими ҳақиқий мотам экани таъсирли ифодаланган. Шоирнинг: “Ғафур Ғулом ўз сафдошлари қаторида ғоят зиддиятли,

1 Қўшжонов М. Танланган асарлар. – Т.: Шарқ, 2018. –Б. 192.

таҳликали бир даврда яшаб ўтди”, деган фикрлари билан мазкур шеърдаги тасвир ўртасида кучли ҳаётий ва бадиий-эстетик яқинлик борлиги кузатилади.

Абдулла Орипов “Ўзбекнинг ўз шоири” мақоласида: “Ғафур Ғулом чиндан ҳам улуғ заковат эгаси эди. Бунинг исботи шоирнинг жўшқин ва доно шеърияти, бунинг исботи – Ғафур Ғуломнинг туғма тафаккур соҳиби эканлиги, бунинг исботи Ғафур Ғуломнинг ҳеч бир адибникига ўхшамайдиган чинакам миллий халқчил прозаси – насрий асарларидир”, дея адибнинг серқирра ижодкор эканлиги, жўшқинлиги ва донолиги билан бошқалардан ажралиб туришини таъкидлайди. “Нутқ” шеърида Абдулла Орипов:

Ғафур Ғулом – буюк шоир, файласуф, ҳакам.
Ғафур Ғулом адиб, нотиқ ва соҳиб сурур –

дея шоирни кўп қиррали ижодкор сифатида улуғлайди.

Икки буюк шоир фалсафий тафаккуридаги бир-бирини такрорламайдиган уйғунлик вақт фалсафаси талқинида, айниқса, яққол кузатилади. Ғафур Ғулом: *“Ҳар лаҳза замонлар умридек узун, Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал. Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун Қудратли қўл билан қўяйлик ҳайкал”*, дея вақтни лаҳза билан ўлчаб, уни мазмунли ўтказишга доир кўламли фалсафий фикрни юксак бадиият билан ифода этган бўлса, Абдулла Орипов: *“Пайт келар, ваъданинг қиммати қолмас, Муҳлат бермас у дам тўлган паймона. Ўтган бир онингни қайтара олмас, На кўзёш, на афсус ва на баҳона”* тарзида умрнинг ҳар бир онини ғанимат билиш заруратини оҳорли поэтик хулоса даражасига кўтарилади. Бундай мисоллар Абдулла Орипов тафаккури салафлари ижод булоғидан сув ичган бўлса ҳам, лекин улар

анъаналарини такрорламай, ўзига хос поэтик юксакликка эришгани далилидир.

Абдулла Орипов шоир, ёзувчи, адабиётшунос олим Ойбек ижодий лабораториясидан ҳам муносиб сабоқлар олган. Шоирнинг бу улуғ адиб ҳақидаги шеърлари ҳам, мақолаларида ҳам унга бўлган чуқур эҳтироми яққол сезилиб туради. “Ойбек ҳақида қўшиқ” шеърида:

Ҳар калиманг маърифатнинг
Уфқида ойдек тўлиб,
Эл аро топдинг шараф сен,
Устоз Ойбек бўлиб –

деб ёзар экан, унинг ижодий салоҳиятига юксак баҳо беради. Улуғ устози асарларидаги ҳар бир сўзни маърифат уфқидаги тўлин ойга қиёслайди. Шоир шеърнинг давомида Ойбекнинг шан ҳаёти хайру софликдан нишон экани, шеърлари эътиқод иймон нури билан йўғрилгани, ёзувчининг гоҳ Навоий, гоҳо Торобий ва Йўлчи сингари адабий қаҳрамонлари ила суҳбат қуриши, миллий адабиётга элу юрт мангу ризо бўладиган даражада хизмат қилгани, номи асрлар сўнгидан садо бериши ҳақида ёзади.

Ойбекнинг ҳаёт ва ижод йўли, шахс ва ижодкор сифатидаги фазилатлари ўзаро мутаносиб эканини мана бу тарзда эътироф этади: “Ойбек бизга ғоят улкан ва ибратли ижодий, инсоний мерос қолдирди. Бу мероснинг энг муҳим жиҳатлари нималардан иборат? Ойбекнинг бутун ижоди унинг ҳаёти каби эзгулик билан, инсонга меҳр-муҳаббат билан йўғрилгандир. Ойбек қаҳрамонлари энг эзгу идеаллар учун жангга кирадилар. Ҳалолликни тайин этиш учун фидойилик кўрсатадилар. Халқ бахту саодати учун курашадилар”[1]. Шу ўринда Ойбек сингари Абдулла Орипов сиймосида ҳам юксак

1 Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. – Т.: Ёш гвардия, 1988. – Б.69.

истеъдод ва бемисл одамийлик уйғунлашиб кетганини таъкидлаш керак. Буюк Навоий образини Ойбек насрда нечоғлиқ ёрқин ва мукаммал тасвирлаган бўлса, Абдулла Орипов шеъриятда шунчалик қабариқ ва таъсирли сувратлантирди. Ойбекнинг "Ўзбекистон" шеърида Ўзбекистон ўз замонаси ва яқин ўтмиш қиёси воситасида васф этилган бўлса, Абдулла Ориповнинг "Ўзбекистон" қасидасида она Ватанимизнинг муаззам кечмиши ва бугуни бор мураккаблиги билан бетакрор поэтик тасвирланади. Бошқача айтганда, Абдулла Орипов Ойбек ижод лабораториясидан сабоқ олиш баробарида бадиий ижодда унинг анъаналарини такомилга етказади, янги бадиий кашфиётлар билан бойитади, поэтик тафаккурнинг янги даражасига кўтаради.

Абдулла Орипов ижодий салоҳияти такомилида латиф лирик асарлар муаллифи Ҳамид Олимжон адабий меросининг ўрни алоҳида. Шоирнинг устозига бағишлаб ёзган "Ҳамид Олимжон хотирасига" шеъри ушбу фикрни тасдиқлайди:

Етимтов бағридан чиққан навқирон,
Сиз бу – шеъримизнинг энг жаранг саси.
Сизнинг сатрингизда қурмиш ошён
Учирма қуш каби шеър илоҳаси.

Шоир Ҳамид Олимжонни шеъриятнинг "жарангдор овозига", шеърларини эса "Ватан қурган қушга" ўхшатади. Устоз ижодкорни нурга қиёслаган шоир шеъриятнинг яшаб келаётгани сабабини унинг бадиий кашфиётлари билан боғлайди:

Ахир қанча қадим бўлмасин дунё
Бағрида нур борки қаримас қуёш.

Абдулла Орипов "Мафтункор шеърият" мақоласида Ҳамид Олимжон ижодига қуйидагича баҳо беради: "Ҳамид Олимжоннинг оташин шеърияти ўзининг нозик ва инжа руҳи, тоза ва беғубор тил бой-

лиги билан муҳташам назм кошонасини бугун ҳам безаб турибди. Бу гўзал шеърият ҳақида ўйлаганимизда кўз олдимиздан бетакрор ташбиҳлар, латиф туйғуларга йўғрилган қуйма сатрлар ўта бошлайди”[1]. Бу фикрлар Абдулла Ориповнинг Ҳамид Олимжон шеъриятини нечоғлиқ чуқур ўргангани, шоир лирикасидаги нозик ва инжа руҳни юракдан ҳис этгани исботидир. Шоир назмидаги бетакрор ташбиҳлару латиф туйғуларга йўғрилган қуйма сатрлардан илҳом олганини кўрсатади.

Бундан ташқари, Абдулла Орипов “Ўзбекистон” қасидасида мана бундай ёзади:

Кўкламингдан олиб сурурни,
Довруқ солди устоз Олимжон –

дея улуғ салафининг пейзаж тасвири борасидаги юксак маҳоратига ишора қилади. “Ўзбекистон” шеъридаги: *“Чор атрофда ёйганда гилам, Алсо йўқдир бундайин кўклам”* сингари қуйма сатрларни назарда тутиб, шоирнинг назмий салоҳиятини юксак даражада эътироф этади. Абдулла Орипов: “Ҳамид Олимжон лирикаси бошқа бирорта шоирнинг лирикасига асло ўхшамайди. Бу лирика мармар каби тиниқ, лекин совуқ эмас”, деб ёзар экан, устозининг индивидуал ижодий тафаккурини муносиб баҳолайди. Ижодда ўзигагина хос йўл очганини бадиий бўёқларда кўрсатади.

Академик Наим Каримов фикрича, Ҳамид Олимжон “...ҳаётбахш қудратга эга бўлган фикр ва ғояларни юксак шеърият билан узвий равишда бирлаштира олади. Унинг лирикасида мужассамланган фикр ва кечинмалар китобхон қалбини ҳамиша мафтун этувчи, унга эстетик завқ бағишловчи, уни нафосатнинг илоҳий оламига олиб кирувчи шаклга

1 Орипов А. Мафтункор шеърият. /Ҳамид Олимжон. Танланган асарлар. - Т.: Sharq, 2019. – Б.3.

эгадир”[1]. Ҳақиқатан, Ҳамид Олимжон атиги 35 йил яшаган бўлса-да, бу қисқа вақт оралиғида юксак бадиий-эстетик қувватга эга умрбоқий асарлар ярата олди.

Абдулла Орипов Ҳамид Олимжоннинг латиф шеъриятидан ҳам кўп сабоқ олди, лекин ижодда уни такрорлаган эмас. Биргина қиёс: Ҳамид Олимжоннинг “Ўзбекистон” шеърида она Ватан мадҳи унинг ўхшаши йўқ табиати, беқиёс кўклами орқали васф этилган бўлса, Абдулла Ориповнинг шу номдаги қасидасида халқимизнинг қадимий ва бой тарихи буюк сиймолари образи, мозий воқелигининг поэтик тасвири воситасида бутун мураккаблиги, бор миқёси билан уйғунликда тасвирланади. Бошқача айтганда, Абдулла Орипов Ҳамид Олимжон ижодий тажрибаларини давом эттириб, янги бадиий кашфиёт даражасига юксалтирди.

Абдулла Орипов “ХХ аср ўзбек адабиётига чақмоқдек кириб келган” дея таърифланувчи шоир Усмон Носир хотирасига атаб “Армон” шеърини ёзган ва шоир бу шеърда унинг ҳаётдан бевақт кўз юмгани, кўпчиликнинг дийдорига тўймаганини айтади:

Нимайди у? Маъсум туйғунинг
Оромига сололган ғавғо?
Не бўлса ҳам болакай унинг
Дийдорига тўймади асло.

Шоир “Эҳтиёж фарзанди” китобида Усмон Носир ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Усмон Носир шундай истеъдод эгасики, бамисоли теккан жойини куйдиргувчи оловдир. Шоирнинг ғоят қисқа умрига назар солган киши жуда узоқ ўйларга толиши шубҳасиздир. Чунки бу чақмоқдек умрда бениҳоя катта имкониятлар ёниб кетганлигини кўриб ва ҳис қи-

1 Каримов Н. ХХ аср адабиёти манзаралари. – Т.: O‘zbekiston, 2008. –Б.361.

либ турасиз. Усмон Носир улуғ ва абадий шеъриятнинг дийдасидан оқиб улгурмаган шабнамдир, у ҳали қаҳқаҳага айланмай лабларимизда мангуга қотиб қолган ним табассумдир”[1]. Бу фикрлар Усмон Носир ижоди Абдулла Орипов адабий-эстетик қарашларида муносиб ўрин тутиши исботидир. Лирик шеърларида Усмон Носир образи ёрқин ва таъсирчан ифодалангани, мақолаларида шоир асарларининг теран таҳлил этилгани Абдулла Ориповнинг адабиётимизда чақмоқдай нурли из қолдирган бу ижодкорга бўлган эҳтиромини ва бадиий-эстетик қарашлари такомилида унинг ижодий анъаналаридан истифода этганини тасдиқлайди.

Абдулла Орипов миллий адабиётимизнинг ўзигача бўлган деярли барча шоиру адиблари ижодий ютуқларини қунт билан ўрганган. Улар ижодидаги бадиият сирларидан ўзи учун зарур хулосаларни чиқарган. Асарларида улар эришган муваффақиятларни янги поэтик кашфиётлар билан бойитган. Шоир устози Миртемир ҳақида, унинг ўгитлари хусусида “Устоз Миртемир сабоқлари” номли шеърида, жумладан, қуйидагича ёзади:

- Ишланг, - дерди Устоз, - шеър бўлсин равон,
Меҳнатдан қочмасин ижодкор халқи.
Лекин камситмасди бизни ҳеч қачон,
Устоз шунинг учун Устоздир, балки.

Шоир бу панд-у насиҳатларни асло унутмайди. Устозидан унга меҳнаткашлик гўзал анъана бўлиб ўтган. Чунки сўзни қадрлаган, ижодда миллий руҳ ва юксак бадиият уйғунлигини мезон деб билган шоир бундан ўзгача йўл тутиши мумкин эмас. Миртемир устозлик мақомининг энг аҳамиятли жиҳати шогирдларга ҳурмат билан қараши ва сўзга масъулият бобида уларга ўрнак бўла олганидир. Мирте-

1 Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. – Т.: Ёш гвардия, 1988. -Б.82.

мирнинг заҳматдан ҳаловат топган ижодкор эканини Абдулла Орипов “Шоир табассуми” мақоласида чуқур мантиқ асосида далиллайди: “Миртемир домланинг энг ибратли фазилатларидан бири унинг камтарлиги билан бир қаторда, ниҳоятда меҳнаткашлиги десам, янглишмаган бўлур эдим. Ижод машаққатидан озми-кўпми хабардор бўлган ҳар бир одам Миртемир шеърларини ўқиётиб, унинг ҳар бир сатр устида қанчалик тер тўкканини тасаввур қилиши қийин эмас”. Бу хусусда Қозоқбой Йўлдошев ҳам шундай фикрларни билдиради: “Миртемир олам ҳодисалари ва одам руҳиятини ҳеч ким пайқамайдиган йўсинда кўради, бошқаларга ўхшамаган алфозда таъсирланади, ўзгача бир мантиқ билан изоҳлайди, ҳеч ким қилолмайдиган шаклда тасвир этади”[1].

Абдулла Орипов устозининг хотирасига бағишланган “Карвон” шеърида:

Шеърингиз учқуру ўзингиз карвон,
Манзилга шошилмай келар эдингиз –

деб Миртемир ижодиётига юксак баҳо беради ва уни “карвон”га ўхшатиб, шогирдлари изидан келаётганига ишора қилади.

Ижод заҳматидан лаззат топиш, сўзга бўлган юксак масъулият, бадиий концепциянинг аниқ ва баланд экани Миртемир ва Абдулла Орипов ижодининг асосини ташкил этади. Чунки Абдулла Орипов бу борада Миртемирга муносиб издош бўлиши баробарида устоздан ўзиб кета олган нодир ижодий салоҳият эгасидир. Ундаги истеъдоднинг бошқа ижодкорлардан нечоғлиқ баланд эканини ҳис этган Миртемирнинг ўзи Абдулла Ориповга мана бундай баҳо берган эди: “Абдулла Орипов. Шоир! Шоир бўл-

1 Йўлдошев Қ. Сўз ёлқини. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2018. -Б.58.

ганда ҳам анов-мановлардан эмас. Худо бутун қилиб берганлардан. Зўр!”.

Абдулла Орипов замондоши Эркин Воҳидов тўғрисида “Арслон чорлаганди”, “Эркин Воҳидов хотирасига” шеърларини битган. Абдулла Орипов қайсидир маънода замондоши билан туйғулари ўхшаш ижодкор эди. Абдулла Орипов ўзи ва Эркин Воҳидов ҳаётига назар ташлаб, ҳаётда ўз фикрдошларини топа олмай қийналган Эркин Воҳидовнинг ва ўз қисматига муносабатини мана бу тарзда ифодалаган эди:

Биз ҳам юксакларга тиккандик кўзни,
Бизда ҳам бор эди матонат, бардош.
Арслон чорлаганди қошига бизни,
Лекин қумурсқалар бўлди сафардош.

Бу ўринда Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов шахсий ҳаёти босиб ўтган умр йўлидан хабардор бўлган ўқувчи шоир нимани назарда тутаётганини яхши англайди. Зеро, бу ҳаётда арслонсифатлардан кўра қумурсқамонандлар кўпроқ. Юқоридаги сатрларда бу икки нодир истеъдод эгаларининг ижодий юксалишига тўғаноқ бўлишга интилган, улар салоҳиятининг юзага чиқмаслиги учун қўлидан келган барча ҳаракатни қилган ана шундай тоифаларга образли муносабат ифодаланган. Шеърнинг кейинги бандида шоир ижодий сафдошини қумурсқамонандлардан келиши мумкин бўлган хатардан мана бу тарзда огоҳлантиради:

Жами тирикликка таниш шу хатар,
Қумурсқа яралган ёппа таларга.
Дўстим, алам қилар, арслон бехабар,
Ем бўлиб кетсак шу қумурсқаларга.

Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов бир даврда яшаб ижод қилган икки маслакдош сифатида адабиётимиз равнақига муносиб ҳисса қўшди.

Хулоса қилиб айтганда, Абдулла Орипов эстетик қарашларининг адабий-тарихий омиллари ўзбек адабиётининг асл сарчашмаларига бориб тақалади. Шоир салафларини ўзига нафақат ижодда, балки маслак ва яшаш тарзида ҳам устоз деб билади. Уларнинг номини чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади. Чунки уларнинг бири шоир учун ҳақиқат, иккинчиси мардлик, учинчиси курашувчанлик, тўртинчиси эса одамийлик тимсолидир. Шоир улар адабий меросини қунт билан ўрганар экан, бу ижодкорлар анъаналари таъсирида қолиб кетмади, балки уларни янгилади, такомилга етказди. Шеъриятимизни янги образ ва ташбеҳлар, бадиий кашфиётлар ва янгича талқинлар билан бойитди. Замонавий ўзбек шеъриятида мактаб яратган ижодкор сифатида миллат адабий-эстетик тафаккурини мислсиз даражада юксалтирди.

Биографик метод ҳар бир ижодкор ижодида етакчилик қилувчи методлардан биридир. Айни шу метод ҳақида адабиётшунос олим Узоқ Жўрақулов қуйидача фикр билдиради: “Биографик метод моҳиятида инсон шахсияти туради. Айни шу жиҳати билан мазкур метод универсал характер касб этади. Яъни ижодкор ва ижод маҳсулини синтезда ўрганиш йўлидаги ҳаракат, энг аввало, барча фанлар, фалсафалар, тадқиқ методларини истифода этишни тақозо қилади. Қолаверса, бугунгача мавжуд ҳар қандай тафаккур шаклларининг инсон феномени доирасида марказлашуви ушбу методнинг универсаллик даражасини оширади. Биографик метод объект танламайди. Уни ижоднинг ҳар қандай тури (амалий, назарий) ва ҳар қандай шакли (фан-техника, санъат, сиёсат маданият)га нисбатан қўллаш мумкин”[1].

1 Жўрақулов У. Ҳудудсиз жилва. – Т.: Фан, 2006. -Б.14.

Абдулла Орипов ижтимоий-биографик шеърлари шоир ижодининг энг нозик қирраларини очиб беришга хизмат қилади. Бу руҳдаги шеърларига ҳаётида бўлиб ўтган ҳодисалар, кўнглидан ўтказган кечинмаларни сингдиради. Абдулла Орипов шундай ёзади: “Ижодкор минг уринсин, яхши маънода ҳам, ёмон маънода ҳам жамиятдан узилиб яшай олмайди. Чунки у жамият фарзандидир”[1]. Абдулла Орипов адабий меросини ўрганар эканмиз, ижодининг асосий қисми ижтимоий-биографик руҳдаги шеърлардан ташкил топганлигига гувоҳ бўламиз. Шоир асарларини ижтимоий мавзуларсиз айри тасаввур қилиб бўлмайди. “Шеърни текшираётганда шоир шахси жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки шеърда муаллифнинг руҳида кечаётган изтироб, ғусса, ҳасрат, дард, муҳаббат, нафрат, иқрор, истак – ҳамма-ҳаммаси аксланади. Борлиқни қабариқ нигоҳ билан кўрадиган шоир ҳис эта олган гўзаллик, меҳр, нафрат каби кечинмани ҳис қилиш учун ўша ҳолатни бошдан кечириши шарт”[2].

Шу фикрларга таянган ҳолда, Абдулла Орипов ижодини биографик ўрганиш диссертацион ишимиз учун муҳим хулосалар беришига амин бўламиз. Жумладан, Абдулла Ориповнинг 100дан ортиқ шеърларида биографик хусусиятлар етакчилик қилади. Ишда булардан энг муҳимларини танлаб, таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Ижтимоий-биографик жиҳатдан чуқурроқ ўрганиш учун шоирнинг шеърларини мавзу жиҳатдан турларга бўлиб олдик:

1. Эзгу ниятлари сингдирилган асарлари: “…Ҳали олдиндадир”, “Юзма-юз”.

2. Беморлик кечинмалари акс этган шеърлари:

1 Орипов А. Адолат кўзгуси. – Т.: Адолат, 2003. -Б.124.

2 Ғаниев И, Афоқова Н. Абдулла Ориф фалсафаси. – Т.: Муҳаррир, 2021. -Б.5.

“Синов”, “Мени олиб кетинг”, “Менга ҳаётни бер”, “Тиш оғриғи”.

3. Оиласига бағишланган шеърлари: “Онамга хат”, “…Хат ёзмадим”, “Онам вафотига”, “Онажон”, “Қарши қўшиғи”, “Қизим Шоирага”, “Онамни эслаб”, “Сенинг овозинг”, “Баҳор сеникидир” (Қизим Юлдузга), “Ўғлим Илҳомжоннинг шеъри”, “Ўғлим Илҳомжонга”, “Ўйламай нетайин”, “Совға” (Набирам Шоҳрухга), “Ота дуоси”, “Жонибек набирамга”.

4. Афсус-надомат руҳи акс этган шеърлари: “Сароб”, “Ҳайронлик”, “Арслон чорлаганди”, “Кўрдим”, “Булутли бир кун”, “Саҳарлик”, “Эътироф”.

5. Ўз-ўзини тафтиш руҳидаги шеърлари: “Хотирот”, “Қирқ ёш”, “Ҳаёт ҳақиқати”, “Надомат”, “Бир қарасам”.

6. Хотира шеърлар: “Дўстим Мурод Ҳамроев хотирасига”, “Версал хотиралари”, “Лувр музейида”.

7. Васф шеърлари: “Қуёш шаҳри”, “Дўрмонда куз”.

Ушбу таснифнинг ҳар бирига мансуб шеърлар шоир психобиографиясини акс эттиргани, унинг руҳияти, лирик кечинмалари билан чамбарчас боғлиқ экани жиҳатидан шоир бадиий-эстетик тафаккури такомилида муайян ўрин эгаллайди. Чунки “Шоирнинг туғилиши, ҳаёт ва ижтимоий синовлар қуршовида тобланиши, ўзлигини топиши ва ўқувчилари қалбидан жой олиши – буларнинг барчаси ижодкор бадиий тафаккури деган тушунча асосида бирлашади”[1]. Абдулла Ориповнинг “Ҳали олдиндадир” (1960) сарлавҳали шеърида инсон ҳаёти давомида ҳамиша умид билан яшаши кераклиги, сабр-қаноатли бўлиши лозимлиги таъкидланади:

Ҳали олдиндадир гўзал кунларим,
Ҳали лаб тегмаган кулгулар олдда.

1 Давлатова А. Абдулла Орипов шеъриятида поэтик тафаккур тадрижи. Филол. фан. док-ри.... дисс. – Т., 2022. – Б.18.

Вазнга тушмаган қўшиқлар олдда,
Ҳеч нима эмасдир бу кўрганларим.

Шоир гўзал кунлари ва *“лаб тегмаган кулгулар”, “Вазнга тушмаган қўшиқлар”и* ҳам олдинда эканлигига умид қилиб яшайди. Абдулла Орипов кўплаб ижтимоий-биографик шеърларида ҳаётида яхши кунлар кўп бўлишига умид қилиш каби туйғулар сингдирилади.

Абдулла Орипов “Онажон” (1966) шеърини онаси Турди Эрдона Карвон қизи хотирасига бағишлайди. Онаси дунёни эрта тарк этиши шоирга кучли таъсир қилади ва у онасига бағишлаб ўнлаб шеърлар битади. “Она – Абдулла Орипов шеъриятида энг фаол қўлланган образлардан. Шоир лирикасида бу образ оқ сут бериб ўстирган мўътабар инсон, шунингдек, Ватан ва миллат рамзи сифатида сувратланади. Ушбу образ талқинига бағишланган шеърлар, биринчидан, автобиографик аҳамиятга эга бўлиб, уларда ижодкорнинг кечинмалари ва руҳий олами тасвирлангани, иккинчидан, улар шоир бадиий-эстетик идеалини ифода этгани жиҳатидан аҳамиятлидир”[1]. “Онажон” номли шеърида шоир дардини, бор ички ҳиссиётларини очиқ тарзда ифода этади. Онасини бу дунёда йўқлиги шоир қалбини тилка пора қилади:

Неча кунки йўқ оромим
Келолмайман ҳушимга.
Онажоним кечалари
Кириб чиқар тушимга.

Бу дунёда онасининг йўқлиги унинг оромини йўқотди. Онаси тушларига кириши қалбига оз бўлса-да таскин беради. Шоирнинг дарди бир бу эмас, бир томондан онасидан айрилгани қалбини эзса,

1 Ўсарова Л. Абдулла Орипов асарларида миллий руҳ ифодаси. Филол. фан. фалсафа док-ри... дисс. – Т., 2020. -Б.79.

иккинчи томондан, укаларининг онаси учун куйиши бағрини эзади.

Афсус ўзинг эрта кетдинг,
Эрта кетдинг оламдан.
Укаларим бағрим эзар,
Ажрадик деб онамдан.

Айрилиқ азобини тотиб кўрган шоир бу дунёда ҳеч кимнинг умри бевақт хазон бўлмаслигини истайди. Рухсора Орипова ўзининг "Отамнинг ижод лабораторияси" мақоласида момосини шундай хотирлайди: "Момом Турди Карвон қизи ўта таъсирчан, нозиктаъб аёл бўлган экан. Бўй етган икки қизидан бир кечада айрилиб қолган момомнинг оналари, Худодан тилаб-тилаб олган фарзандига Турдихол деб исм берган. Ота-онаси ёлғиз фарзандига бутун эътиборини бериб, ҳар жиҳатдан етук бўлиши учун жон куйдирган. Отам хотираларида адабиётга шайдоликни момомдан олганини кўп таъкидлаган. Чунки момом ўткир фаросатли, халқ қўшиқларидан хабардор, табиатан ижодга мойил инсон бўлган эканлар"[1].

Абдулла Орипов асарларида инсоннинг ҳис-кечинмалари етакчи ўринни эгаллайди. "Адабиётнинг бош объекти инсондир. Инсонни бадиий кашф қилиш, уни ўраб турган ички ва ташқи муҳити билан боғлиқ ҳолда тасвирлаш адабиётнинг асосий вазифасидир. Бинобарин, адабиётдаги глобал муаммо инсон билан боғлиқ ҳолда, кенгроқ тарзда ёндашганимизда эса бутун инсониятга дахлдор муаммолар фонида ифода этилади. Шунга кўра адабиётдаги энг глобал муаммо – бу инсон муаммосидир"[2]. Абдулла

1 Oripova R. Otamning ijod laboratoriyasi. //Yoshlik, 2021, 3-son. -B. 48.

2 Мели С. Глобаллашув: Бадиий талқин, замон ва қаҳрамон. – Т., 2018. -Б. 26.

Ориповнинг “Сароб” (1966) номли шеъри ҳам айни шу муаммога бағишланган:

Олти ойким, шеър ёзмайман юрагим зада,
Олти ойким ўзгаларга тилайман омад.
Олти ойким, дўстларим ҳам пана-панада
Истеъдодим сўнганидан қилар каромат.

Шоир шундай қийин вазиятда қолганки, ҳатто шеър ёзишга ҳам юраги зада бўлиб қолган. Бу шоир учун даҳшатли ҳолат. Чунки шеър ёзсагина шоир қалби таскин топади, дарди тўкилади. “Шоир умри давомида ҳасадгўйлардан қутила олмади. Улар орасида оддий қаламкашлардан ташқари шуҳратпарастлар, турли турқдаги маҳаллийчилар ёки совет тузумига “фидойи”, “ватанпарвар” мафкурачилар бор эди”[1] Олти ой шеър ёзмагани боис, унинг истеъдоди сўнгани ҳақида пана-паналарда иғво чиқарганлардан, дўстим деб юрганлар ҳам йўқламай қўйганидан ўксинади. Шу сабаб ҳам энди шоир дунёдан самимиятга тўла, азиз нимадир излай бошлайди.

Ниманидир ахтараман – шеърдан ҳам улуғ,
Ниманидир ахтараман – ондан азизроқ.
Дунё ўзи бепоён-ку, рангларга тўлуғ,
Бироқ менинг кўзларимдан ранглар ҳам йироқ.

Шоир учун шеър – улуғ ҳодисот. Аммо у шундай ҳолатга тушганки, ундан ҳам азизроқ ниманидир ахтармоқда. Шоир руҳий ҳолати кутилмаган мисралар орқали очиб берилмоқда.

Абдулла Орипов “Тўртлик” шеърида ҳам ўз ҳаётини тасвирлайди:

Менга ёлғизсан, деб чимирмагил қош,
Турфа савдоларга ошнодир бу бош.
Барча мағлубият менинг дўстимдир,
Барча йўқотишлар менга қариндош.

1 Эркаев А. Абдулла Орипов даҳоси. – Т.: Олтиннашр, 2021. -Б. 72.

Ушбу мисралардан англаш қийин эмаски, Абдулла Орипов ҳаёти осон кечган эмас. Шоир мағлубияту йўқотишларни ўзига дўсту қариндош, дея талқин этади. Таъкидлаш керакки, бу фикр шоирнинг турғун хулосаси бўлмай, ижодкорнинг муайян вазиятлардаги лирик кечинмаси натижасидир. Шоир шеъриятида *“Мен сени қутлайман шу улуғ дамда, Улуғ елкадошим музаффар ҳаёт”* сингари кўтаринки руҳни ифодалаган сатрлар ҳам кўп кузатилади.

Абдулла Орипов ўз умрини тўлалигича адабиётга бахшида этди. Бу ҳолат унинг “Ўйламай нетайин” ҳамда “Совға” шеърларида яққол сезилади. Шоир бутун ҳаётининг мазмуни шеърият билан боғлиқлиги, ҳатто фарёдлари ҳам назмга айлангани, шоирнинг бутун фикри ёди шеър эканлигини “Ўйламай нетайин” асарида ўз аксини топади:

Ҳарф таниб чиққанди саводим,
Назмга айланди фарёдим,
Шеър билан боғланди ёш ёдим,
Мен уни ўйламай нетайин.

Шоирнинг “Совға” шеъри “Ўйламай нетайин” шеърини давомидек, бир-бирини тўлдиради. Энди шоир шеъриятни унга берилган энг улкан совға сифатида эътироф этади.

Нима опкелдингиз, дейди набирам,
Мен ҳам бой бермайман сиримни лекин.
Дейман: Совғаларим ажибдир бирам,
Шеърлар олиб келдим. Ўқийсан. Текин.

Шоир ҳаёти батамом шеърият билан боғлиқ. Унга берилган мукофот ҳам бу шеър ёза олиш қобилияти. У яқинлари учун ўзи битган шеърларни энг олий совға деб ҳисоблайди.

Хулоса қилиб айтганда, шоир эстетик қарашларининг ижтимоий-биографик омилларини тадқиқ

этиш Абдулла Орипов ижодини таҳлил этишдаги энг муҳим жиҳат ҳисобланади. Чунки биографик метод моҳиятида инсон шахсияти турар экан, шоирнинг шу турдаги шеърларининг мазмун-моҳиятини очишда катта аҳамият касб этади.

2.2. Лирик асарларда шоир эстетик концепциясининг акс этиши

Адабиётнинг бош мезонларидан бири ўзида эстетик тамойилларни акс эттиришидадир. Шеърият азалдан юксак ахлоқий қарашларни ўзида мужассам этган адабий-эстетик ҳодиса саналган. Шарқ шеърияти, айниқса, дидактик характернинг устуворлиги, инсон қалби ва унинг туйғуларини ўзида мужассам этганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шарқ мумтоз адабиёт намуналарида нафсни енгиш, қалбан Оллоҳга боғланиш, маърифатга интилиш улуғланган. Шеъриятнинг айни шу вазифаси неча асрлардирки, ўзгармай келаётир. Тўғри, бугунги кун шеъриятида қайсидир маънода янгиликка интилиш, анъанавий қолиплар ва мавзулардан чекинишга интилиш кузатилмоқда. Бироқ шунга қарамасдан шеъриятнинг асл функцияси барибир инсон қалбини акс эттириш эканлигини инобатга олсак, эстетик қарашлар шеъриятнинг бош мезонидир. “Кишининг малоҳати ёхуд қабоҳати ойнада яққол кўрингани каби жамият тараққиётига тўсиқ бўладиган иллатлар бадиий адабиётда таъсирчанроқ акс этади. Зеро, чинакам шоиру адиблар инсон руҳиятини кирлардан тозалашга, бу орқали жамиятни поклашга интилади”[1].

Адабиётшунос Гулноза Эрназарова Абдулла Орипов ижодининг илк кезларини шундай баҳолай-

1 Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърият. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015. -Б.216.

ди: “60-йиллар ўзбек адабиётининг ўктам овозини А.Орипов шеъриятисиз тасаввур этиш мушкул. Инсонга ҳамдардона муносабат, уни фақат қора меҳнати учун эмас, инсон бўлгани учун ҳам қадрлаш, дилига кириб бориш, дардлашиш истаги, бадиий тафаккурнинг фавқулодда миллийлиги ва халқоналиги, шарқона фалсафий мушоҳада юритиш тарзи билан А.Орипов шеърияти ўзига хос ҳодиса бўлди”[1].

Бадиий адабиётда “лирика”, “лиризм” тушунчалари умумий маъно жиҳатидан адабий асарларда инсон ҳиссиётининг ёрқин тасвирларига нисбатан ишлатилади. Тор маънода эса лирикани шеърий жанрдаги асарларга нисбатан қўллаймиз. “Шеър ёзиш салкам сиёсий юмуш саналган даврларда ҳам шоир одамнинг руҳиятини тадқиқ этди, унинг туйғуларини тасвирлади. Абдулла Ориф шеърият майдонига қадам қўйган даврда одамнинг кимлиги унинг ижтимоий мавқеи билан ўлчаниб, қандайлиги қайси синфга мансуб эканига қараб баҳоланарди. Шахс аслида жамиятга қарши қўйилиб, омманинг истак ва манфаатлари алоҳида одамникидан солиштириб бўлмайдиган даражада юқори баҳоланарди. Конкрет шахснинг кўнгли манзараларини тасвирлаш муҳим саналмасди. Шундай бир шароитда Абдулла Ориф оммани эмас, алоҳида одамнинг руҳий оламини бадиий тадқиқ этишга тутинди”[2]. Абдулла Орипов шеърияти шу жиҳати билан ҳам ҳар бир ўқувчининг қалбига кириб бора олди. Абдулла Ориповнинг лирик асарларида эстетик тамойиллар ўзгача акс этган. Аслида, шоир шеърларида қа-

1 Эрназарова Г. XX аср ўзбек поэзиясида миллий тафаккур ва унинг бадиий талқини (Абдулҳамид Чўлпон, Ғафур Ғулом, Абдулла Орипов шеърияти мисолида): филол.фанлари номзоди... дисс...автореф. – Т., 2001.

2 Йўлдош Қ. Сўз ёлқини. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2018. - Б.244-245.

чон эстетик тамойил юзага келади. Қачонки, унинг асарлари китобхонни қалб торларини черта олганда. “Шоир ким, чинакам ижодкор мавқеига кўтарилмоғи учун у қандай фазилатларга эга бўлмоғи керак? Абдулла Орипов фикрича, шоир зоҳиран ҳамоҳанг, уйғун ҳодисаларнинг ҳам хос хусусиятларини, бир-биридан фарқли жиҳатларини ажрата билмоғи зарур”[1]. Абдулла Орипов ана шундай фазилатларга эга шоир эди. Бу фаслда биз унинг кўплаб лирик асарларини ўргандик ва улардан “Созим”, “Дунёни қизғанма мендан азизим”, “Ёзажакман”, “Дарё” ва “Меҳмон” шеърларини таҳлилга тортдик.

Шоир “Созим” шеъри орқали инсонларни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш кераклиги ва ҳар бир инсон ҳаётида турли хил қийинчиликларга дуч келиши мумкинлиги ҳақида сўз боради:

Мен шоирман,
Истасангиз шу.
Ўзимники эрур шу созим,
Бировлардан олмадим туйғу,
Ўзгага ҳам бермам овозим.

Абдулла Орипов – шоир, унинг ўз сози, ўз туйғуси ва ўз овози бор. У шундай инсон. Қаранг, шоирнинг лирикасида инсон руҳий олами, унинг характери, унинг ўзига хос хусусиятлари борича ва эркин очиб берилмоқда.

Шайдо бўлиб юрганда бирдан
Хаёлимга ташламанг каманд.
Мижғов ва паст, ғийбат гаплардан
Жажжи шеърим қўюрман баланд.

Шоир бу мисралар орқали инсон комилликка интилиб яшаши кераклигини *“Мижғов ва паст, ғийбат гаплардан. Жажжи шеърим қўюрман баланд”*

1 Жабборов Н. Замон. Меъзон. Шеърият. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015, -Б.28.

дея, унинг шеъри жажжи бўлсада, унинг қиймати баланд эканлигини, ҳар қандай ғийбат гапдан албатта устун туришини таъкидлайди. “Абдулла Ориф ўта ингичка туйғулар, исмсиз дардларни шеърга солди. Ҳасратзада, озурдажон кўнгил мавжлари, комилликдан “юлдузлар қадар йироқ” кишилар борлигидан таъсирчан юракда қолган озорлар бу шеъриятнинг манбаси эди”[1]. Инсоннинг дардлари, руҳий изтиробларини шоир лирикасида эркин баён этган. Унинг “Ёзажакман” шеърида ҳам эстетик тамойиллар очиқ акс этган.

Дўстлар демангиз, мен шеъру достон ёзажакман,
Мен шеъру достон ичра бир афғон ёзажакман.
Ҳайрона боқур бу маним аҳволима ҳар ким,
Мен эрсам ўзгалар аҳволига ҳайрон ёзажакман.

Абдулла Орипов шеъру достон ёзар экан, у фиғонга тўла эканлигини, таъкидлайди. Бу шеърдаги шоирнинг лирик кечинмаси ва ахлоқий қарашлари ҳақида Н.Афоқова қуйидагича фикрларни билдиради: “Абдулла Орипов шеърияти – ёвузликка қарши исён шеъриятидир. Унинг учун оддий қамишнинг бағрини ўйиб, унинг бўзларидан роҳатланадиганлар ҳам; кўнгил эрмаги учун тунислик болани ёқиб юборганлар ҳам; ўз қавмини фисқу фасод, ҳасад, хусумат дорига тортаётганлар ҳам; шоирга ташланмаса туролмайдиган аҳли бедодлар ҳам; қалби не-не офтоблар эритолмайдиган даражада муз қотганлар ҳам Инсон деган номга муносиб эмади”[2].

Шоирнинг “Дарё” (2009) шеъри ҳам унинг адабий-эстетик қарашларини ифода этишда алоҳида ўринга эга:

1 Йўлдош Қ. Сўз ёлқини. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2018. -Б.245.

2 Ғаниев И. Афоқова Н. Абдулла Ориф фалсафаси. – Т.: Муҳаррир, 2021. -Б.86

Сен дейсан, шеърларинг негадир маҳзун,
Ахир дунё гўзал, ажибдир олам.
Сатрингда ёнма-ён мудом кун ва тун,
Дард билан қоришиқ қувончларинг ҳам.

Шоир ҳаётда кун ва тун изма-излиги ҳақида тўхталиб, яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, муҳаббат ва нафрат борлигини ёдимизга солади. Ҳаёт айни шу қарама-қаршиликлар курашидан иборат. Шу боис шоирга дунё гўзалликлари ҳақида ёзишдан ҳам кўра, ҳаёт ҳақиқатларини ёзиш, акс эттириш муҳимроқ. Зеро, айни шу курашларда инсонлар ёмонлик, адолатсизлик, меҳрсизлик томонга таслим бўлмоқда. Бу ҳолат миллатнинг чинакам шоирини ўйлантирмаслиги, ёзишдан тўхтатиб қолмоғи мумкин эмас. Абдулла Орипов "Меҳмон" (2010) шеърида: *"Бу одам ким дея боқмангиз менга, Шул эрур сувратим, шулдир сийратим"* дея ёзганида ҳам юқоридаги фикрларимиз тасдиғи кўринади. Зеро, қалбида инсонийликнинг энг улуғ мезонлари мавж урган инсон асло бошқача бўлмоғи, бошқача ёзмоғи мумкин эмас. У шунинг учун ҳам шоир. У ҳамма каби бўлолмайди. Ҳамма қайғурмаган нарсалар ва ҳодисалар учун курашади, дунёнинг гўзаллиги баробарида, қораликларини кўради, уларга қарши қўлда қалам билан курашади. Зеро, адабиётшунос Н. Жабборов алоҳида таъкидлаганидек, "Ижодкорнинг назари ҳеч ким илғамаган гўзалликни пайқаши зарур. Шоирнинг қулоғи бирор одам боласи эшитиши мумкин бўлмаган оҳангларни тингламоғи керак"[1]. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, Абдулла Орипов чинакам шоир нигоҳига ва сомелигига эга ижодкор эди. У ҳеч ким кўрмаган ва эшитмаган рангларни, оҳангларни кўрар ва эшитар эди. Абдулла Орипов

1 Жабборов Н. Замон. Меъзон. Шеърият. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015. -Б.30.

ижодининг эстетик кучи ҳам айни шунда эди, дейиш мумкин.

“Ўз навбатида, чинакам санъат асарида ижодкор ҳамиша эзгулик, гўзаллик, адолат сингари умуминсоний қадриятлар томонида туриб фикр юритади, айни шу нарса бадиий асарда ҳамма вақт дидактик потенциал мавжуд бўлишини, бадиий адабиётнинг ҳамиша тарбиявий функция бажаришини таъмин этади”.[1] Абдулла Орипов ҳамиша айни шу ёзилмаган тамойилларга суянди. Унинг учун шеър энг аввало, поклик, эзгулик, адолатнинг қурувчиси ва яратувчиси қиёфасида гавдаланди. Шу жиҳатдан шоирнинг бутун адабий-эстетик қарашлари унинг мисралари бағрига жо бўлди. Энг улуғ тушунчаларга, энг муқаддас эстетик тамойилларга таянгани боис, Абдулла Ориповнинг шеърияти қадри ва қадди баланд шеъриятдир. Шоир шеъриятни севган, улуғлаган, унга меҳри алоҳида эканлиги сезилади. Шунинг учун ҳам у шеъриятга “онажоним шеърият” дея юқори таъриф берганлиги барчага аён. Шу боисдан унинг шеърияти баландларга парвоз қилди. Ўзбекистон қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов Абдулла Орипов ижодига шундай баҳо берган эди: “Эскирмас, тўзимас сўз соҳибларидан бири Абдулла Ориповдир. Унинг илк шеърлари халқ қалбида акс-садо берган бўлса, энг янги сатрлари ҳам шундай сеҳрли қудрат билан жаранглаб турибди”[2]. Ушбу фикрлардан кўриниб турибдики, замондош ва ҳаммаслаги бўлган шоир ижодини эътироф этиш баробарида, бу шеъриятга ҳавас билан қараганлигини сезиш қийин эмас. Эркин Воҳидов шоирнинг

1 Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. - T.: Navoiy universiteti, 2018. -B.56.

2 Воҳидов Э. Баркамол ижод намуналари. /Абдулла Орипов замондошлари хотирасида. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2021. – Б.18.

“илк шеърлари халқ қалбида акс-садо берган”лигини таъкидлайди. Бундан кўринадики, шоир адабий-эстетик қарашлари болалигиданоқ намоён бўла бошлаган ва ўзининг илк шеърларида ўз аксини топган.

Абдулла Орипов “Кўрган-билганларим” номли таржимаи ҳолида шундай ёзади: “...Бу дунёнинг воқеа ва ҳодисалари хотирамда тўрт-беш ёшларимдан бошлаб қолган. Урушдан қайтмаганларнинг азалари-ю, қайтган-мажруҳ қишлоқдошларимнинг қўлтиқтаёқни тўқиллатиб юрганлари эсимда. Очарчилик, одамларнинг кунжара еганларини кўп кўрганман. Балки вақти-соати етиб, мен бу кечинмаларимни батафсил ёзарман. Чунки ҳозир мана шу саҳифаларга сиғмайдиган ранг-баранг хотираларим жуда кўп”[1]

Шоирнинг болалигидаги хотиралари, эшитганларию кўрганлари ва албатта ўқиб ўрганганлари илк шеъриятининг яратилишига асос вазифасини ўтаган. Масалан, ўн олти ёшида ёзган “Учқун” номли шеърига тўхталсак:

Гоҳо хаёл дарёсида жим
Ўтказаман тунларни бедор.
Баъзан ғализ жумла устида
Соатлаб бош қотирганим бор.

Бу ерда шоирнинг ижодга бўлган адабий қараши, қизиқиши ва илҳоми акс эттирилганини кўришимиз мумкин. Ижодкор сатрлари устида “соатлаб” ўтирганини таъкидлаш борабарида, шеъриятда нозик туйғулар, кечинмалар тасвирланишини ўқувчига мохирона етказади.

Шалоладек бўлса шеърларим,
Ёғду сочса мисли аланга.

1 Орипов А. Танланган асарлар.1-жилд. Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент , 2000. Б.7

Сидқидил-да қобил ўғилдек
Хизмат қилса элга, Ватанга.

Шоир ўз шеърларини нафис “шалола”га ўхшатиб, “ёғду сочиши”ни, “аланга”га айланишини ва Ватанга хизмат қилишини жуда-жуда истаган эди. Бу истак шоирнинг умри давомида муваффақиятли амалга ошганини гувоҳи бўлиб турибмиз.

Ҳали бунга кўп гап бор, ҳали
Фикрларим тарқоқ, туйғусиз...
Ҳали қанча тунларни яна
Ўтказишим керак уйқусиз...

Шоир қилган орзусини амалга ошиши ҳали узоқ эканлигини англаб етади. Унинг учун кўп изланиш, ўқиш ва ўрганиш заруратини ҳам сезади.

Ачинмайман, сизга, ўйларим,
Ачинмайман, сизга, узун тун.
Ачинмайман, чунки оташга –
Оқ йўл берар одатда учқун!

Шеърнинг якунида “учқун” “оташга” айланишини истаганлигини, орзу қилганлигини кўришимиз мумкин. Шоир ушбу шеърни ўн олти ёшида битган бўлса, фикр теран, орзу самимий, ният холис эканлиги кўринади ва айтишимиз мумкинки, шоир ижоди билан учқундан оташга айланди. Оташин шеър ва асарлари халқ қалбидан ўрин олди. Ана шундай ўрин олганлигига бир қанча омиллар мавжуд. Улардан биринчиси шоирнинг олий таълим даргоҳида таълим олган давридаги адабий қарашларидир. Шоир шундай эслайди; “Факультетимизда адабиёт тўгараги муттасил фаолият кўрсатарди. Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов каби устозларимиз биз билан соатлаб машғулот олиб борардилар.”

ХХ асрнинг таниқли инглиз ёзувчиси Жорж Оруэл шундай ёзган эди: “Биз яшаётган давр мустақил шахсни ёки мустақилдай туюлаётган иллюзиялар-

ни тугатиш хавфини туғдирмоқда... Истибдод фикр эркинлигига шу даражада тажовуз қилмоқдаки, аввалари буни ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Ҳисобга олишимиз керак, унинг фикр устидан назорати нафақат тақиқловчи, балки конструктивдир. Маълум бир фикрларни ифодалаш ёки айтишни тақиқламайди, аммо айнан қандай ўйлаш кераклигини айтиб туради. Шахс тарафидан қабул этилиши зарур мафкура пайдо бўлади. Шахснинг ҳис-эҳтиросларини бошқаради ва унга ўзни тутиш тарзини мажбуран қабул қилдиради. Шахс ташқи дунёдан қанчалик мумкин бўлса, шу қадар узиб қўйилади. Мақсад уни таққослашдан маҳрум этиш ва сунъий муҳитда сақлашдир. Истибдод давлати албатта фуқароларнинг фикр-ўй ва ҳис-туйғуларини худди уларнинг туриш турмушини назорат қилгандай назорат қилишга ҳаракат қилади"[1]. Оруэлнинг фикри остида ёзувчининг ижодий принциплари, ижод фалсафаси, адабиётнинг функцияси ҳақидаги қарашлари мавжуддир. Шоир Абдулла Орипов ҳам мустабид тузумда яшаб ижод қилди. Шоирнинг биргина "Тилла балиқча" шеърини олайлик:

Тухумдан чиқди-ю, келтириб уни
Шу лойқа ҳавузга томон отдилар.
Ташландиқ ушоқ еб ўтади куни,
Хору хас, хазонлар устин ёпдилар.

Дунёда кўргани шу тор ҳовузча
Ва гавжум толларнинг аччиқ хазони.
Менга алам қилар, тилла балиқча
Бир кўлмак ҳовуз деб билар дунёни!

Юксак истеъдод эгалари ҳаёт фалсафасини, мураккаб ва зиддиятли даврларда айтиш мумкин

1 Джорж Оруэл. Эссе, статьи, рецензии. Том II, Изд.: Прогресс, 1992. -Б.151.

эмасдек туюлган фикрларни ҳам поэтик рамзлар замирида маҳорат билан тасвирлай олади. “Тилла балиқча” Абдулла орипов учун ана шундай поэтик рамз вазифасини ўтаган. Ушбу шеър тагматнида шоир ифодалаган мазмун бир қанча маъно қатламларига эга ва шунинг учун ҳам мутахассислар ўртасида баҳсу мунозараларга сабаб бўлган. Шеърда қўлланган сифатловчи-сифатланмишлар: “лойқа ҳовуз”, “ташландиқ ушоқ”, “хору хас”, “гавжум толларнинг аччиқ хазони” – булар барчаси рамзий маъно ташийди. Шоир ушбу шеърда поэтик рамзлар тили билан мавжуд тузум ўз она юрти бошига солган кулфатлар устидан адабий-эстетик ҳукм ўқийди.

“Тилла балиқча” ана шундай мураккаб моҳиятни ифода этгани ва бир қанча маъно қатламларига эга бўлгани боис адабиётшуносликда кўплаб мунозараларга сабаб бўлган. Адабиётшунос С.Мели фикрича: “Шеър ихчам, бор-йўғи 8 мисрадан иборат. Бироқ унда яратилган образ катта маъно касб этади... Тухумдан чиқибдики, балиқча ҳовузни кўрибди, ташландиқ ушоқ еб куни ўтибди “хору хас, хазонлар” унинг устини бу бетига сонсиз-саноқсиз ўтиб қайтади. Унинг учун сувнинг энг каттаси шу ҳовуз. Дунёдаги кўз илғамас денгизу уммонларни, шарқираб оқадиган ирмоғу жўшқин дарёларни у тасаввур ҳам қила олмайди. Бутун дунёни мана шу кўлмак ҳовуз деб билади... Ахир, дунёни фақат ўзининг тор, бурқсиган дунёқараши билан кўрадиган, баъзан фақат ўз шахсий манфаати нуқтаи назаридан ҳаётга муносабатда бўладиган, ўзини эр билиб ҳаётда “шерлар” борлигини тасаввур қила олмайдиган тилла балиқ сифат худбинлар бор-ку ҳаётда”[1]. Олим шеър мо-

1 Қўшжонов М., Сувон М. Абдулла Орипов. – Т.: Маънавият, 2000. – Б.30-31.

ҳиятида талқин этилган лиротрагик ҳолатни нозик илғайди. Шоир шеърда ўша даврга хос шахсни ҳам, жамиятни ҳам муайян қолипга солишнинг фожеий оқибатларини поэтик тасвирлаганига диққат қаратади. Шахс ўз иродаси билан бу қолипларни бузиши мумкинлигига доир ижодкор орзулари шеърда ўзига хос фалсафий акс этганини аниқлайди.

Ушбу шеърни таҳлил этган Нурбой Жабборов хулосаси Сувон Мели фикрларини тўлдириши билан аҳамиятлидир: “Бу шеърни, таъбир жоиз бўлса, шахс эркини ҳар томонлама чеклаб қўйган шўролар муҳити устидан чиқарилган поэтик айблов, деб ҳисоблаш мумкин”[1].

Дарҳақиқат, Абдулла Орипов бу шеъри орқали шахс эркини чеклаш, мутелик сингари иллатларга бўлган муросасиз муносабатини билдиради. Муҳими шундаки, бу муносабат декларатив шаклда эмас, бадиият тили билан изҳор этилади. Абдулла Орипов шеъриятининг кучи ҳам шунда: теран ҳаётий мазмун ва лирик қаҳрамон идеали бетакрор образлар, тутилмаган ташбеҳлар, оҳорли истиоралар воситасида ифодаланади. “Тилла балиқча” шеъри таҳлили ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди.

Адабий-эстетик дунёқараш жамиятдаги ҳодисалар туфайли ўзгариб, янгиланиб борувчи ижтимоий онг-тафаккурнинг бир туридир, дейиш мумкин. Адабиётнинг объекти дунё ва инсон, улар ўртасидаги муносабат бўлгани учун ҳам, ўзгариб бораётган дунё ва уни тафаккур қилишга уринаётган инсон билан бирга адабиёт ҳам ўзгаришда, ривожланишда давомийдир. Шоирнинг “Генетика” шеърида шундай сатрлар бор:

---

1 Жабборов Н. Киноя ва рамзлар замиридаги ҳақиқат. /Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. III китоб. – Т.: Мумтоз сўз, 2014. – Б.7.

Мен ҳам яшаяпман ўз замонимда,
Давримдан қайга ҳам тушардим йироқ.
Ва лекин билмадим менинг қонимда
Қайси бир бобомнинг хислати кўпроқ.

"Шоир шеърларида эътирофдан эътироз кўп эди, – деб ёзади профессор Бегали Қосимов. – У шеърларида шеърдан улуғроқ, нондан азизроқ нарсани излайди. Бу инсоф эди, адолат эди. Бу виждон билан, иймон билан яшаш эди."[1]. Таниқли олим Бегали Қосимов таъкидлаганидек, "шеърдан улуғ, нондан азиз" нарсани излаши, инсоф ва адолатни куйлаши ижодкорнинг адабий дунёқараши, тафаккури, эътиқоди юксаклигини кўрсатади.

Шоир олий даргоҳда таълим олар экан, у ердаги сабоқлардан ҳайратини шундай ифодалайди: "Факультетимизда адабиёт тўгараги муттасил фаолият кўрсатарди. Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов каби устозларимиз биз билан соатлаб машғулот олиб борардилар. Айниқса, Озод Шарафиддинов жуда дадил эди. Москвада бирор асарни қоралаб қолишса, ўша асарни дарҳол ўқиб ўрганиб, ўзимизча баҳосини берардик. Масалан, бадном қилинган Борис Пастернак ҳақида "у ёмон шоир эмас", деган хулосага келганмиз"[2].

Шоирнинг юқоридаги фикрларидан кўринадики, таълим олаётган жараёнда устозларнинг маърузалари катта мактаб бўлиб хизмат қилган. Шоирнинг адабий-эстетик дунёқараши юксалишида беқиёс ҳизмати борлигини шоир эътирофидан англаш мумкин. Ўша даврда ёзилган бир шеърни келтиришни жоиз билдик:

1 Қосимов Б. Абдулла Ориповнинг ижод мактаби. / Уйғонган миллат маърифати. – Т.: Маънавият, 2011. -Б.238.

2 Орипов А. Танланган асарлар.1-жилд. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. - Б.9.

Юлдузлар! Беркинманг тонг туманига,
Кетманг кўзларимни ёшлаб кетгунча.
Якка суҳбатдошим, кетмагин Зуҳрам,
Кетма, сенга айтган шеърим битганча.

Ушбу шеър шоир ўн ёшида битилган. Ўн ёшли ўспириннинг тунни тонгга улаб, юлдузларни кузатгани, якка суҳбатдоши "илҳом"нинг (шоир "Зухрам" деб атайди А.О) ёнидан кетмаслигини хоҳлайди. "Илҳом" эса шоирнинг дардкаши, овунчоғи ва ижодининг мазмун-моҳияти дейиш мумкин.

Абдулла Орипов илк шеърлари матбуотда босилгани ва уларда ҳам устозларнинг хизмати катта бўлганлигини эътироф этиб, шундай ёзади: "Шеърларим матбуотда тез-тез босила бошлади Озод аканинг "Оқ йўли" билан "Шарқ юлдузи"да шеърларим чиқди. Ёзувчилар уюшмасидаги мушоиралардан бирида "Муножотни тинглаб", "Бургут" деган шеърларимни ўқидим, ўша куни Абдулла Қаҳҳор назарига тушдим. Миртемир домла атрофида кўп шогирдлари қатори сабоқ олдим. Шайхзодадек донишманд устозга эргашиб, у киши шеър ўқиган минбардан мен ҳам шеър ўқидим. Эсимда, Эски шаҳардаги ҳозирги "Турон" кутубхонасида ўқиган шеърларимни тингловчилар жуда илиқ кутиб олдилар. Учрашувдан қайтаётганимизда Шайхзода домла билагимдан тутиб, "Шоир, сизга битта гапим бор. Эҳтиёт бўлгайсиз, ишқилиб қарсаклардан талтайиб кетмасангиз бўлгани", деган. Бу гаплар ҳам менинг қулоғимга қўрғошиндай қуйилиб қолди"[1]. Шоир маълум ва машҳур ижодкорлар эътирофига сазовор бўлганлиги, уларнинг "оқ йўли" ва "ўгитлари" боис, у ўзи чиққан катта йўлни муваффақиятли забт этди дея, оламиз.

1 Орипов А. Танланган асарлар.1-жилд. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. -Б.7.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, Абдулла Ориповнинг адабий-эстетик қарашларини намоён бўлишида, болаликдаги кузатув, Аллоҳ берган истеъдод, мактабдан олинган таълим, олий даргоҳдаги сабоқлар, маҳоратни тинимсиз ошириш, устоз сўз санъаткорлари асарларини синчковлик билан ўқиб-ўрганиш, уларнинг эътирофи ва кўрсатган самимий маслаклари замин вазифасини ўтаган дейиш мумкин. Юқоридагиларнинг барчаси шоирнинг адабий-эстетик дунёсини англашда беқиёс хизмат қилган.

Шоир ўз адабий-эстетик қарашларининг нозик ифодаланишида сўздан моҳирона фойдаланади. Зеро, чинакам санъат даражасига кўтарилган сўзгина эстетик таъсирчанликни ҳосил қила олади. Адабиётшунос Ҳ.Умуров адабий-эстетик қарашларни ўзига хос усулда ифодаланишида сўзнинг тутган ўрни ҳақида қуйидагича фикр билдиради: “Бадиий асарда ҳар бир сўз муайян “юк”ни ташиши лозим. Санъаткор доимо минглаб сўзларнинг ичидан энг керагини танлайди; заргарона танланган ана шу сўзлар қаҳрамон ва шароитнинг мазмуни (ғояси), ҳолати билан чамбарчас боғланиши, у аниқ эстетик мақсад (мазмунни) воқе қилиши шарт. Бундан ҳар қандай сўз бадиий асарда ўз “юки”га эга бўлиши керак деган қоида келиб чиқади”[1]. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, Абдулла Орипов ижодида сўзнинг кучи шу даражада улканки, уни англаш ва тушуниш ҳам ўқувчидан катта куч талаб этади.

Кимгадир кел дединг эртага шу пайт,
Яхшилик қилишга демак кўнглинг тўқ.
Эртан сенинг учун мавжудмикан, айт,
Мавжуд бўлганда ҳам балки ўзинг йўқ.

1 Умуров Ҳ. Адабиётшунослик назарияси. – Т.: Халқ мероси, 2004. -Б. 99.

Шоир ҳаётнинг оддийгина бир лавҳасидан улкан мантиқ яратади. Бирор юмушни эртага қолдириш кўпчилигимиз учун оддий ҳол. Аммо ҳеч ким эртанги куни қандай бўлишини, эртага нима содир бўлишини билмайди. Шоир яхши амалларни эртанги кун учун қолдириш катта хато эканлигини таъкидлайди. Зеро, эртага ҳам бор бўламизми ёки йўқ худога аён. Яхшилик қилишни кечиктириш энг улкан хатолардан биридир. Эзгу амални ҳар кун, ҳар он қилиш кераклиги ҳақидаги сабоқни ўзига хос тарзда, сўзларни моҳирона қўллаган ҳолда акс эттиради.

Абдулла Орипов ижодидаги энг етакчи адабий эстетик хусусиятлар ватанпарварлик, ҳалоллик, одиллик, тоза кўнгиллилик каби жиҳатлар саналади. Шоир ижодида айни шу мавзуларга қайта-қайта мурожаат кузатилсада, аммо ҳар гал шоир ўз адабий-эстетик қарашларини ифодалашда ўзига хос тасвир ва усулни топа олади. Ўқувчи ҳар гал шоир ижодидан янгидан-янги адабий озуқа, эстетик завқ туяди. Унинг ижодида мумтоз адабиётдаги дидактикликни ўз замонасига мослаган ҳолатда етказиб бериши ва тасвир этиши билан характерли. Аслан, чинакам ижодкорнинг тафаккур олами, эстетик дунёси оддий инсонникидан анча фарқ қилади, ўсувчан, такомиллашувчан характерга эга бўла олади. Чинакам ижодкор ўз адабий-эстетик қарашлари ила бошқаларнинг ҳаётига ҳам нур ва зиё олиб кира олади. Абдулла Орипов ижодида айни шу нур, зиё мавжуд.

Иккинчи боб бўйича хулосалар:

1. Абдулла Орипов миллий адабиётимизнинг ўзигача бўлган деярли барча шоиру адиблари ижодий ютуқларини қунт билан ўрганган. Улар ижодидаги бадиият сирларидан ўзи учун зарур хулосаларни

чиқарган. Асарларида улар эришган муваффақиятларни янги поэтик кашфиётлар билан бойитган.

2. Абдулла Орипов сиёсий қатағонлар, мафкуравий тазйиқлар натижасида шаклланган оломончилик руҳиятидан изтироб чеккан ва оломоннинг халқ бўлишини орзу қилган эди.

3. Абдулла Орипов ижодида миллий руҳ ва юксак бадиият уйғунлигини мезон сифатида акс этади. Бу ҳолат тарихийлик принципларида кўзга ташланади. Тарихий образлар миллий хусусиятларни бадиий ифодаси учун манба вазифасини ўтайди.

4. Шоир салафларини ўзига нафақат ижодда, балки маслак ва яшаш тарзида ҳам устоз деб билади. Уларнинг бири шоир учун ҳақиқат, иккинчиси мардлик, учинчиси курашувчанлик, тўртинчиси эса одамийлик тимсолидир.

5. Абдулла Орипов ижтимоий-биографик шеърлари шоир ижодининг энг нозик қирраларини, ўзига хос хусусиятларини очиб беришга хизмат қилади. Бу руҳдаги шеърларда ҳаётий воқеа- ҳодисалар лирик кечинма сифатида бадиий аксини топади.

III БОБ. АБДУЛЛА ОРИПОВ ЛИРОДРАМАТИК АСАРЛАРИ ВА БАДИИЙ ПУБЛИЦИСТИКАСИДА ОДАМ, ОЛАМ, ШЕЪР ВА ШОИР МАСАЛАЛАРИ

3.1. Лироэпик ва драматик асарларнинг герменевтик, бадиий-эстетик хусусиятлари

Бадиий асарни англаш ва ҳис этишга уриниш жараёни адабиёт яралибдики мавжуд ҳодисадир. Ижодкор феноменидан ҳар бир шахс ўз характер ва дунёсига оид нимадир излайди ва ўз кечинмаларига таъриф топишга интилади. Айни шу интилиш ҳодисаси ўлароқ ўқувчи бадиий асар таҳлилига киришади. Ҳар бир индивид бадиий асарни ўз шахсий оламидан келиб чиқиб таҳлил этади ва шу аснода назариялар вужудга келади. Таҳлилнинг назарий асоси герменевтика ҳисобланади. Айни шу жиҳатдан бадиий асар герменевтикаси тушунчаси, ўзи умуман герменевтика соҳаси такомиллашиб, ўзгаришга учраб турадиган ҳодисадир. Биргина асарга ёндашув турли ракурсларда акс этиши мумкин. Кимдир бадиий асарни оддий ўқувчи сифатида, бошқа биров назариётчи сифатида, яна кимдур адабиётшунослик нуқтаий назарига кўра таҳлил этади, бир асарни турли томонлама англашга интилиш ҳодисаси кузатилади. Профессор Баҳодир Каримов тушуниш ва таҳлил этиш ҳақида “Герменевтик метод ” мақоласида алоҳида тўхталиб ўтади: “Тушуниш – бошқа бир инсоннинг маънавий-руҳий оламини англаш, ҳис этиш, унинг мақсад, ғоя ва ниятларини уқиб олиш демакдир. Чунончи бадиий асар соҳиби ўз қалбида кечаётган туйғуларни, инсон ва борлиқ хусусидаги ҳиссий қарашларини қоғозда тўлиқ ифо-

да эта олмайди. Шу сабаб муаллифнинг маънавий дунёси, бадиий олами матнда ифодаланган мазмунга нисбатан анча кенг бўлади”[1]. Б.Каримов таъкидлаганидек, ижодкор қоғозда тўлиқ акс эттиролмаган ҳиссий қарашларини герменевт тушунмоғи, таҳлил қилмоғи жоиз. Муаллиф олами чексиз ва поёнсиз. Айни шу поёнсизлик қанчалик узун бўлса, бадиий асарнинг таҳлили ўзига хос ва такрорланмас бўлади. Масалан, биргина Навоийнинг асарлари бадииятини, назариясини аниқлаш, ўрганиш, таҳлил қилиш мана беш асрдирки давом этиб келмоқда. Аммо ҳали-ҳануз поёнига етгани йўқ. Навоий асарлари герменевтикаси ниҳоятда чуқур ва бепоён. Унинг ҳаддига етмоқ мушкул жараён. Айни шу ҳолат Навоийнинг кимлигини, асарларининг даражасини кўрсатиб беради.

Чинакам шоирнинг ижод намуналари жамият ва унинг тараққиёти, инсон ва унинг тафаккури тадрижи, миллий ва умумбашарий қадриятлар ривожи учун хизмат қилади. Айни шу жиҳатдан, Абдулла Орипов ижоди герменевтикасини ўрганиш бугунги глобаллашув даврида миллий ахлоқ ва қадриятларни асраб қолиш ҳамда миллатнинг адабий диди ва идроки, бадиий-эстетик тафаккурини юксалтиришда алоҳида ўрин тутади. Шоирнинг лиро эпик ва драматик асарларининг герменевтик функциясини ўрганиш Абдулла Орипов ижоди учун, айниқса, муҳим ҳисобланади. Унинг асарларини чуқурроқ таҳлил қилиш учун бу жиҳат аҳамиятли. Шоирнинг “Ҳаким ва ажал”, “Жаннатга йўл”, “Ранжком” достонлари ва “Соҳибқирон” драмаси бу вазифани очишда объект бўлиб хизмат қилади. Лиро эпик ва драматик асарлар таҳлили мураккаб жараён бўлиб, бу ҳо-

1 Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2016. -Б.211.

латда таҳлилда тарихийлик, мажозийлик, бадиийлик, ҳаётийлик, тарбиявийлик каби принципларга таяниш муҳим аҳамият касб этади. Бу асарларнинг герменевтик функциясини аниқлаш алоҳида ёндашувни тақозо этади. Чунки бу асарларда фалсафийлик етакчи хусусият бўлиб, адабиёт ва фалсафанинг уйғунлиги таҳлилни чуқурлаштириш баробарида мураккаблаштиради ҳам. Зеро, шоир ижодида туб моҳиятан фалсафийлик кучли ва бўртиб туради. Абдулла Орипов ижодида фалсафанинг ўрни ва унинг вазифаси ҳақида тўхталиниб, “Адабиёт ва фалсафа иккиси қўшилган тақдирда қандай ҳол содир бўлади?” дейилган саволга шоир: “Ўшандагина муҳим проблемалар кўтарилади, ёрқин типлар (улар образлардан юқори туради) пайдо бўлади”[1], - дея жавоб беради. Кўриниб турганидек, Абдулла Орипов лиро эпик ва драматик асарлари герменевтикаси энг аввало, фалсафийлик билан уйғунлашади. Шоир асарлари туб моҳиятини англаш ва таҳлил этиш осон ҳодиса эмас.

Абдулла Орипов достонлари кўпфункциявийлик хусусиятига эга. Муаллиф достонларни яратиш жараёнида бадиийлик билан бир қаторда тарбиявийлик, ижтимоийлик каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратадики, айни шу ҳолатлар бадиий асар герменевтикасини чуқурлаштиради. Хусусан, “Жаннатга йўл” достонида Абдулла Ориповнинг адабий-эстетик қарашлари яққол акс этади. Асарда одамларнинг эзгуликдан, яхшиликдан узоқлашиб боргани англашилар экан, дунёнинг бузилиб кетишига ҳам инсонларнинг ўзи айбдор эканлиги ифодаланади. Тарозибон тилидан айтилган:

Марҳаматни дариғ тутмай қодир Худойим,
Одамзодни санамасдан яратган экан.

1 Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. – Т.: Ёш гвардия, 1988. -Б.112.

Кошки булар фариштага ўхшаса сал-пал,
Шулар келиб бу дунё ҳам бузилиб кетди.

“Асосида эпик воқелик ётадиган бадиий асарга қўйиладиган шартлардан бири қизиқарлиликдир. “Жаннатга йўл” сюжети учун ҳам қизиқарли воқеалар занжири асос қилиб олинган. Бу сюжет муаллифнинг катта тарихий, диний, ахлоқий, ижтимоий ҳақиқатларини билишидан далолат қилади. Гуноҳ ва савоб деярли фарқланмай қолган, даҳрийлик байроқ қилиб олинган бир даврда диний сюжетга қўл уришнинг ўзи бўлмайди ҳар ҳолда”[1].

Абдулла Орипов достонлари ва драмалари талқини моҳиятан чуқур мазмунга эга. Ижодкорнинг бундай асарлари талқини ва таҳлили аниқ назарий асосларни, бадиий ёндашувни, қолаверса, диний билимни ҳам талаб этади. Дунё адабиётида шундай ҳодисалар бўладики, баъзан бошқа-бошқа миллатларга мансуб буюк ижодкорлар бир-биридан бехабар ҳолда ўзаро ўхшаш мавзуларда асарлар яратади. Энг қизиғи, бунда мавзунинг ўзаро яқин экани ҳар икки асарнинг оригиналлигига заррача бўлсин халақит бера олмайди. Ҳеч бир жиҳатдан улар бир-бирини такрорламайди. Бунинг сабаблари, бизнингча, қуйидагилардир: 1) ҳар бир ижодкор услубининг ўзига хослиги; 2) мавзуга ёндашув мезонларининг фарқланиши; 3) поэтик тасвирдаги индивидуаллик. Ушбу адабий-эстетик ҳодисанинг яна бошқа тури – бир ижодкорнинг иккинчисидан таъсирланиши натижасида ҳам мутлақ мукаммал, оригинал асарлар дунёга келиши мумкин. Бундай асарларни қиёсий ўрганиш бадиий адабиёт сирларини, шунингдек, ижодкор руҳиятини англашда алоҳида аҳамиятга эга. Оврўпо Уйғониш адабиёти-

1 Ғаниев И. Афоқова Н. Абдулла Ориф фалсафаси. – Т: Муҳаррир, 2021. -Б.107.

нинг асосчиси Данте Алигьерининг “Илоҳий комедия” ва ўзбек шоири Абдулла Ориповнинг “Жаннатга йўл” драматик достонлари худди шундай асарлар сирасига киради. Аммо бу икки асар аро умумий ва хусусий жиҳатларнинг майдонга келиш жараёнлари тамомила ўзгача қонуниятлар маҳсулики, диссертацияда имкон қадар шу масалага диққат қаратишга уринамиз.

Бу асарлар муаллифлари инсон руҳиятини қанчалик теран очиб берган мутахассисларга маълум. Улкан адибларнинг, улуғ шоирларнинг, катта истеъдод эгалари нигоҳининг нақадар ўткирлиги жамиятдаги ҳодисаларни бадиий асарга кўчирганда улар замиридаги яширин ҳақиқатларни қанчалик нозик ҳис этиши, бу воқеаларни синчиклаб таҳлил қила билиши, улардан бадиий умумлашмалар чиқара олиши билан ҳам белгиланади. Бу икки асарни ўзаро қиёсий ўрганиш ана шу жиҳатдан ҳам зарур.

Абдулла Орипов Данте Алигьерининг “Илоҳий комедия” (1975) асари “Дўзах” қисмини ўзбек тилига таржима қилди. Ушбу асарнинг ўзбек халқи маънавий мулкига айланишида ана шу таржиманинг ўрни беқиёс. Шоир “Дантенинг безовта руҳи” мақоласида (1983) улуғ италян адиби ватанига саёҳати натижасида одам ҳамма жойда ҳам одам экани, шафқатсиз тузум, бойликка ҳирс, шуҳратпарастлик ва қашшоқлик шундайлигича ҳам иллатлардан холи бўлмаган инсон руҳиятини вайрон қилиши, одам боласини ёвуз бўрига айлантириб қўйиши ҳақидаги хулосаларини изҳор этар экан, Дантени ҳам худди шу каби ўйлар қийнаганини ёзади.

Қисқача “Жаннатга йўл” достонининг ўрганилиш тарихи ҳақида:

Абдулла Ориповнинг “Жаннатга йўл” достони жуда чуқур ўрганилмаган бўлса-да, бу асар ҳақида

ҳам бир неча мақолалар ёзилган, мулоҳазалар билдирилган. Узоқ Жўрақулов “Армон талқинлари” мақоласида достондаги Йигитнинг висоли насиб бўлган жаннатмакон онаси ҳузурини армон билан тарк этиши хусусида ёзар экан, муҳим умумлашмалар чиқаради. Она ҳузурига қайтиш учун гуноҳлардан пок бўлмоқ талаб этилиши, бунинг учун шоиргина эмас, жамият ҳам комил бўлиши зарурлиги, Йигит армонининг сўнгсизлиги сабаби шунда экани ҳақидаги олим хулосалари, айниқса, аҳамиятлидир.

Акрам Ҳамдамовнинг номзодлик диссертациясида шоир шеъриятида, жумладан достонларида халқона поэтик тафаккурнинг ифода этилиш усуллари, ушбу муаммонинг бадиий талқини хусусида эътиборга молик фикрлар билдирилган[1].

“Абдулла Орипов ҳақида” номли мақоласида Дониёр Бегимқулов: “Шоирнинг бу драматик достони даврнинг бадиий-эстетик моҳияти тагзаминли ижтимоий, ғоявий йўналишдан туриб пухта таҳлил этилганлиги, юксак бадиий пафоси билан ўзбек достончилигида муҳим ютуқ бўлди”, дея эътироф этади[2].

Бу сингари бир қанча тадқиқотлар, мақолалар эълон қилинган бўлишига қарамай, Данте Алигьеринининг “Илоҳий комедия” ва Абдулла Ориповнинг “Жаннатга йўл” достонлари ўзбек адабиётшунослигида ҳанузгача тўлақонли ўрганилган эмас. Уларнинг қиёсий таҳлили эса мутлақо амалга оширилмаган. Шунинг учун ҳам ана шу икки улкан бадиий ҳодисани бир-бири билан қиёслаб ўрганишга жазм қилдик.

1 Қаранг: Ҳамдамов А. Абдулла Орипов шеъриятида халқона поэтик тафаккур муаммоси: фил. фан. номз... дисс. – Т., 2011.

2 Бегимқулов Д. Абдулла Орипов ҳақида. /Орипов А. Танланган асарлар. Ж.7. – Т.: Sharq, 2011. –Б.347.

Қисқача бу икки бадиий обиданинг яратилиш тарихи ҳақида. “Илоҳий комедия” Данте Алигьери ижод этган асарларнинг бадиий ва ғоявий жиҳатдан энг юксаги ҳисобланади. Шоир бу асарини дастлаб “Комедия” деб атаган. Асар таржимони Абдулла Ориповнинг ёзишича: “...бу асар воқеалари кўринишдан “нариги дунё”да кечса ҳам, унинг марказида ҳақиқат ахтарган жафокаш инсон, иқболи нигун доҳий санъаткор образи турибди. Шунинг учун бўлса керак, бу асарни “Дантенома” деб ҳам аташади. “Илоҳий комедия” ёзилган даврларда, комедия ҳозиргидек кулги аралаш саҳна асарини эмас, балки умуман бадиий шаклни, хусусан, йирик шеърий лавҳаларни ҳам англатган. Кейинги асрлардагина Бокаччио уни қайта нашрга тайёрлаётиб, “Илоҳий комедия” деб атаган”[1]. Бундай номланишига сабаб, асарнинг бадиий жиҳатдан мукаммаллиги; инсонни ҳаёт ва ўлим, яъни охират ҳақида фикр юритишга ундашидир. Асар “Дўзах”, “Аросат”, ва “Жаннат” деб номланган уч қисмдан иборат. Ҳар бир қисм 33 та қўшиқдан ташкил топган. Биринчи қисмдаги дебоча билан умумий 100 қўшиқдан иборат. Унда муаллифнинг устози Вергилий кўмагида охиратга қилган саёҳати тасвирланади. Дантенинг бундай асар яратишига сабаб муҳаббати бўлмиш Беатриченинг барвақт ўлимидир. Бу йўқотишдан у қаттиқ таъсирланади, шундан сўнг ҳаёт ва ўлим тўғрисида фалсафий фикр юрита бошлайди ва “Илоҳий комедия” асарини дунёга келтиради.

“Илоҳий комедия”даги сингари “Жаннатга йўл” достонида ҳам воқеа-ҳодисалар охиратда содир бўлади. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов билан суҳбатда “Илоҳий комедия” қачон таржима қилингани ва “Жаннатга йўл”нинг ёзилиш санаси

1 Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. – Т.: Ёш гвардия, 1988, - Б.49.

билан қизиқдик. Устоз шоир бу ижодий жараён деярли бир вақтда содир бўлганини айтди. “Жаннатга йўл”ни ёзишда “Илоҳий комедия”дан таъсирланганмисиз?” – деган саволга эса, ижодкор: “Илоҳий комедия” шундай буюк асарки, ундан таъсирланмаслик мумкин эмас” – деб жавоб берди. Шунинг баробарида, муаллиф “Жаннатга йўл”ни ёзишда муборак бир ҳадисдан таъсирлангани ҳақида сўзлаб берди. Бу ҳадис мазмунига кўра, охиратдаги ҳисоб-китоб вақтида инсонга ота-онаси ҳам, бошқа қариндошлари ҳам ёрдам бера олмаслиги, фақат ҳақиқий дўстгина унинг оғирини енгил қилиши мумкинлиги зикр этилган экан. Бундан “Жаннатга йўл”нинг асосий ғояси ана шу муборак ҳадис таъсирида туғилгани маълум бўлади.

“Илоҳий комедия” Европа адабиётига хос ҳар бир банди уч мисралик анчайин мураккаб шеърий шакл – терцинада ижод қилинган. Абдулла Орипов эътирофича: “...терцинада уч қатор баравар келаверади. Лекин уч қатор баравар бўлгани билан қофиялар занжир бўлиб, бир-бири билан боғланиб кетаверади. Шарқ мумтоз адабиётидаги аруз вазнининг бузилиши қанчалик сакта бўлса, бу ерда терцинанинг бузилиши ҳам шеърий жиноятга айланиб кетиши мумкин”. Қуйидаги фикр эса, таржимоннинг қанчалик заҳматли меҳнатни амалга оширганини ҳис этиш имконини беради: “Асарда агар бир сатрнинг иккинчиси билан қофияси бузилса, шу иморат таг-туги билан нураб кетади. Занжир узилади! Мен бу билан катта бир ишни бажардим, деб айтишни хоҳламайман. Лекин воқеликка объектив баҳо беришим керак”[1].

Бадиият – бу, биринчи навбатда, беқиёс рамз ва тимсоллар дунёси, оҳорли образлар олами демак-

1 Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Тўртинчи жилд. – Т.: Адабиёт ва санъат, 2004. – Б.135.

дир. Ҳар икки асар рамз ва тимсолларга бой. Энг эътиборли жиҳати, улар бу жиҳатдан ҳам бир-бирини зинҳор такрорламайди.

Ердаги умримнинг ярмини юриб,
Зулмат водийсида адашиб қолдим.
Боқсам, бир ўрмонга кетибман кириб.

“Илоҳий комедия” ана шу мисралар билан бошланади. Бу асарда бош образ Дантенинг ўзи. Унинг ўрмонда адашиб қолишида Италиянинг ўша давр ижтимоий-сиёсий муҳитига ишора бор. Умуман олганда, асарда ўрмон – бу биз яшаб турган ҳаёт, яъни фоний дунё рамзи ўлароқ намоён бўлади. Данте ҳаётда шу қадар адашдимки, бундан кўра ажал ҳам яхши эди дейди:

Даҳшатларга тўла ўрмон эди у,
Эсдан чиқаролмай неча йил толдим
Ҳатто ажал ундан туюлгай эзгу.

Баланд тоғдан тушиб келар экан, шоир олдидан қоплон, арслон ва қашқир чиқиб, йўлини тўсади. Бу уч ҳайвон – асарда нафс рамзи сифатида келган. Қоплон – сохтакорлик ва сотқинлик тимсоли бўлса, арслон – мағрурлик ва зўравонлик; қашқир эса, очкўзлик ва такаббурлик рамзларидир.

Зулматда қолган Дантенинг қаршисидан устози Вергилий чиқади ва уни бу қоронғиликдан олиб чиқажагини, Дўзах ва Аросатдан олиб ўтажагини, Жаннатга эса Беатриче орқали етишишини айтади.

Асарда Вергилий – йўлбошчи, пир тимсоли. У ўз шогирдини Жаннатга эришиши учун зарур бўлган босқичлардан олиб ўтишини таъкидлайди. Беатриче эса – илоҳий ишқ рамзи. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида Мажнун Лайлининг тимсолида Аллоҳнинг васлига интилади, бу йўлда турли босқичларни босиб ўтади. Шундан келиб чиқиб, Дантенинг муҳаббатини ҳам икки томонла-

ма изоҳлаш мумкин. Биринчиси, мажозий ишқ бўлиб, Данте ҳаётда чиндан ҳам Беатричени севади ва унинг ўлимидан қаттиқ изтиробга тушади. Иккинчиси, илоҳий ишқ бўлиб, у Беатриче тимсолида Аллоҳнинг васлини мушоҳада этади. Асардаги доиралар рамзи эса, бизнингча, инсонларнинг дунё ҳаётида қилган ёмонликларига кўра жойлаштирилишини англатади. Яъни доиралар – бу даражалар кетма-кетлигидир.

"Жаннатга йўл" достонидаги рамзлар ва тимсоллар, табиийки, ўзига хос; "Илоҳий комедия"дагига ўхшамайди. Асардаги Тарозибон – инсонларни эзгуликка чорлаш тимсоли. Диний-маърифий манбаларда охиратда гуноҳу савоблар мезонга, яъни тарозига солиниши зикр этилади, бироқ айнан тарозибон ҳақида сўз юритилмайди. Бадиий асар бўлгани учун ҳам "Жаннатга йўл"да бундай тимсолнинг қўлланиши ўринли. Асарда тарозибон ҳатто кимнинг жойи жаннатда, қай бириники дўзахда, яна қайсиси аросатда эканини ҳам эълон қилади. Жумладан, Ўзга одам Тарозибонга титраб яқинлашар экан, унга нисбатан мана бундай ҳукм янграйди:

Бу ёққа тур. Исминг нима? Хожати ҳам йўқ.
Тамға босиб қўйган экан сенга Оллоҳим
Сенинг жойинг аросатда. Кўнглинг бўлсин тўқ.

Ўзга одам – умрини бесамар ўтказаётган, на ўзига, на жамиятга наф етказадиган кимсалар тимсоли. Табиийки, унинг қилмиши одамийликка ёт. Асарда унга исм қўйилмагани сабаби ҳам шунда. Ўзга одам – ана шу номнинг ўзиёқ бу тоифадагилар устидан чиқарилган поэтик хулоса.

Ҳур қиз – вафосизлик тимсоли. У инсон нима учун яратилганини, аёл зотининг зиммасида қандай масъулият борлигини англамай ўтган. Она томонидан айтилган мана бу мисралар фикримизни тасдиқлайди:

Ҳа, Ҳур қизнинг у дунёси қорадир бутун,
У қисматга бўй бермаган, қисмат бунга ёв
Бегонадан хуфя совға олгани учун
Бўғиб кетган буни бир кун бўлажак куёв.

“Бегонадан хуфя совға олиш” – унаштирилган қизнинг бундай қилмиши шарқона удумга хилоф. Шунинг учун ҳам асарнинг бу қаҳрамонига мана бундай баҳо берилади: “у дунёси қора”. “Илоҳий комедия” ва “Жаннатга йўл” асарларидаги рамз ва тимсоллар ўзига хос. Уларда ўхшаш жиҳатлар бўлмаса-да, ҳар бири ўзига хос чуқур маъно-мазмунга эга. Ҳар икки асардаги бу рамз ва тимсоллар юксак бадииятни таъминлашга хизмат қилган.

“Илоҳий комедия” ва “Жаннатга йўл” асарларида айрим муштарак жиҳатлар ҳам бор. Аввалambор, ҳар иккаласида воқеа-ҳодисалар охиратда юз беради. Данте ўз дунёқарашидан келиб чиқиб, буюк шахсларнинг Дўзах, Аросат ёки Жаннатдаги ҳаётини тасвирлайди. У христианлик мезонларига таянган холда шарқ мутафаккирларидан Ибн Сино, Ибн Рушд каби буюк сиймолар ва яна Цезар, Афлотун, Суқрот, Демокрит, Гераклит, Гиппократ каби улуғ шахсларни Дўзахнинг биринчи доирасида яъни христиан динига мансуб бўлмаган шахслар жойлаштириладиган доирада тасвирлайди.

Абдулла Орипов эса Ўзга одамни Аросатда, йигитни Дўзахда, ота-онасини Жаннатда тасвирлайди. Бунда у мезон сифатида Қуръони карим ва ҳадиси шарифга таянади. Икки ижодкор ёндашувидаги бу тафовут, биринчи навбатда, уларнинг дунёқараши, эътиқоди билан боғлиқ. Иккинчидан, Шарқ ва Ғарб менталитети ҳам бунда ўз сўзини айтган, дейиш мумкин.

Яна бир муштарак жиҳати, иккала асарнинг ҳам бош ғояси инсон ва унинг моҳиятини англаш экани

билан белгиланади. Улардан келиб чиқадиган хулоса: одам болалари умрини беҳуда ишларга сарфламаслиги, дунё ва охиратини обод қилиш ҳақида қайғуриши зарур. “Жаннатга йўл” достонида ушбу муаммо талқини тамомила ўзига хос. Жумладан, асарда тасвирланишича, бир мўйсафид чол етти марта ҳажга борган, бор-йўғи бир мартагина отасини сансирагани учун унинг аслида савоб саналган бу амали қабул бўлмаган. Шоир бу орқали инсон ҳар қанча савоб ишларни қилмасин, ота-онасини ҳурмат қилиб, уларнинг розилигини топмаса, унинг амали беҳуда кетиши ҳақидаги машҳур ҳадиси шариф мазмунига ишора қилади. Асардаги Ўзга одам қисмати аянчли: у на гуноҳ ва на савобга қўл урган. Аросатга тушиши сабаби шунда. Зеро, одам болалари ўзга жонзотлардан ақлу тафаккури билан ажралиб туради. Шу боис у азиз умрини имкон даражасида эзгу амалларга сарфламоғи керак – бу образ замирига сингдирилган маъно, муаллифнинг бадиий нияти – ана шу.

Жаннатга киришига икки пайса етмаган Йигит образида ҳам ибратланиш зарур бўлган жиҳатлар талайгина. Жумладан, у бировга ёмонлик қилмаган бўлса ҳам, тамагир, товламачи, текинхўр инсонларни кўра билиб туриб, уларни йўлдан қайтармаган. Бундай лоқайдлик, табиийки, жазосиз қолмаган. Инсон – яралмишлар афзали. Шу боис у умрнинг ҳар бир лаҳзасини эзгуликка сафарбар этиши зарур. Бу эса, ўз навбатида, уни икки дунёда азизу мукаррам этади – Йигит қисматидан муаллиф чиқарган поэтик хулоса ана шундай.

Бир қария ётар эди менинг ёнимда,
Ўғли унинг тепасига қўйди улкан тош.
Бироқ бир кун иблис кирди ўғил қонига,
Ўғил бир кун таъмасини айлаб қўйди фош:

Қабр тошда ўзин исми ёзилмай қолмиш,
Сангтарошни олиб келди бир кун у нокас
Ва ўз исмин ўйдирди ҳам, бу савоб эмиш,
Йўқ бу савоб аталмагай, манманлик, холос.

Ота қабрига тош қўйгач, сангтарошни олиб келиб, ўз исмини ўйиб ёздирган ўғил хусусида ёзар экан, муаллиф "унинг қонига иблис киргач, у таъмасини фош этгани; бу савоб эмас, манманлик" экани хусусидаги бадиий ҳукмни чиқаради. Унинг бу тошни кўрган инсонлар фалончи азамат қўйдирган экан дейишини исташи, отасини эмас, ўз обрўсини ўйлаши ҳақидаги мисралар ўқувчини чуқур мушоҳада юритишга чорлайди. Шоир Ота номидан, кўряпсанми, инсон зоти манманлиги йўлида ҳатто ўлимдан ҳам фойдаланади, деган бадиий умумлашма чиқаради.

Қабристондан ўтиб қолган бирорта кимса
Ҳашаматли мармар тошни кўриб қолган он,
О, бу тошни қўйган фалон азамат деса,
Ота эмас, ўз обрўсин билган у инсон.

Юқоридаги мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, Данте Алигьерининг "Илоҳий комедия" ва Абдулла Ориповнинг "Жаннатга йўл" асарлари том маънода мураккаб ва зиддиятли жараён – ўзликни англаш йўлининг ўзига хос бадиий талқини ўлароқ ижод этилган. Мавзу бир қадар яқин бўлишига қарамай, қўлланган рамз ва тимсоллар моҳияти, поэтик талқин, муаллифлар бадиий нияти ва ижодий услуб нуқтаи назаридан бу икки асар бир-биридан кескин фарқ қилади.

Абдулла Орипов лиро-эпик асарларида ҳаётий воқелик ўзига хос усулда гавдаланади, муаллиф образлар замирига энг улуғвор адабий қарашларни сингдиради. "Жаннатга йўл" драматик достонининг герменевтик функцияси адабий-эстетик қарашлар-

нинг етакчилиги, умумбашарий ғоялар устуворлиги билан характерлидир. Инсон жаннатга интилиш йўлида энг аввало ҳаётнинг моҳиятини англаши, умр мазмуни нимада эканлигини топиши асардаги энг муҳим талқиндир.

Абдулла Ориповнинг “Ҳаким ва ажал” достонида ҳам умрнинг ҳикмати, ҳаётнинг мазмуни ҳақида гап кетади. ““Ҳаким ва ажал” достони шоир ижодида алоҳида ўрин тутади. Унинг шеърларида халқчил шакллар излашга, жумладан, халқ ривоятлари, афсона ва латифаларини қайта ишлаб, улардан теран фалсафий фикрлар, муҳим фавқулодда умумлашмалар чиқаришга эътибор кучли. Бу, айниқса, унинг достонида яққол кўринади”[1] Абдулла Орипов ўз ижоди мобайнида бадиий қарашларини, ғояларини маълум бир образ воситасида очиб беришга алоҳида эътибор қаратади. Унинг ижодида айниқса тарихий шахслар образи, улардан мақсадли фойдаланиш муҳим ўрин тутади. Ижодкор тарихдаги қайсидир образни танлар экан, айни шу образга ўзининг бадиий мақсадини сингдиради, ифодаламоқчи бўлган қарашларини ифодалайди, айтмоқчи бўлганларини, ўйлаганларини айтади. Айниқса, ижодкорда фахр туйғуси кўпгина ўринларда яққол сезилади. Шоир ўз ўтмиши, ота-боболари билан ғоятда фахрланади. Бу ҳолатнинг тасдиғини “Карвон” номли адабий хотирада кўришимиз мумкин: “Мен инсон боласини назар писанд қилмайдиган, қадимий Римнинг Ибн Сино номи билан аталадиган кўчасида кезиб юрарканман, “Сен кимсан, қайси юртдансан?” деб сўраган кимсаларга “Мен шу кўчангга номи қўйилган зотнинг ҳамқишлоғиман” деб жавоб бераман”[2].

1 Абдулла Орипов замондошлари хотирасида. – Т.: Adabiyot, 2021. - Б. 73.

2 Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. – Т.: Ёш гвардия, 1988. - Б.188.

Кўриниб турибдики, шоир қаерда бўлмасин, ўз ўтмиши, аждодлари билан фахрланади. Аммо фақатгина фахр туйғуси шоир учун етарли эмас. Уларга муносиб авлод бўлиш ҳисси унинг юрагида яшайди. У нимадир қилишга, уларга муносиб бўлишга интилади, бошқаларга ҳам айни шуни тушунтирмоқчи, англатмоқчи бўлади. “Ҳаким ва ажал” достони улуғ шоир ижодий нияти ва бадиий-эстетик идеали маҳсулидир. Достонда муаллиф Ибн Сино уни ҳаёт, умр ҳақидаги қарашларини, орзу-мақсадларини, армонлари-ю ўйларини тасвирлар экан, аслида ҳар бир инсон умрини таҳлил этишга, англашга уринади. Асарда Ибн Сино тилидан айтилган:

Ўлар бўлса инсон агар туғилмоқ нега?
Наҳот мен ҳам яшаяпман ўлмоқлик учун –

каби мисралар ўз умрини мушоҳада қилгувчи, яшамоқлик маъносини англашга интилувчи ҳар бир инсон учун мос келади. Ўз умрини илм-у урфонга бахшида этган, ҳаётий маслаклари аниқ бўлган зотнинг бу каби кечинмалари ҳар бир инсонни ўйлашга, фикр юритишга ундайди. Бу асар талқинига чуқурроқ кириш натижасида нафақат Ибн Сино даҳосини англашга, Абдулла Орипов истеъдодини ҳис этишга, умр моҳиятини тушунишга муваффақ бўламиз. Асарнинг бадииятини, жозибасини тушунганимиз сари Абдулла Орипов феномени кўз олдимизда ёрқинроқ гавдалана бошлайди. Зеро: “Тушуниш бир томондан матн моҳиятини, иккинчи томондан талқин этувчининг маънавий дунёси ва билимини кўрсатади”[1]. Демакки, Абдулла Орипов асарларини тушуниш талқин этувчидан ҳам чуқур билимни, мушоҳадани талаб этади. Шоир кечинмалари талқин жараёнида таҳлилчига ҳам кўчади ва

1 Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2016. - Б.212.

нафақат назарий, қолаверса, бадиий асосга ҳам эга бўлади. Ҳаким ва ажалда Табибнинг:

Ҳаким деди: - икки нарса мубҳам мен учун
Бири ажал, бири эса муҳаббат дарди, –

каби иқрори, буюк зотнинг аслида оддий инсон эканлигини, у ҳам ҳаёт қонуниятлари-ю муқаддас туйғулар қаршисида таслимлигини кўрсатади. Асарнинг герменевтик функцияси шуни кўрсатади, шоир ҳаёт маъносини излайди. Бунинг жавобини топиш учун баъзан ўтмишга, баъзан у дунёга юзланади. Саволларига жавоб излайди. Энг муҳими шоирнинг бадиий қарашлари фақатгина фалсафий мушоҳадалардангина иборат бўлиб қолмай, шеърнинг ўзига хос жозибасини, нафосатини, шоирнинг маҳоратини ўзида мужассам этарди. Бу асар ҳақида атоқли ижодкор Тўлепберген Қаипбергенов қуйидагича фикр билдиради: "Ҳаким ва ажал" достонидаги бу сўз "табиб" маъносидан ҳам аввалроқ "ҳикмат эгаси", "ҳикмат соҳиби", "файласуф" маъноларини англатади. Ота-боболаримиз "Суқроти ҳаким", "Луқмони ҳаким" бирикмаларини бежиз қўлламаганлар. Зотан, ҳаким – фалсафий тафаккур ва ҳикматли гапнинг Алпомишидир. Абдулла Орипов нафақат буюк ҳаким-аллома, файласуф Абу Али ибн Сино ҳақида ўлмас асар яратди, балки ўз ижоди билан Аҳмад Яссавий асос солган фалсафий шеъриятимизга қайта жон ато этди десам, ўйлайманки, муболаға қилмаган бўламан"[1].

Абдулла Орипов асарлари таҳлили ва талқинида эътибор қаратиш зарур бўлган яна бир жиҳат мавжудки, бу асар сарлавҳаси, яъни номидир. Асарга номни танлай олиш ҳам аслида ижодкор муваффақияти омилларидан биридир. Абдулла Орипов

1 Орипов А. Замондошлари хотирасида. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2021. - Б.54.

деярли ҳар бир асарида айни шу муваффақият тенденциясига эриша олган дейиш мумкин. “Ранжком” достонида айни шу фикрлар ўз тасдиғини топади. Ўзбек тилидаги “ком” қўшимчасининг функциясидан фойдаланган ҳолда муаллиф янги бир истилоҳ яратади. Инсонларга озор бериш, ёмонлик қилиш билан шуғулланадиган ташкилотга “Ранжком” деган ўзига хос ном топди.

Биз маънавий ташкилотмиз – “Ранжком” миз яъни

Ўзгаларни ранжитмоқлик бизнинг ишимиз
Баб-баробар “сийла” гаймиз барча-барчани,
Дуч келганга қадалади ўткир нишимиз.

Ўзгаларни ранжитадиган ташкилот тузилишининг ўзиёқ шоир бадиий тафаккури нақадар кучли эканлигини англашимизга имкон беради. Аслида, жамиятда барчага озор-у ситам бериб юрадиган гуруҳларнинг борлиги рост. Шоир ана шу гуруҳларга ном топади, бадиий янгиликка интилади. Асарда “Ранжком” ташкилотидагиларга қарама-қарши образ сифатида ижодкор “фаррош аёл” образини танлайди. Нега айнан аёл образи. Ахир бутун бошли бир ташкилот зидди учун кучлироқ бирор бир қаҳрамонни ҳам танлаш имкони бор эдику. Бу ўринда Абдулла Орипов суҳбатларнинг бирида аёл ҳақида айтган фикрларини келтириб ўтиш жоиз: “Инсониятни ҳам бирлаштириб, умумлаштириб турадиган ҳиссиёт бор. Бу – муҳаббат, меҳр туйғуси. Назаримда, бу туйғунинг сарчашмаси аёл, дояси она. Аёл, она бўлмаса, меҳр-муҳаббат туйғуси йўқдай. Инсоният адашиб кетадигандай, йўлини йўқотадигандай”[1]. Кўриниб турибдики, Абдулла Орипов учун аёл ҳеч қачон енгиб бўлмас куч тимсоли, ирода тимсоли. Аёл ўзида куч топа олса сабри чексиз.

1 Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. - Т: Ёш гвардия, 1988. - Б.295.

Шоир айни шу ҳолатни яхши илғайди ва шу сабаб ҳам “Ранжком” ва “фаррош аёл” образини асарда қарама-қарши образлар сифатида гавдалантиради. Айни шу ҳолатда шоирнинг аёлга, онага муносабатини, бу тимсолларга қай даражада юқори баҳо беришини англаш мумкин.

Қолаверса, асарда “Биринчи аъзо”, “Иккинчи аъзо” каби образлар учрайди. Муаллиф бу образларга ном бермайди. Аслида, бу ҳолатда ҳам, муаллиф мантиғи кўринади. Эҳтимол, шоир ҳаётда ҳеч бир эзгу амал қилмаган, инсоний фазилатлардан холи бўлган кимсаларга ном бериш, уларни инсонлар сафига қўшиш ҳам шарт эмас, деган хулосани берган дейишимиз ҳам мумкин. Бу икки қаҳрамон нутқида муаллиф қисқа ифодалардан фойдаланади. Нега муаллиф уларга узундан-узоқ нутқ сўзлатмайди. Нега улар бир, икки қатордан иборат бўлган гапларнигина гапиради. Шоир наздида улар жамиятнинг шахсий фикри йўқ, кимгадур тобе, мудом ялтоқланиш билан умр кечирадиган вакилларидир. Бундай кимсаларнинг шахсий фикри бўлиши ниҳоятда қийин. Шу сабаб ҳам муаллиф уларнинг нутқига алоҳида эътибор қаратади. Абдулла Орипов лиро-эпик асарларида қаҳрамонлар нутқи воситасида уларнинг руҳиятини очиб беришга алоҳида диққат қаратади ва бу ҳолатни адабий ютуқ сифатида яратди дейиш мумкин.

Асар якуни “фаррош аёл” монологи билан якунланади. Шу ўринда монолог ижодкор ижодий мақсадини очиб бериш учун муҳим бадиий тасвир воситаси сифатида хизмат қилади. Фаррош аёлнинг “Нима топдим шулар билан пачакилашиб” каби иқрори аслида шоирнинг ҳаётий хулосасидир. Халқимизда “Гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга” деган нақл бор. Демак, қалбан нураб, маънан қашшоқлик-

ка юз тутиб бўлган инсонларга гапириш, тушунтириш бефойда, уларни ўзгартиришнинг имкони йўқ. Шоир айни шу ҳаётий фалсафани фаррош аёл монологида акс эттиради:

Энг яхшиси, ҳасратимни айтай таёққа,
Садоқатли йўлдошимсан ўзинг, супургим.

Фаррош аёлнинг ҳаётдан ўз дардларига малҳам топа олмагани, натижада дардини таёққа-да айтишга рози бўлгани ўзида асарнинг чинакам фожеасини, кулминациясини акс эттиргандек, назаримизда. Аслида бу ҳолат шоирнинг ўз руҳий ҳолатига ниҳоятда яқин ва ўхшаш.

Тарихий асар яратиш мураккаб жараён. Бундай асар муаллифдан нафақат истеъдод, бадиий маҳоратни, қолаверса, чуқур тарихий билимни талаб этади. Боиси, муаллиф тарих ҳодисасига қанчалик чуқур ёндашмасин, у тарихнинг асл ҳолатидан четга чиқиб кета олмайди. Агар шундай қилинганда, асар ўзининг тарихий ва бадиий аҳамиятини, кучини йўқотади. Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон” драмаси айни шу талабларни босиб ўта олган тарихий асардир. Қолаверса, Амир Темур қиёфасини яратиш, узоқ йиллар давомида “босқинчи” тамғаси босилган миллат қаҳрамони қиёфаси, руҳиятини очиб бериш осон жараён эмас эди. Абдулла Орипов айни шу қийинчиликни ўз зиммасига олди. “Асарда унинг болалик йиллари, Сирдарё бўйларида мўғулларга қарши олиб борган кураши, Бибихоним, Мир Сайиид Барака, Кайхисрав, Шайхулислом, Амир Ҳусайн, Ангара жангида қўлга олинган Боязид, Ибн Арабшох, Ҳофиз Шерозий, Ўрусия, Испания, Хитой элчилари билан бўлган муносабатларда Соҳибқироннинг миллат ва Ватан равнақи йўлидаги фидойилиги, унинг умумбашар олдидаги хизматлари ва қатор инсоний фазилатлари очиб берилган саҳ-

на тасвирлари китобхон ва томошабин кўз ўнгида халқимиз тарихидаги ҳақиқатни жонлантириш билан бирга ватанпарварлик туйғуларини ҳам уйғотади”[1]. Кўриниб турганидек, “Соҳибқирон” драматик достонида муаллиф тарихни қайта тиклашга, Соҳибқироннинг шонли ҳаёт йўлини кўрсатиб беришга, авлодларга Темур қиёфасини энг аниқ, жонли, ҳақиқатга яқин қирраларини очиб беришга интилади. Аммо, “Соҳибқирон” драмасининг бадиий кучи фақатгина унинг реалистик тасвирида кўринмайди, асарда муаллиф психологизмга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Амир Темурнинг руҳий оламини, ички дунёсини изтироб-у шодликларини, ўй-хаёлларини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилади. Амир Темур ҳам аслида энг аввало, Инсон эканлигини ўқувчига уқтиради. Унинг тилидан айтилган қуйидаги мисраларда Соҳибқироннинг ички “мен”и бўй кўрсатгандек бўлади гўё:

ИншаАллоҳ авлодларим улғайиб бир кун
Ер юзини забт этарлар илм-у фанда ҳам
Менинг эса пешонамга суронли жанглар
От устида кун ўтказиш ёзилган экан.

Соҳибқирон ўз қисматидан норози эмас. У жанг-у жадалларни, от устида умр ўтказишни ўз пешонасига ёзилган қисмат деб билади. Қисматдан қочмоқнинг имкони йўқ. Бироқ унинг орзуларида набиралари, авлодлари келажаги бутунлай ўзга қиёфада акс этади. Энди Темур унинг авлодлари ер юзини илм-у маърифат қиличи билан олмоғини истайди. Драмада Темур руҳияти очиб берилган ўринларда чуқур психологизм, драматизм яққол кўзга ташланади.

1 Орипов А. Замондошлари хотирасида. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2021. - Б.143-144.

Аммо Амир Темур руҳан кучли шахс. Ҳаётдаги машаққатлар, синовлар, йўқотишлар, дўстлар хиёнати унинг қалбига озор берса-да, асло таслим этолмайди. Абдулла Орипов бу ҳолатга ҳам алоҳида урғу беради. Соҳибқироннинг меҳри баробарида, душманларга, хиёнаткорларга қаҳри ҳам бор. Муаллиф бу ҳолатни ҳам эътибордан четда қолдирмайди.

Амир Темур ўз феъл-атвори, хатти-ҳаракатлари билан кўплаб ҳавас қилгулик, меҳр қўйгулик шахс сифатида гавдалантирилади. Асарда Бибихон ва Темур ўртасидаги гўзал муҳаббат, ўзаро ишонч, ҳурмат туйғулари тасвирига муаллиф алоҳида эътибор қаратади. Бу икки инсоннинг суҳбатлари, диалоглари ёрдамида очиб берилади. Ўқувчи асарни ўқиш жараёнида Темурнинг энг яширин қирраларини кашф этиш, уни англаб бориш баробарида Бибихон ва Темур ўртасидаги гўзал муҳаббатга ҳавас қилади:

Олам юки қадар буюк қудратингизни
Кипригимда кўтаргайман муҳаббат билан.

Асарда Бибихон тилидан айтилган бу сўзлар Бибихонимнинг Соҳибқиронга бўлган чексиз ҳурматини, садоқат ва меҳрини ифода этади. Асар фақатгина Темур туйғуларини ўзида акс эттирибгина қолмай, тарихий ҳақиқатни ўзида бадиий акс эттиради. Унинг “Мўл хазина, ягона шоҳ, енгилмас лашкар” ҳақидаги фикрларининг давлатни бошқаришда танлаган йўли, принциплари ва таянадиганларини англаш мумкин. Соҳибқирон фақатгина кучли саркарда, жангчи эмас. Абдулла Орипов бу ҳолатга алоҳида урғу беради. Зеро, ақлга таянмаган куч енгилишга маҳкумдир. Темур ҳам энг аввало, зукко давлат бошқарувчиси. Кучли ҳокимият яратиш учун фақатгина куч-қудратнинг ўзи камлик қилади. Ҳукмдорнинг меҳри ҳам, ўрни келганда қаҳри ҳам

бўлмоғи жоиз. Зеро, фақатгина қаҳр инсониятда ғазаб ва нафратни, фақат меҳр эса бошбошдоқликни, ўзбошимчаликни келтириб чиқаради. Соҳибқирон драмасида бу ҳолат алоҳида қайд этилади. Темур тилидан айтилган:

Ҳукмдорлар севиб туриб фуқароларни,
Умид ҳамда қўрқув ичра сақлаши даркор –

каби мисралар Темур сиёсатининг асл моҳиятини, туб мағзини кўрсатиб беради. Драмада турли жанг усуллари, сиёсий ҳийлалар, тарихий фактлар ҳақида Абдулла Ориповнинг моҳирона бадиий тасвири, Темурнинг буюклигини кўрсатиб бериш баробарида, Абдулла Ориповнинг ҳам тарихий билими чуқурлигини, бадиий маҳорати ва савиясини кўрсатиб беради.

“Соҳибқирон” драмаси герменевтикасида бош образлардан тортиб, энг кичик, эпизодик образларгача бадиий аҳамиятга молик. Асардаги ҳар бир қаҳрамон тарихий ҳақиқатни ва бадиий жозибани очиб беришда муҳим ўринга эга. Бу каби яхлитлик асар композициясининг пишиқлигидан далолат беради. Чунончи, асардаги ҳар бир қаҳрамоннинг, воқеанинг ўз ўрни бор. Асар бадиий жиҳатдан ниҳоятда пишиқ.

Абдулла Орипов асарлари герменевтикаси ниҳоятда кенг қамровли, мураккаб ҳодиса. Боиси, Абдулла Орипов лиро-эпик ва драматик асарлари таҳлили жиддий изланишни, илмий-назарий билим ва тайёргарликни талаб этади. Қолаверса, уларнинг маъно қатлами ниҳоятда чуқур бўлгани боис, бир-биридан фарқланувчи турли талқинлар учун манба вазифасини ўтай олади, ўзининг янгидан-янги маъно қирралари билан ўқувчи кўз ўнгида намоён бўлади.

3.2. Шоир, шеър ва сўз учлигининг бадиий- эстетик, лиро-публицистик талқинлари

Шоир, шеър ва сўз учлиги бадиий ижод жараёнининг асос-моҳиятини ташкил этадиган тушунчалардир. Абдулла Орипов ушбу учликни бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда идрок этган. Унинг учун сўз ҳамма нарса дегани. “Тўғри, одам боласи адабиётсиз ҳам ўлмай яшаши, аниқроғи, кун кечириши мумкин. Бироқ бундай тирикчиликка ҳавас қилиб бўлармикан?!” – деб ёзади шоир[1]. Маълум бўладики, ижодкор сўз санъатини тирикликнинг мазмуни деб билади. Адабиётсиз ҳаётда маъно кўрмайди. Таъкидлаш керакки, Абдулла Орипов бу ўринда ижодкорни эмас, умуман, инсонни назарда тутган. Модомики, сўз санъати билан ошно бўлиш, уни идрок этиш жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун шу қадар зарур экан, шоир учун ҳаёт-мамот масаласига айланади.

Шоир, шеър ва сўз бирлигининг асоси нимада? Сўз шеърга айланар экан, шоир нималарга эътибор қаратиши зарур? Абдулла Орипов фикрича: “Умр қисқа, уни тажрибалар учунгина исроф қилиб қўймаслик керак. Адабиётдаги муваффақиятни фақат шаклий изланишларгина таъминламайди. Улар нечоғли замонавий ва илғор бўлмасин, шеърда руҳ ва мазмун муҳимдир”[2]. Бу фикрда шоирнинг сўз ва шеърга муносабати, бошқача айтганда, ижодкорнинг адабий-эстетик мезони акс этган. Шоир шеърга ва уни ташкил этувчи ҳар бир сўзга катта масъулият билан ёндашмоғи зарур. Чунки унинг ижод қилиши учун белгиланган муддат ўлчовли ва бу

1 Орипов А. Танланган асарлар. Саккиз жилдлик. 7-жилд. –

Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2013. –Б. 261.
2 Ўша манба. – Б.211

шоирнинг ихтиёридан ташқаридаги воқелик. Шундай экан, ижодий умрни фақат шаклий изланишларгагина сарфлаш маъқул эмас. Абдулла Орипов наздида: "...шеърда руҳ ва мазмун муҳимдир". Тўрт сўз ва бир боғловчидан иборат ушбу фикр барча даврлар ижодкорлари учун адабий-эстетик мезон бўла олади. Абдулла Орипов шеърияти ана шу мезонга тўлиқ ва мукаммал жавоб бера олади. Ушбу мухтасар ва юксак талабга жавоб бера оладиган шоир кўпми? Ана шу мезонга мувофиқ кела олувчи шеърлар қанча миқдорни ташкил этади? Агар шу каби саволлар ўртага қўйилса, шоир, шеър ва сўз учлигининг нечоғлиқ бир-бирини тақозо этиши, агар улардан бирортаси иштирок этмаса, ҳақиқий бадиият намунаси яратилиши мумкин эмаслиги аён бўлади.

Ижодкорнинг шоир, шеър ва сўз учлигига доир концептуал фикрлари "Онажоним, шеърият" сарлавҳали шеърида, айниқса, мукаммал акс этган:

Ҳар қисматга ҳар кимнинг
Даврони сабаб бўлгай,
Шеър ун чекса шоирнинг
Армони сабаб бўлгай,
Мен фахр этсам, умримнинг
Ҳар они сабаб бўлгай,
Энг олий бахтим менинг,
Онажоним, шеърият,
Топган тож-тахтим менинг,
Жонажоним, шеърият.

Шеър сўзлардан таркиб топади ва шоирнинг "мен"ини ифода этади. Бирорта шеър йўққи, унда шоирнинг дунёқараши, адабий-эстетик мезонлари, ижодий-интеллектуал даражаси акс этмаган бўлсин. Юксак истеъдод билан яратилган шеърда шоир тимсолида миллатнинг орзу-умидлари, армон-ҳасратлари, юксак идеаллари тажассум топади.

“Шеър ун чекса шоирнинг Армони сабаб бўлгай” деган сатр шундан далолат беради.

Абдулла Орипов юксак истеъдод эгаси бўлишига қарамай, шеър устида, зарур бўлса, ҳар бир сўз устида тинимсиз заҳмат чеккан ижодкордир. “Абдулла Орипов шеърият билан бирга ўсди, улғайди. Худди туйғулари камол топиб, чўнглашиб боргани каби адабиётга қараши, унинг масалаларига муайян муносабати ҳам шаклланиб борди. Ҳар бир одам ўзига хос индивидуал қобилият ва интеллект соҳиби. Лекин бунинг ўзи етарли эмас. Одам маълум соҳада муайян натижага эришиши учун албатта илмий ва амалий мактабларни ўтамоғи лозим”[1].

Шоир фикрича, ҳақиқий ижодкор ўз-ўзини танқид қилиб туриши, сўзни исроф қилмаслиги, шеърни муқаддас билиши зарур. “Эҳтиёж фарзанди” китобига кирган “Устозлар сабоғи” мақоласида: “Ёш шоирларимиз ўз-ўзларининг истеъдод даражаларини билишлари учун уларга фақат буюк салафларнинггина эмас, балки замондош устозларнинг ижодлари ҳам мезон бўла олади” деган фикрлари ҳар бир етишиб чиқаётган ёш ижодкорлар учун бирдек аҳамиятлидир. Шоир ўзи ҳам ижод жараёнига кириб келар экан, устозлари ижодини чуқур ўрганиб, улардан олган билимларидан фойдаланган ҳолда кўп ва хўб ижод қилди. Абдулла Орипов ёшларнинг ижоди мавзу жиҳатдан салмоқдор бўлишини, шакл жиҳатидан пишиқ бўлишини жуда ҳам истайди ва шундай фикрларни ўз мақоласида қуйидагича келтиради: “Лекин шогирд-шогирд бўлиши учун устознинг санъатини эгаллаган, унга янгилик қўшган бўлиши лозим-ку!”[2]. Абдулла Орипов

1 Давлатова А. Абдулла Орипов шеъриятида поэтик тафаккур тадрижи. Филол. фан. док-ри.... дисс. – Т., 2022. – Б.16.

2 Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. – Т.: Ёш гвардия, 1988, - Б.11.

устозларининг ижодини чуқур ўрганган, уларнинг ижодидан таъсирланган ўринлари бўлса-да, ўзининг асарлари билан адабиётга ўзгача оҳанг бўлиб кириб кела олган шоирлардан бири.

Абдулла Орипов "Эҳтиёж фарзанди" мақоласида: "Доимий бойиб борадиган билим, мудом ўсиб, юксаладиган дид ва савия, мунтазам меҳнат бўлмаса, ижодкор замон билан баробар юролмай, яна оқсаб қолади"[1], деган фикрларни билдиради. Бу ўринда тилга олинган билим, дид ва савия, мунтазам меҳнатдан мурод айнан сўзни севиш, уни нозик ҳис этиш, юксак даражада қадрлашдир. Чунки ижодкор сўз билан ишлайди. Унинг истеъдоди даражасини ҳам, асарининг бадиият талабларига қанчалик жавоб беришини ҳам сўзга бўлган масъулият белгилайди. Абдулла Ориповнинг: "Маълум дид ва савияга эга бўлмаган ижодкор адабиётнинг биринчи элементи бўлмиш тилнинг ўзидаёқ кимлигини билдириб қўяди", деган фикри ҳам бунинг исботидир. Шоир асарларининг тили шу қадар мукаммалки, шеърларига бирор сўзни қўшиш ҳам, бирор жумлани қисқартириш ҳам имконсиздир.

Шеър, шоир ва сўз учлигининг бадиий-эстетик асосини Абдулла Орипов қуйидагича ифодалайди: "Шеърнинг таъсирчанлигини таъминлайдиган компонентларни санаб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Бунга самимийлик ҳам, ҳар бир сўзнинг елкасига мос кайфиятлар, турфа хил оҳангларни юклай билиш ҳам, ниҳоят, шеърнинг лойини ниҳоясига етказиб қора билиш, яъни уни тугалланган, мукаммал бир асарга айлантира билиш санъати ҳам киради"[2] Аён бўляптики, ижодкор шеър юксак талабларга

1 Ўша манба. - Б.22.

2 Орипов А. Танланган асарлар. Тўртинчи жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2001. –Б.19

жавоб бериши учун сўз шоир руҳиятини тўлақонли ифодалаши *(ҳар бир сўзнинг елкасига мос кайфиятлар юклаш)*, ҳар бир сўзга ва шоир руҳиятига муносиб оҳангда жаранглаши *(турфа хил оҳангларини юклай билиш)*, шоир, шеър ва сўз бир вужудга айланиши натижаси сифатида ҳар бир сўз, ҳар бир жумлани танлаш устида заҳмат чекиш *(шеърнинг лойини ниҳоясига етказиб қора билиш)* зарур бўлади. Шундагина шеър тугалланган, мукаммал асарга айланади ва шоирга шараф келтиради. Ижодкор бу ўринда шоир, шеър ва сўз учлигининг ўзаро нечоғлиқ алоқадор экани, бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмаслигини мукаммал ифодалаган.

Ушбу учликнинг ялакатмағизлиги таржима асарларда ҳам сақланиши керак. Абдулла Орипов "Юзинчи маъно" мақоласида буни қуйидагича ифодалайди: "Таржимоннинг эркинлиги, менинг назаримда қатъий чегараланган бўлиши керак. Мен шундай эркинлик тарафдориманки, таржима қилинган асарни уни оригиналда ўқиган киши дарҳол танийдиган бўлсин"[1]. Абдулла Ориповнинг ушбу сўзлари ҳозирги кунда ҳам долзарб масалалардан биридир. Абдулла Орипов фикрича, таржимончиликда тилни билиш катта муваффақият ҳисобланади. Аммо, тилни билмай туриб ҳам яхши таржималар бўлганини, ундай таржимонлар тилни билмасаларда нозик психологик интуиция, шеърий таржима маданиятини пухта эгаллаганликлари ва умуман, шеърият қонуниятларини чуқур англашлари қўл келганлиги ҳақидаги хулосаларга келади. "Асл нусха тилини биладиган таржимонлар кам, таржимага эса эҳтиёж катта экан, бундай шароитда сатрма-сатр таржима қилувчи киши ўз ишининг кўзини била-

1 Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. – Т.: Ёш гвардия, 1988. - Б.27.

диган бўлиши зарур”[1]. Абдулла Орипов таржимачилик ривожланиши учун таржималарни сифатини текширадиган советлар тузилишини жуда истаган. Умри қисқа таржималарни марказий журналларда чоп қилинмаслигини назорат қилиниши керак деб ҳисоблаган. Таржимачиликка ижодиётнинг биринчи даражали масалаларидан бири сифатида қараш кераклигини таъдиклаб ўтган. Абдулла Орипов таржимачиликда ҳам катта маҳоратга эга. Шоир таржимонликда ҳам асарларни нозик жиҳатларигача эътибор билан таржима қилган. Унинг Дантенинг “Илоҳий комедия” асари таржимачиликдаги энг катта ютуқлардан бири. Абдулла Орипов “Орзуга айб йўқ…” деб номланган мақоласида Дантенинг “Илоҳий комедия” асарига тўхталади, жаҳон адабиётида бу асар тенги йўқ ягона асар деб эътироф этилади: “…Бу асар воқеалари “нариги дунёда” кечса ҳам, унинг марказида ҳақиқат ахтарган жафокаш инсон иқболи нигун доҳий санъаткор образи турибди. Шунинг учун бўлса керак, бу асарни “Дантеида”, яъни “Дантенома” деб ҳам аташади”[2]. Абдулла Орипов бу асарни таржима қилган бўлса-да, келажакда яна бу асарни бошқа таржима вариантлари бўлиши, буюк ижодкор даҳосининг янги қирралари очилишига туртки бўлишини таъкидлайди. Қабарда-Болқор шоири Қайсин Қулиев: “Абдулла Орипов кейинги йилларда катта муваффақиятларга эришди. “Илоҳий комедия”ни ўзбек тилига таржима қилиб, катта жасорат кўрсатди”[3], деган фикрлари ҳам, Абдулла Орипов таржимачиликдаги маҳорати юқори эканлигини, у сўзга нечоғлик катта масъулият билан қараганини кўрсатади.

1 Ўша манбада.

2 Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. – Т.: Ёш гвардия, 1988. - Б.49.

3 Абдулла Орипов замондошлари хотирасида. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2021. - Б.14.

Абдулла Ориповнинг адабиёт ҳақидаги фикрлари профессионал адабиётшунос қарашларидан қолишмайди. “Эҳтиёж фарзанди” асарида шоир танқидчилик хусусида шундай фикрларни билдиради: “Ўқувчи савиясини юксалтиришда танқидчиликнинг хизмати катта. Мен танқидчилардан зада бўлган одам эмасман. Уларга ҳамиша раҳмат айтаман. Лекин, афсуски, уларда ҳам баъзан профессионал таҳлил бир четда қолиб, ижодкорни хижолатга қўядиган қиёслаш, талантни ўлчовга солиш, “бухгалтерлик” қилиш ҳоллари учраб туради”[1]. Абдулла Орипов танқидни эркин қабул қила оладиган шоирлардан. Танқидчилик соҳаси ҳар бир ижодкорни ўстиришда катта хизмат кўрсатади. Шунинг учун ҳам бу соҳанинг ривожи муҳим аҳамиятга эга. Абдулла Орипов ҳам танқидчи ижодкор асарларини профессионал даражада таҳлил қилишини, шунинг натижасида бу таҳлиллардан ижодкорлар хулоса қилиб, ўз устларида ишлаб, меҳнат қилиб, асарлари даражаси юқори бўлишини истаган.

Абдулла Орипов ижодкорни қалам тутқазишга ундайдиган илҳом ҳақида шундай фикрларни билдиради: “Илҳом – ҳаяжондан баландроқ турадиган ақл ва тафаккур тамғаси бўлган ҳолат ҳисобланади. Пушкин илҳомни англаб олинган кайфият, дейди. Илҳом маълум муҳитда ва фикрлар жараёнида синтезлашган кайфиятнинг олий нуқтасидир”[2]. Абдулла Орипов таъбири билан айтадиган бўлсак, илҳом – ақл ва тафаккур тамғаси экан, шоир ўзининг ўлмас асарлари билан ақл ва тафаккур тамғаси унда қанчалик чуқур муҳрланганлигини исботлаган.

1 Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. – Т.: Ёш гвардия нашриёти, 1988. - Б.116.

2 Ўша манба. - Б.86.

Абдулла Орипов ватанпарвар шоир. Ватанини Абдулла Ориповдек улуғвор ва таъсирчан тасвирлаган ижодкорлар саноқли. “Мен нечун севаман Ўзбекистонни”, “Ўзбегим”, “Ўзбекистон - Ватаним маним” шеърлари ҳар бир китобхоннинг қалбига кириб борган ва ушбу шеърлар Абдулла Орипов феноменини очиб берган умрбоқий асарлардир. Бу ҳақида Умарали Норматов: ““Ўзбекистон – ватаним маним”ни фақат ва фақат Абдулла Орипов деган феномен яратиши мумкин”[1] дея фикр билдиради.

Дарҳақиқат, шоир ўзига хос адабий-эстетик концепциясига эга ижодкор сифатида ўзбек адабиёти ривожига катта ҳисса қўшди. Шеъриятда янги бадиий кашфиётлар яратди. “Абдулла Орипов фавқулодда закий, самимий инсон, юксак ижодий маҳорат ва бадиийликка эга шоир сифатида замондошларидан анча илгарилаб кетган эди. Шунинг учун ҳам адабиётшунослар, мухлислар ва шогирдлар янги ўзбек шеъриятига қўшган ҳиссаси қаршисида мудом ҳайрат ва эътирофдадир”[2].

Шеърият – инсон кўнглини ёритгувчи қуёш кабидир. У инсоннинг ҳиссиётларини, дардларини, қувонч-у ғамларини ўзида акс эттиради. “Шеър кўпинча дард ифодасидир. У камдан кам ҳолларда қувончдан туғилади. Шеър – қайғунинг ўз, қувончнинг эса ўгай боласи”[3]. Шоирлар шеърият ва бадиий сўзга доир қарашлари билан бир-биридан фарқ қилади. Абдулла Орипов инсоннинг кўнглини, унинг туйғуларини эркин ифода эта олган шоирлардан эди. Абдулла Орипов шеърларининг мавзу кўлами

1 Орипов А. Замондошлари хотирасида. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2021. - Б.92.

2 Давлатова А. Абдулла Орипов шеъриятида поэтик тафаккур тадрижи. Филол. фан. док-ри.... дисс. – Т., 2022. – Б.21.

3 Йўлдош Қ. Сўз ёлқини. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2018. - Б.245.

кенг, асарларидан қай бир мавзуни изламанг, унга тегишли шеър албатта топилади. Бу ҳақида Қозоқбой Йўлдошев ҳам: “Абдулла Орипов ўзбек шеърияти осмонида дафъатан митти юлдуздай чарақлаб чиқди, тор доираларда сиқила бошлаган миллий шеъриятимизга кенглик, тоза нафас, дилгир наволар олиб кирди”[1], дея шоир ижодини юқори баҳолаган. Абдулла Ориповнинг шеъриятга доир мақолалари ва албатта ушбу мавзуга бағишланган шеърлари ҳам талайгина. Бу яратиқлар адабиёт ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Абдулла Орипов шеър ва шоирликка оид ўттизга яқин шеърлар битди. Бу мавзуга доир фикр-мулоҳазларини ўз мақолаларида ёритди. Бу фаслда биз Абдулла Ориповнинг “Шеърият”(1964), “Шоир”(1967), “Онажоним шеърият”(1979) , “Шоир” (2007), “Шоирнинг яратилиши”(2008), “...Шеър ёзиш тенгдир”(2013) ғазали, “Кўнгил мулки”(2013), “Шоир” (2015) номли шеърларини таҳлилга тортдик.

Абдулла Орипов “Шеърият” номли шеърида шеъриятни Пушкиннинг “севган” малагига, Гётенинг “орзу қилган қизига”, Байроннинг “ўтли юрагига”, Гейнени “ёндирган юлдузга”, Навоийнинг “Гулисига”, Лутфийнинг “Сўлим ғазалига”, Ҳофизнинг “гулшандаги булбулига”, Ҳайёмнинг “ширин асалига” ва ўзининг эса толеида нозланиб турган “эрка гўзалига” ўхшатади. Бу ўхшатишлар шу қадар такрорланмаски, шоирнинг бадиий сўзни ўрнида гўзал тарзда қўллаш маҳорати юқори эканлигидан далолат беради.

Абдулла Орипов “Эҳтиёж фарзанди” номли мақоласида шеъриятни шундай таърифлайди: “Шеъри-

1 Ғаниев И. Афоқова Н. Абдулла Ориф фалсафаси. – Т.: Муҳаррир, 2021. - Б.59.

ят киши қалбига, энг аввало, руҳий ташналик, чексиз эҳтиёж, ажиб бир сеҳр тариқасида кириб келади, шекилли. Шунинг учун мен шеъриятни эҳтиёж фарзанди деб атайман”[1]. Ҳақиқатда, шеър ихлосмандлари унга эҳтиёжманд бўлишади, чунки уларнинг дардини олувчи ҳам, руҳиятини кўтаргувчи ҳам бу шеъриятдир. Шоир бу ҳақида шундай дейди: “Фақат ижод дардига чалинган одамда бу туйғу чексиз армонга, гўзал изтиробга, қондирилиши ниҳоятда зарур бўлган эҳтиёжга айланади. Бу эҳтиёж чинакам шоирни умр бўйи таъқиб этади…”[2]. Биламизки, ҳақиқий ижодкор аҳли ижодсиз яшай олмайди. Шоирлар шеър ёзсагина Абдулла Орипов таъкидлагандек, таъқибдан вақтинчалик қутила олади, аммо улар шундай дунё одамларики, бундай таъқиб умр бўйи уларни тинч қўймайди.

Абдулла Орипов “Шоир” номли шеърида шоирга шундай баҳо берадики, у қалами орқали бутун ерюзини бир шеърига жо қила олиши, шеърлардаги оҳанглар қалбига ўз-ўзидан келишини айтади. Ҳар бир гўзалликни, яъни бошқалар эътибор қилмаган, ҳис қилмаган гўзалликни шеър орқали инсонларга етказадиган ҳам шоир эканлигини таъкидлайди.

Парво қилма, дўстим, эзилма сира,
Ғамгин қўшиқларни куйласа шоир.
Мисралари гарчанд маъюс ва хира,
Лекин барчаси ҳам қалбига доир.

“Шеър – оний кайфият сурати, лекин ана шу оний кайфият шоир руҳонияти, ботини, фитратида азалдан мавжуд ноёб илоҳий неъмат. Шунинг учун шеър – руҳнинг сурати, суратнинг қанчалар тиниқ бўлиши бевосита ё билвосита бўлиши мумкин, бу

1 Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. – Т.: Ёш гвардия нашриёти, 1988. - Б.19.

2 Ўша манба. - Б.19

энди мунозарали масала. Жуда кўп ўқиш-ўрганиш, заҳмат чекиш билан чин шоир бўлиш имконсиз. Агар шундай бўлганида жилд-жилд луғат тузганлар зукко олим, таниқли адабиётшунослар улкан шоирга айланишарди. Демакки, шеър тўлақонли ақлий ҳодиса эмас”[1].

Буюк замонанинг оташин зарби
Унинг қаламига ёт эмас асло.
Агар керак бўлса Шарқни ва Ғарбни
Ёлғиз бир шеърига эта олар жо.

Абдулла Орипов шоирни бошқалар ҳис қила олмаган туйғуларни ҳис қила оладиган ўзга олам одами деб баҳолайди. Шоир шеъриятни “олий бахтга” ва “топган тож-у тахтига” қиёслайди.

Ҳамдам бўлдинг мен билан
Ҳар қандайин кунларда
Юлдуз бўлдинг чароғон
Энг қоронғу тунларда,
Суҳбат қурдик гоҳ шодон,
Гоҳо ҳазин унларда,
Энг олий бахтим менинг,
Онажоним, шеърият.
Топган тож-тахтим менинг,
Жонажоним шеърият.

Шоирни яқинлари ташлаб кетиши мумкин, аммо шеърият у билан ҳамиша ҳамдам. Ҳар қандай кунида қоронғу тунини ёритгувчи юлдуз. Яхши ва ёмон кунида энг қадрли суҳбатдош.

Абдулла Орипов “Шоир” номли шеърида энди шоирни хушёрликка чақиради, ҳаммани ҳам дўст билмасликка, шоир ўзининг номи улуғлигини, катта давраларга интилмаслигини таъкидлайди.

1 Ғаниев И. Афоқова Н. Абдулла Ориф фалсафаси. – Т.: Муҳаррир, 2021. - Б.3.

Шоирнинг вазифаси инсон кўнглидаги туйғуларни гўзал ифода этишда деб билади.

Дуч келган кимсани дўст билма, шоир,
Панд егач бағрингни сўнг тилма, шоир.
Номингдан улуғроқ мартабанг йўқдир,
Давралар тўрига интилма, шоир.

Бу асарида эл эътиборини қозониш учун, мақтов ёки мукофотлар учун шеър ёзадиган шоирлар танқид остига олинади.

Абдулла Орипов "Шоирнинг яратилиши" номли шеъри ҳазил шеър сифатида ёзилган бўлса-да, унинг мағзида чуқур маъно сингдирилган. Адабиётга керак бўлиб қолган шоирни яратишмоқчи бўлиб, унга шоир кўринишини беришади, аммо шеър ёзишга келганда у тақлидчига айланади:

Шоир керак бўлди адабиётга,
Дедик: "Уни тезда топмоғимиз шарт".
Таяниб тажриба ҳамда саботга,
Шоир яратамиз талантли ва мард!

Абдулла Орипов: "Қайсидир шоир ижодига баҳо бераётганда фақат унинг, яъни айнан бир шоирнинг руҳий қиёфасидан туриб қараш керак. Маҳорати мукаммал, фикри тиниқ ижодкорнинг қайси мавзуда бўлмасин ёзган асари китобхон қалбига, албатта етиб боради. Шу маънода юксак пафоснинг ҳам, қулоқ илғамас лирик энтикишларнинг ҳам ўз бетакрор қадру қиммати, сеҳру жодуси мавжуд"[1], деган фикрлари ҳам айни шу шеърдаги маънога ҳамоҳанг тарзда айтилган.

Абдулла Орипов бу шеърнинг сўнгги мисрасида чиройли хулосага келади:

Билингиз, ҳақиқий истеъдод насли
Бир оз самовотга тегишли хилқат.

1 Орипов А. Танланган асарлар. 7-жилд. Мафтункор шеърият – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2013. - Б.171.

Даврон тупроғига шоирни асли
Яратганнинг ўзи эккайдир фақат.

Ҳақиқий шоир самовотга тегишли бўлади, шоирни истеъдодли талантли қилиб фақатгина Аллоҳ ярата олади, чинакам шоирда Аллоҳ юқтирган туғма талант бўлади. “Француз файласуфи Гельвеций: “Шеър ё юксак чўққиларда, ёки ғорларда яратилади” дейди. Дарҳақиқат, шеър инсон руҳининг бирмунча ғайритабиий, айрича ҳолатидан туғиладики, зукко файласуф буни образли ифода этган”.

Абдулла Орипов “Эҳтиёж фарзанди” мақоласида бадиий сўзга доир қарашлари аниқ тасвирланади, бу мақолада шоир ижодкорнинг шаклланишини уч босқичга ажратади:

1) шеърият – кўнгил иши, бу босқичда шоирда самимийлик яъни болаликнинг тоза, беғубор, осуда, шўхчан туйғулари юқори ўринда туради, деб ҳисоблайди.

2) иккинчи босқичда энди Инсон ва ижодкор шаклланади – аслида ижодкор шахснинг шаклланиши инсоният учун асрлар давомида одат тусига кирган анъанавий қонун қоидаларга нисбатан бирмунча айрича –ўзига хосдир. Бундай шахсларда ҳиссиёт гоҳо биринчи планга чиқиб кетади, аммо энди шоирни бу босқичда мураккаб борлиқ ўраб олади. Шоирнинг фикрича, шоирнинг қимматини – чинакам ҳиссиёт, самимият, юксак маҳорат белгилаб беради.

3) маҳоратни етарлича эгаллай олмаган қаламкаш адабиётда ўралашиб юриш йўлига ўтади. Унда мукофотлар билан ўзини овутиш каби санъаткорга номуносиб хатти-ҳаракатлар кўрина бошлайди. Қусурини кўрсатган танқидчиликка қарши синтетик қиличини ўқтайди. Доимий бойиб борадиган билим, мудом ўсиб юксаладиган дид ва савия, мунтазам меҳнат бўлмаса, ижодкор замон билан баробар

юролмай, яна оқсаб қолади, деган хулосаларга келади.

Абдулла Ориповнинг ижодкор шаклланишидаги бу фикрлари адабиётшунослик учун муҳим фикрлар ҳисобланади. Чинакам ижодкорларгина икки босқични гўзал тарзда босиб ўтади. Абдулла Орипов “Эҳтиёж фарзанди” асарида Гегел ва Гётенинг шундай фикрларини келтиради: “Гегел табиат ва жамият қонунларини тушунтириш учун триада (учлик) терминини қўллаган. Унинг таъкидлашича, тараққиёт уч босқични босиб ўтади. Гёте бўлса, шеърият ҳам ана шу босқичдан ўтади, деган. Унинг триадиаси босқичлари – соддалик, мураккаблик ва тағин соддалик. Пушкин, Лермонтов, Есенин, Ҳамид Олимжон шеърлари ана шу сўнгги босқичнинг маҳсулидир, улар яратган шеърлар бир қарашда оддий туюлади. Аммо, бу жўнлик замирида катта ҳаётий тажриба, умумлашма, теран мавзу, қурч ётади. Айримлар биринчи, баъзилар эса иккинчи босқичда қолиб кетади, учинчи босқичга кўтарилиш – шоирнинг камолоти, кучли талантидан нишонадир. Шу сўнгги нуқтага етиб олиб ижод қилган шоирлар жуда-жуда кам”[1]. Аслида, Абдулла Ориповнинг ўзи ҳам шу шоирлар қаторида, унинг шеърларида ҳам катта ҳаётий тажриба пойдевор вазифасини ўтаган. Абдулла Орипов “дастлаб табиий равишда болалик, ўсмирлик шуурини эгаллаган халқ ижодиёти асосида шаклланган ижодий жараён кейинчалик олий таълим, ҳаётий ва ижодий тажрибалар натижасида катталашиб улкан шеъриятга айлана борди”[2].

Абдулла Ориповнинг “Кўнгил мулки” шеърининг охирги мисраси ҳам айни шеъриятни улуғ ҳоди-

1 Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. – Т.: Ёш гвардия, 1988. - Б.107.

2 Давлатова А. Абдулла Орипов шеъриятида поэтик тафаккур тадрижи. Филол. фан. док-ри.... дисс. – Тошкент, 2022. – Б.20.

са эканлигини, унинг бағрида бахт ҳам, армон ҳам борлигини ёритган:

Шеър- улуғ ҳодисот, у кўнгил мулки,
Бағрида неча байт, достонларим бор.
Шеърни кемтик ёзсам айблама, чунки
Туйнукдан кўринар армонларим бор.

Абдулла Орипов “Шеър ёзиб турган шоир ўша дақиқада фақат шеър завқи билан яшайди, шоир ўша дақиқалар завқли меҳнат қуюнида ўзини ниҳоятда бахтиёр ҳис этади”[1] деган фикрларни билдирган. Ҳақиқатда, ижодкор аҳли ижод қилган пайтда ўзини ҳар доимгиданда бахтиёр ҳис этади.

Абдулла Ориповнинг “Шеър ёзиш тенгдир қудуқни” деб бошланувчи ғазалида шеър ёзишни “игна билан қудуқ қазишга” тенглаштиради ва асар яратишни кўзни юмиб ипни ўтказишга қиёслайди.

Шеър ёзиш тенгдир қудуқни
Игнада қазган билан,
Ё эса ундан юмиб кўз
Ипни ўтказган билан.

Шеър қувонч келтиради ёки охири йўқ дард кабидир. Кимнингдир кўнглини хира қилиш ўша инсонни кўнглида чандиқ қолдириш билан тенгдир.

Асли шеър ошуфталик ё
Сўнгги йўқ дарддан нишон
Чандиғи қолгай юракда
Доғни кетказган билан.

Ҳамма ўз ишини қилади, филнинг хартуми бўлса-да, унинг ўз вазифаси бор. Худо юқтирган истеъдод бўлмаса нима керак ундай инсонга шеър ёздириш, деган фикрларни илгари суради.

Ўз ишин қилгай – бажаргай
Филни(нг) ҳам хартуми бор,

1 Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. – Т: Ёш гвардия нашриёти, 1988. - Б.18.

Не мурод, ўтмас қаламни
Қўлга тутқазган билан.

Абдулла Орипов улуғ, қалами ўткир шоир бўлиб етишишига нималар сабаб бўлган? деган саволга шоирнинг ўзи “Эҳтиёж фарзанди” асарини ўқисак шундай жавоб оламиз: “Шеъриятдаги менинг биринчи устозим тинимсиз машқдир. Ўқидик, ўргандик, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода сингари улуғ одамларни кўриш, гапларини эшитиш насиб қилди. Уйғун, Яшин, Зулфия сингари қалби дарё адибларимиз атрофида ҳанузгача пилдираб юрибмиз”[1]. “Мен учун дунёдаги энг машаққатли ва энг завқли меҳнат – шеър устида машқ қилишдир. Баъзи шеърларимни бир йиллаб ташлаб қўйиб ишлаганман. Эҳтимол, шу сабаблидир ёзганларим кўпинча хотирамда ҳам ўрнашиб қолади”[2]. Демак, чинакам шоирга Аллоҳ юқтирган туғма истеъдоддан ташқари, тинимсиз машқ қилиш уни камолга етказар экан.

Абдулла Ориповнинг “Кечир шеърим” номли шеърида:

Кечир, шеърим, кечиргин мени,
Йиллар ўтиб чарчадим, толдим.
Шундай пайтлар бўлди-ки, сени –
Муҳофаза қилолмай қолдим.

дея, ҳаётида қийин вазиятлар кўп бўлгани, шу вазиятларда ўзи хоҳламаган ҳолда шеърига кераксиз мавзуларни киритишига тўғри келиб қолганини ёритади.

Қудуқ қаздим сув танқис дамлар,
Эришдим ҳам балки ютуққа.
Чўктирдилар лекин одамлар
Ўзим қазган ўша қудуққа.

1 Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. – Т.: Ёш гвардия нашриёти, 1988. - Б.88.

2 Ўша манба. -Б. 87.

бундай ҳолатда шеър ёзиб, олган ютуғи Абдулла Ориповдек сўзни қадрлайдиган шоирга таътимас эди. Чунки шоир ҳамма нарсадан шеърни улуғлайди, ахир шоир учун шеърдан азизи бўлмаса керак. Илҳом Ғаниев, Нодира Афоқова "Абдулла Ориф фалсафаси" номли асарида шоирга шундай таъриф беришади: "Шоир – ҳақсизликка, зўрлигу зинога, истибдодга, эътиқодсизликка, инсон устидан ўтказиладиган сурбетларча тафтишу тажрибаларга қарши шафқатсиз исёнкордир"[1].

"Шоир"
Шоир деганлари шаҳиддир – хунсиз,
Учинчи дунёдир – кундузсиз, тунсиз.
Бола каби кулар, бироқ кўзда ёш,
Бола каби йиғлар, ва лекин унсиз.

"Шоирлик- бу инсон бахтли яшайдиган жамият, шу жамиятнинг фуқароси бўлишга арзирлик комил инсон соғинчи билан тўйинган аниқ ҳаётий дастурига эга бўлмоқ; шу дастур ғояларини оғишларсиз, чекинишларсиз ўз ёзганларингда изчил акс эттирмоқ; бу ғояларнинг ҳаётдаги ғалабаси учун курашмоқ, лозим бўлганда жон фидо этмоқдир"[2]. Абдулла Орипов айни шундай шоирлардан эди.

Абдулла Орипов бадиий сўзни қўллаш маҳорати ниҳоятда кенг. "Бадиий сўз қамрови ниҳоятда кенг бўлиб, унинг таркибига луғат бойлигимиздаги барча сўзлар, нутқ жиҳатидан ёндашилса, тарихий, илмий, шевага алоқадор, шунингдек турли ижтимоий табақа ёки қатламга мансуб сўзлар киради. Бинобарин, ҳар бир сўз ижодкорнинг ҳис-туйғуларини, идеалларини ҳаётга муносабатини ифодалаб, унинг ижодий ниятларига хизмат қила оладиган тарзда

1 Ғаниев И. Афоқова Н. Абдулла Ориф фалсафаси. – Т.: Муҳаррир, 2021. - Б.17.
2 Ўша манба. - Б.17.

танланиб, бадиий контексда қўлланилгандагина бадиий сўзга айланади. Бунинг учун бадиий асардаги сўз ижодкорнинг ҳис-туйғулари, кечинмалари билан тўйинган ва ўзгаларга таъсир кўрсатадиган бўлмоғи лозим”[1]. Шу жиҳатдан Баҳодир Саримсоқов таъбири билан айтганда, Абдулла Орипов шеърияти ҳис-туйғулар ва кечинмалар билан тўйинган шеъриятдир. Буни шоир шеъриятини ўқиган ҳар бир ўқувчи аниқ ҳис эта олади. Шоир ҳар бир сўз устида қаттиқ меҳнат қилади. Биргина сўзнинг руҳиятига ва кайфиятига мос тушадиган энг маъқул вариантини танлай билади ва шоирнинг танлови бутун миллатнинг танловига айланади. “Адабиёт, шеърият образлилик билан тирикдир. “Эй ёр, мен сени севаман”. Ана шу гапни Мирзо Ғолиб “Эй ёр, остонанг олдида ётган тошни нима қилардинг нарига суриб қўйиб, ахир у менинг пешонамга урилавериб ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетарди-ку!” деб беришида жуда кучли образлилик барқ уриб турибди”. Мисол учун, Абдулла Орипов ижодида қўлланган “оломон” сўзига эътибор қаратайлик. “Халқ”, “эл”, “миллат” каби тушунчалар орасидан шеър учун энг мақбул бўлган оломон сўзининг танланиши шоирнинг сўз қўллаш маҳорати ғоятда идеал эканлигидан далолат беради. Ҳатто айтиш жоизки, “оломон” сўзини шеъриятга Абдулла Орипов олиб кирди. Ундан кейин ҳеч ким бу сўздан унинг каби маҳорат билан фойдалана олмади, образли қилиб айтганда, “оломон” сўзининг қўлланиш лицензияси фақат Абдулла Ориповга тегишли бўлиб қолди.

Абдулла Орипов ижодида унинг сўз қўллаш маҳорати фалсафийлик ва сатирикликда ўзига хос намоён бўлади. Абдулла Орипов ижодининг илк

1 Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. - Т.: Тил ва адабиёт институти, 2004. – Б.5.

лаҳзаларидан бошлаб, шоирлик ва шеърни аъмол сифатида англар экан, улуғ неъмат машаққатини, масъулиятини унутмасликни улкан вазифа ўлароқ қабул қилди. “Мен – шоирман, истасангиз шу” деган концептуал ғояни айта олиш учун ижодкор ҳам руҳан, ҳам маънан тайёр, истеъдодини ҳис эта олиш салоҳияти, тақдир измидан кета билиш жасорати юксак бўлиши даркор. Биз бу каби фазилатларни ижодкорнинг илк шеърларидаёқ яққол кўрамиз. “Шоирнинг туғилиши” деб номланган шеърда лирик қаҳрамон ўта даражада истаётган, лекин қидиргани нима эканлиги мубҳам туйғуларга чўмади.

Куйлай дедим, куйлайин дедим,
Куйлай дедим, аммо нимани?!
Умр йўлин ўйлайин дедим,
Ҳисларимнинг қайда маскани?![1]

Шоир излаётган энг тансиқ нарса бу сўз, ҳисларининг маскани эса шеърият эди. Агар “Шоирнинг туғилиши” тўпламида нашр қилинган шеърлар то Абдулла Ориповнинг илк тўплами “Митти юлдуз”-га қадар ёзилганини эътиборга оладиган бўлсак, 17-20 ёшлар даврида битилгани маълум бўлади. Шоирнинг адабиётшуносликда деярли ўрганилмаган “Шеъримга” асари ҳам ана шу йилларга оиддир.

Ўй-у фикрим сен билан яшар,
Сен биландир шодлигим, борим.
Тикилганда кўзим қамашар,
Эй ўзимнинг шеърим –иқболим.[2]

Лирик қаҳрамон ва шоир шахсияти айни бир нуқтада бирлашади. Шу нуқтаи назардан ҳам ушбу шеър автопсихологик характерга эга. Митти асардаги катта ният, фараҳ, умид бир умр шоир шеъриятининг маёғи вазифасини ўтагани рост. Шоир

1 Орипов А. Шоирнинг туғилиши. - Т.: ADABIYOT, 2021. -Б. 14.
2 Ўша манба. - Б. 56.

наинки шодлик, балки йўғу борини ҳам шеърият деб билди. Худди уста мусаввир шоҳ асарини яратиб мафтун бўлгани каби, ҳайкалтарош маҳобатли образи қошида сурурга тўлганидек, мўъжаз шеърлар шоир кўзларига чексиз қувонч, юрагига ёқимли эпкин бағишлайди. Асарнинг якунида шоир ниятлари, иқрорлари янада ойдинлашиб боради. Агар "Шоирнинг туғилиши" шеърида излаётган нарсаси нелигини топа олмаётган лирик қаҳрамонни кўрсак, бу асарга келиб, ижодкор безовта қалбига оромни айнан шеърият оламидан топганини очиқ ёзади. Ҳаётининг маъноси сўз, адабиёт, шеърият билан чамбарчас боғлиқлигини теран ҳис этади.

Мен ҳаётни сенда танидим,
Сендан топдим қалбнинг оромин.
Сени севдим, Севганим каби
Шу элимнинг ёмғирин, қорин.

Абдулла Орипов услубининг, шеър ёзиш техникасининг ўзига хос жиҳати шундаки, қайси мавзудаги асар бўлмасин, жоиз бўлса Ватан, халқни ҳам шеър мазмунига маҳорат билан сингдира олади. "Сени севдим, Севганим каби" мисрасида бир неча маъноларни англаш мумкин. Биринчидан, шоир шеърига мурожаат қилар экан, уни севгилиси қадар севишини ёзса, иккинчидан эса шеъри унга элу юртининг ҳар зарраси қадар қадрли эканлигига нозик ишоралар бор.

Абдулла Ориповнинг илк ижодидан ўрин олган яна бир шеър "Бахт" деб номланган бўлиб, шоирнинг асардан асарга, шеърдан шеърга ниятлари чўнглашиб, улғайиб бораётганини кузатиш мумкин:

Шеър ёзаман, қалбим дарёси,
Илҳом суви билан лиммо-лим.

Қайсин ёзай...ўйга толаман,
Қаҳрамонлар қуршовида жим...[1]

Энди у асарлари мазмунига халқ идроки, орзу-умиди, серқирра ҳаёт мадҳини олиб киришни бахт деб билади.

Абдулла Ориповнинг “Шеър ва шоирлик” тўғрисидаги яна бир асари “Ғам-андуҳдан йироқ тургин” деб номланган.

Ҳой, сен ҳаёт шов-шув, бемазмун,
Топтадинг-ку содда идрокни.
Йиғла, шеърим юпатолмассан
Шоирингни, мангу ғамнокни.[2]

Асарда лирик қаҳрамон кечинмалари ёлғизлик, алам, кўз ёш, ёруғлик ва саодатнинг танқислиги мотивлари билан уйғун келади. Ижодкор ўз даврининг чинакам ҳодисаси эди, шунинг учун ижодининг тонггида уни тўлақонли англовчилар, фикрлари, ҳатти-ҳаракатларини даҳо истеъдод ўлароқ баҳолай оладиганлар саноқли эди. Шунинг учун шоирда юқоридаги каби ёлғизланиш кайфияти пайдо бўлаверади, ягона нажот қалъаси сифатида “Онажон шеърият” бағридан ором топаверади. “Жавоб” шеърида эса яна сўзнинг абадийлиги, ижоднинг боқийлигини тараннум этади. Шеър мазмуни қисқача шундай: лирик қаҳрамон ижодхонасига кирса, шамоллар қўлёзмаларини ҳар ёнга сочиб юборибди, учириб кетибди. Шоир шамолга юзланар экан, “сенку қоғозларни учирибсан холос, лекин ҳар қанча уринма ундаги бирор сатрни жойидан кўчиролмайсан”, дейди.

Кўзимдан нур кетса, йиллар шамоли,
Учириб кетсалар киприкларимни...

1 Орипов А. Шоирнинг туғилиши. - Т.: ADABIYOT, 2021. - Б. 128.

2 Ўша манба. - Б.222.

Йўқ, йўқ! Эзгу ишнинг йўқдир малоли,
Шеърим! Сенга бердим тирик боримни.[1]

Шоир бир инсон сифатида умрнинг ўткинчилигини инкор этмайди, кун келиб, бешафқат йилларнинг шамоли ундаги киприклар қадар тирикликни ҳам учириб кетишини яхши ҳис этади. Лекин шеърдаги финалнинг мантиқий хулосаси, лирик қаҳрамоннинг яхши умиди шундаки, у ҳали ҳаётлигидаёқ ўзини, ўзлигини, "мен"ини шеърларига сингдира боришидадир. Шунинг учун ижодкор ўткинчи йиллардан қўрқмайди, чунки унинг борлиғи шеъриятига жо бўлган. Абдулла Орипов даҳосининг буюклиги ҳам шунда, то одамзод бор экан адабиётга, шеъриятга эҳтиёж сезаверади. Бунда эса Абдулла Орипов каби ҳар нафасда уйғоқ ижодкорларнинг адабий мероси руҳий қувват бериши тайин.

"Абдулла Орипов лирикасида ҳазрат Навоийга маънан издошликка мисол бўладиган бу каби жиҳатлар, мисралар кўплаб топилади. Масалан, ўзбек мумтоз адабиётида, жумладан Алишер Навоий ижодида сўзни улуғлаш, сўзнинг қудрати ва таъсир кучи, илоҳийлиги борасида ислом фалсафаси билан суғорилган қарашлар мавжуд. "Хамса" достонларининг муқаддимасида сўз таърифига махсус алоҳида боблар ажратилган. Мутафаккир шоир Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифга таяниб, олам ва одамнинг бунёд бўлишида **СЎЗ** восита бўлганини бадиий ифода этади."[2] Мумтоз ижодкорлар каби Абдулла Орипов ҳам сўз ҳақида фикр билдирар экан, уни илоҳийдан келган мужда деб билади. Сўзга таъриф бериб, уни пайғамбар деб атайди. Бир қараганда,

1 Ўша манба. - Б.260.

2 Давлатова А.Р. Абдулла Орипов шеъриятида поэтик тафаккур тадрижи. Филол.ф.д. илмий даражасини олиш учун ...дисс. – Т., 2022. - Б.34.

ўқувчида ўзгача таассурот қолдириши мумкин. Негаки, пайғамбарлар тарихи, анбиёлар ҳақидаги манбаларда асосан инсонлар назарда тутилади. Тўғри, лекин Абдулла Орипов шеърда мантиқий фикрлаш йўлидан боради. Оламда фақатгина У ва сўз бор эди, деган ҳикматлар мавжуд. Шундай экан, Яратганнинг илк пайғамбари нега СЎЗ бўлмасин?!

Сўз асли пайғамбар,
У боис балки
Одамзод таниган ўз Худойини.
Эриган темирнинг томчиси каби
Ўртаб юборар у теккан жойини. [1]

"Мен шоир шеърларининг энг муҳим жиҳати - забткорлиги уларда теран идрокдан туғилган мунгнинг беқиёс бадиият билан ифодаланганида деб биламан. Чилтор қилларидай таралаётган ёмғир, хаёлдай ёришган осмон, ўчган хотиралар чироғини ёққан баҳор, шамол шовиллаётган қадим боғлар, адир ортидаги ёлғизоёқ йўл, августнинг хазонли оқшоми, оқшом туманида тўнган юлдузлар – буларнинг бари улуғвор оламнинг сирли гўзаллиги, чексиз романтикаси билан инсон умрининг фонийлигидан туғиладиган мунгни мислсиз уйғунликни мужассамлаштирган"[2]. Шоир шеърларидаги бутунликнинг асл сабаби ҳам сўзга масъулиятнинг ҳосиласидир. Сўзнинг моддий қувватга эгалиги ҳам фанда аллақачон ўз исботини топган. Қайноқ ҳароратда сувдай эриб оққан темирнинг бир томчиси ҳам ҳар қандай метинни тешиб юборганидек, ёмон сўз жароҳатга, яхшиси эса қаноатга сабаб бўлиши табиий. Лекин шоир замоннинг зайли, турли қоришиқ маданиятлардан пайдо бўлаётган "қадрият-

1 Орипов А. Танланган асарлар. – Тошкент: Sharq, 2019. – Б. 420.
2 Афоқова Н. Оламни англаш саодати // Ёзувчи, 2005 йил, 19 март.

лар”дан баъзан хавотирга тушади. Сўз ва шеърни илоҳий деб билган, том-том китобларни бағрига босиб ёд олган авлод ўрнини бироз бошқачароқ авлодлар эгаллай бошлади. Абдулла Орипов даврининг уйғоқ ижодкори сифатида ўтмиш ва бугунни таққослайди. Худди ўзининг жонига ачингани, ўз тақдирига куюнгани сингари асарлари келажагига ҳам бефарқ қарай олмайди. Айтаётган, айтган сўзлари турли иқтисодий масалалар, ижтимоий тармоқлару гаджетлар билан тўлган авлод қалбидан нечоғлик ўрин олишини тасаввур қилади.

Шеърим, айтган сўзим, ба ҳукми замон,
Тарқалиб кетдилар ҳаммаси ҳар ён,
Қалбларда тинч-тотув яшарми улар,
Бозор иқтисоди билан ёнма-ён.

Хулоса қилиб айтганда, Абдулла Ориповнинг адабий-эстетик қарашлари, фалсафаси замирида сўзнинг қиммати, шеърнинг аҳамияти, адабиётнинг маънавий-тарбиявий вазифаси муаммоси доимо долзарб бўлган. Дастлабки шеърий машқларидан тортиб, тўртликлари, достонлари, балладалари, ғазалларида юксак бадиият, адабиёт ва шеърият олдидаги масъулият, ижодкорлик позицияси яққол намоён бўлади. Шунинг учун ҳам шоир шеърлари ўзбекнинг ўзлиги, миллатнинг виждони сифатида руҳий тарбияга хизмат қилаверади.

III боб бўйича хулосалар:

1. Абдулла Орипов достонлари кўпфункциявийлик хусусиятига эга. Муаллиф достонларни яратиш жараёнида бадиийлик билан бир қаторда тарбиявийлик, ижтимоийлик каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратадики, айни шу ҳолатлар бадиий асар герменевтикасини чуқурлаштиради.

2. Дунё адабиётида шундай ҳодисалар бўладики, баъзан бошқа-бошқа миллатларга мансуб буюк ижодкорлар бир-биридан бехабар ҳолда ўзаро ўхшаш мавзуларда асарлар яратади. Энг қизиғи, бунда мавзунинг ўзаро яқин экани ҳар икки асарнинг оригиналлигига заррача бўлсин халақит бера олмайди. Ҳеч бир жиҳатдан улар бир-бирини такрорламайди. Бунинг сабаблари, бизнингча, қуйидагилардир: 1) ҳар бир ижодкор услубининг ўзига хослиги; 2) мавзуга ёндашув мезонларининг фарқланиши; 3) поэтик тасвирдаги индивидуаллик.

3. Данте Алигьерининг “Илоҳий комедия” ва Абдулла Ориповнинг “Жаннатга йўл” асарлари том маънода мураккаб ва зиддиятли жараён – ўзликни англаш йўлининг ўзига хос бадиий талқини ўлароқ ижод этилган. Мавзу бир қадар яқин бўлишига қарамай, қўлланган рамз ва тимсоллар моҳияти, поэтик талқин, муаллифлар бадиий нияти ва ижодий услуб нуқтаи назаридан бу икки асар бир-биридан кескин фарқ қилади.

4. Абдулла Орипов феномени нафақат мураккаб феномен, қолаверса, кўп қиррали феноменлардан биридир. Зеро, у адабиётнинг барча йўналишларида бирдек мукаммал даражада ижод қила олиш қобилиятига эга. Айни шу қобилият шоирнинг бадиий публицистик мақолаларида ҳам яққол кўзга ташланади.

5. Абдулла Ориповнинг дастлабки шеърий машқларидан тортиб, тўртликлари, достонлари, балладалари, ғазалларида юксак бадиият, адабиёт ва шеърият олдидаги масъулият, ижодкорлик позицияси яққол намоён бўлади. Шунинг учун ҳам шоир шеърлари ўзбекнинг ўзлиги, миллатнинг виждони сифатида руҳий тарбияга хизмат қилаверади.

ХУЛОСА

Абдулла Орипов – феноменал шоир. Улуғ шоирнинг адабий-эстетик қарашлари ҳам ижодий камолот ва фалсафий тафаккурнинг ана шу юксаклигига мутаносибдир. Ушбу мавзу юзасидан олиб борилган изланишлар натижаларини илмий-назарий жиҳатдан қуйидагича умумлаштириш мумкин:

1. Абдулла Орипов адабий-эстетик қарашлари такомили уч омилдан озиқлангани кузатилади. Улар – халқ оғзаки ижоди, ўзбек мумтоз адабиёти ва жаҳон бадийяти хазинаси. Миллатнинг руҳиятини ўзида мужассам этгани жиҳатидан халқ оғзаки ижоди Абдулла Орипов учун илҳом манбаи вазифасини ўтади. Шоир миллий фольклор материалларидан руҳ олди, халқ достонлари ва эртакларида мавжуд образ ва тимсолларни ижодий қайта ишлади, мақол ва маталлардаги оз сўзда теран мазмунни ифодалаш усулларидан санъаткорона фойдаланиб, поэтик жиҳатдан такомилга етказди. Шоир адабий-эстетик тафаккури юксалишида халқ оғзаки ижодининг ўрни уч босқичда ўрганилиши мумкин: 1) ижодининг дастлабки босқичида халқ оғзаки ижодига мурожаат; 2) адабий-эстетик тафаккури такомилида халқ оғзаки ижоди мотивлари бадиий синтезининг ўрни; 3) умр сўнгида яратилган шеърларида халқ оғзаки ижоди анъаналарининг поэтик янгиланиши.

2. Фольклор материаллари шоир учун илҳом манбаи, холос. Абдулла Орипов уларни қандай бўлса, шундайлигича олмайди. Шеър матнига олинган мақоллар конструкцияси аксар мутлақо янгиланади. Бу янгиланиш баъзан маъно ёки шаклга, баъзан ҳар иккаласига ҳам тегишли бўлиши шоирнинг

бадиий-эстетик тафаккури нечоғлиқ юксак экани исботидир. Бу эса, ўз навбатида, Абдулла Ориповнинг сўзга нечоғлик катта масъулият билан қараганидан далолат беради.

3. Халқ ижодиётига хос ҳангома Абдулла Орипов шеъриятида поэтик жанр даражасига кўтарилган. Поэтик жанр муайян назарий қоидаларга асосланиши эътиборга олинса, шоирнинг "Ҳангома", "Турмуш ташвишлари", "Тулки фалсафаси", "Ади-бади ҳақида ривоят", "Мамнуният", "Танишлар", "Тарбия", "Шарқ ҳикояси" сингари шеърлари бадиий-эстетик хусусиятларига кўра, жанр талабларига тўлиқ жавоб беради. Шоир ҳангомалари, биринчидан, халқ ҳаётидан олинган воқеликнинг ижодий қайта ишланиши, иккинчидан, киноявий-юмористик руҳи, учинчидан, эпик тасвирга асослангани, тўртинчидан, тагматнда катта ижтимоий-фалсафий моҳият акс этгани, бешинчидан, поэтик хулосанинг бадиий-эстетик қуввати жиҳатидан жанр дейиш учун барча асосларга эга. Ушбу жанрнинг яна бир хусусияти ифода усулининг халқоналиги ҳамда фольклор ва ёзма адабиётнинг бадиий синтезига асосланишида намоён бўлади.

4. Абдулла Орипов эстетикаси такомилида Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Фурқат сингари буюк салафлари тажрибаларини ўрганиш, улар асарларидаги ижодий кашфиётларни янгилари билан бойитиш, фалсафий-ирфоний ва бадиий-эстетик қарашларининг поэтик синтези алоҳида ўрин тутади. Шоир ижодида салафлар меросига мурожаатнинг уч хил шакли кузатилади: 1) шеърларида улуғ ижодкорлар образини юксак даражада тасвирлаш; 2) салафлар асарларидаги муайян образ ва талқинларга уйғун, лекин уларни ҳеч бир жиҳатдан такрорламайдиган шеърлар ижод қилиш;

3) теран илмий тафаккур асосида салафлари адабий меросига доир тадқиқотлар яратиш.

5. Буюк салафлари образини Абдулла Орипов жуда оз сўз воситасида ўқувчи кўз ўнгида намоён этиш салоҳиятига эга. Масалан, “Бул ажаб..” деб бошланувчи ғазалида “Яссавий хок-пойидин айлаб олинг тумморлар” сатри орқали шоир бу улуғ мутасаввифнинг дунёпарастликдан баланд тура олган, фақат Ҳақ ва ҳақиқат йўлида яшаб ўтган покдомон шахс, улуғ валий бўлганини образли тасвирлай олган. Салафлар асарларидаги муайян образ ва талқинларга уйғун, лекин уларни ҳеч бир жиҳатдан такрорламайдиган шеърлар ижод қилиш – Абдулла Орипов ижодининг хос хусусияти. Бу ҳол шоирнинг буюк салафлари ижод лабораториясини теран ўргангани, бироқ уларни ҳеч бир жиҳатдан такрорламагани исботидир.

6. Абдулла Орипов феноменал шоир бўлиш баробарида салоҳиятли олим ҳам эди. Унинг Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий ва адабиётимизнинг бошқа улуғ сиймолари ижодига доир мақолалари таҳлилий қуввати, юксак илмий ва ижодий тафаккур уйғунлиги маҳсули экани жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга. Ижодкорнинг Алишер Навоий ҳақидаги тадқиқотлари, айниқса, буюк салафи ижод лабораториясига чуқур кирилгани, илмий хулосаларининг янги экани билан алоҳида ажралиб туради. Ушбу тадқиқотлар, ўз навбатида, Абдулла Ориповнинг адабий-эстетик тафаккури юксалишининг илмий-маърифий омили сифатида қимматлидир.

7. Абдулла Орипов – мукаммал лирик концепцияга эга шоир. Унинг адабий-эстетик тафаккури такомили Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек ва Миртемирдан даврадоши ҳисобланган Эркин Воҳидовгача бўлган ижодкорлар поэтик олами билан чам-

барчас боғлиқдир. Бу боғлиқлик, биринчидан, устоз шоиру адиблардан олинган ижодий сабоқ, иккинчидан, дунёқарашлар уйғунлиги, учинчидан, Ватан ва миллат истиқболи йўлидаги дардкашлик каби омилларда кўринади. Абдулла Орипов устозлари ва даврдошлари ижодий тажрибаларини ўз лирик концепцияси асосида такомилга етказиб, янги бадиий кашфиёт даражасига юксалтиргани жиҳатидан ҳам ўзбек шеъриятини тараққиётини янги бир босқичига кўтаришга муваффақ бўлди, дейиш мумкин.

8. Лирик асарларида Абдулла Орипов эстетик концепцияси бутун моҳияти билан акс этган. Ижодининг тонгидаёқ бировлардан туйғу олмаслик, ўз сози, ўз овози билан куйлаш вазифасини қўйгани, ижодда муттасил камолотга интилгани, "шеърдан улуғ, нондан азиз" нарсани излаши, юксак идеалларни бетакрор бадиий талқин этиши шоир эстетик концепциясининг асосини ташкил этади. Ижодкор эстетик концепцияси такомилида Аллоҳ берган истеъдод, мактаб таълими, олий даргоҳдаги сабоқлар, маҳоратини ошириш устидаги тинимсиз заҳмат, устоз сўз санъаткорлари ижод лабораториясини теран ўрганиш, уларнинг эътирофи ва самимий маслаҳатлари, энг муҳими, ижодий маслакнинг мустаҳкам экани замин вазифасини ўтаган.

9. Италян уйғониш адабиёти намояндаси Данте Алигьерининг "Илоҳий комедия" асари ва ўзбек шоири Абдулла Ориповнинг "Жаннатга йўл" драматик достони ўзаро яқин мавзуда ёзилган бўлса-да, турли даврда, ўзга-ўзга маконда, бир-биридан кескин фарқ қиладиган дунёқараш эгалари томонидан яратилган. Жаҳон адабиётида кўп бўлмаса-да, бундай ҳол кузатилади. Энг муҳими, бунда мавзунинг ўзаро яқин экани ҳар икки асарнинг оригиналли-

гига заррача бўлсин халақит бера олмайди. Бу икки асар ҳам ҳеч бир жиҳатдан бир-бирини такрорламайди. Бунинг сабабларини, биринчидан, ҳар бир ижодкор услубининг ўзига хослиги, иккинчидан, мавзуга ёндашув мезонларининг фарқланиши, учинчидан, поэтик тасвирдаги индивидуаллик билан изоҳлаш мумкин. Ушбу асарларни қиёсий ўрганиш бадиий ижод сирларини, шунингдек, ижодкор адабий-эстетик концепциясини англашда алоҳида аҳамиятга эга.

10. Абдулла Ориповнинг “Жаннатга йўл”, “Ҳаким ва ажал”, “Ранжком” ва “Соҳибқирон” сингари лироэпик ва драматик асарлари герменевтик, бадиий-эстетик хусусиятларига кўра бир-биридан кескин фарқ қилади. Бу асарлар шоир адабий-эстетик оламининг нечоғлиқ бой ва ранг-баранг, ижодкор фалсафий тафаккурининг кўлами қанчалик кенг ва миқёсли, ижодий салоҳияти нақадар юксак эканини кўрсатиши жиҳатидан ҳам қимматлидир. Ушбу асарлар, қайси мавзуда ёзмасин – охират оламини тасвирлайдими, муайян тарихий шахс образини яратадими ёки ижтимоий воқеликни рамзий-киноявий талқин этадими – бундан қатъи назар, Абдулла Орипов инсон ва унинг руҳиятини, инсоф ва адолат, ҳикмат ва маърифат каби юксак идеалларни, чуқур ҳаёт фалсафасини бетакрор поэтик тасвирлай олишини кўрсатади.

11. Шоир, шеър ва сўз учлиги Абдулла Орипов адабий-эстетик қарашларининг асосини ташкил этади. У шеъриятга юксак талаблар билан ёндашади, уни “онажоним шеърият”, “олий бахти, топган тож-тахти” деб билади. “Эҳтиёж фарзанди” мақоласида шоир ижодкор шаклланишининг уч босқичини ажратиб кўрсатади: 1) шеърият – кўнгил иши, бу босқичда шоирда самимийлик, яъни болаликнинг

тоза, беғубор, осуда, шўхчан туйғулари юқори ўринда туради; 2) инсон ва ижодкор шаклланиши билан боғлиқ бу босқичда ҳиссиёт гоҳо биринчи планга чиқиб кетади, аммо энди шоирни бу босқичда мураккаб борлиқ ўраб олади. Шоирнинг қимматини чинакам ҳиссиёт, самимият, юксак маҳорат белгилаб беради; 3) маҳоратни етарлича эгаллай олмаган қаламкаш адабиётда ўралашиб юриш йўлига ўтади, мукофотлар билан ўзини овутиш каби санъаткорга номуносиб хатти-ҳаракатлар кўрина бошлайди, қусурини кўрсатган танқидчиликка қарши синтетик қиличини ўқтайди. Абдулла Орипов хулосасига кўра, доимий бойиб борадиган билим, мудом ўсиб юксаладиган дид ва савия, мунтазам меҳнат бўлмаса, ижодкор замон билан баробар юролмай, оқсаб қолади. Ижодкор учун бундан ҳам ортиқ фожиа бўлмайди.

Шоир, шеър ва сўз учлиги билан боғлиқ бу каби фикрлари Абдулла Ориповнинг адабий-эстетик концепцияси юксак талабларга асосланганини кўрсатиши баробарида, ижод аҳлини ўз-ўзини тафтиш қилишга, ижодий камолот йўлида муттасил изланишга даъват этиши жиҳатидан ҳеч бир замонда ўз аҳамиятини йўқотмайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар

1. Мирзиеёв Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – ҳалқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. (Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси) // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017. – 4 авг.

2. Мирзиёев Ш. Одамлар яхши яшаши учун зарур шароитлар яратиш – барча раҳбарларнинг асосий вазифасидир. //Халқ сўзи, 2017 йил 28 февраль.

3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 2017 йил, 20 сентябрь.

II. Илмий-назарий адабиётлар:

5. Абдулла Орипов замондошлари хотирасида. - Тошкент: Ғафур Ғулом, 2021.

6. Абдураҳмонов Қ. Буюклар каҳкашонида. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018.

7. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. /Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Еттинчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011.

8. Ашурова Г. Сўз ва тимсол уйғунлиги. – Тошкент: Маънавият, 2007.

9. Джорж Оруэл. Эссе,статьи, Рецензии. Том II, Изд. “Прогресс”, 1992.

10. Эркаев А. Абдулла Орипов даҳоси. – Тошкент, “Олтиннашр” нашриёти, 2021.

11. Жабборов Н. Замон, мезон шеърият. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015.

12. Жабборов Н. Адабиёт ва миллий маънавият. – Тошкент: Маънавият, 2015. – 132 б.

13. Жабборов Н. Маоний аҳлининг соҳибқирони. – Тошкент: Адабиёт, 2021. -Б. 207-223.

14. Жўрақулов У. Ҳудудсиз жилва. –Тошкент: Фан, 2006.

15. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015.

16. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: O‘zbekiston, 2014.

17. Йўлдошев Қ. Сўз ёлқини. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2018.

18. Йўлдошева М. Ҳозирги ўзбек модерн шеъриятининг асосий хусусиятлари: Филол.фан. номз...дисс. - Т., 2004;

19. Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги НМИУ. 2016.

20. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: O’zbekiston, 2008. – 536 б.

21. Каримов Ҳ. Истиқлол ва адабиёт. Дарслик. 2012.

22. Кўчимов А. Мен шоирман, истасангиз шу... Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент. 2018. 291 бет.

23. Маллаев Н.А.Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974.

24. Мамажонов С. Ғафур Ғулом прозаси. – Тошкент: Фан, 1966.

25. Мамажонов С. Лирик олам ва эпик кўлам. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979.

26. Мирвалиев С. Ўзбек адиблари. XX аср ўзбек адабиёти. – Тошкент: Ёзувчи, 2006.

27. Навоий асарлари луғати (Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов). Адабиёт ва санъат. – Т.: 1972.

28. Назаров Б. Абдулла Орипов. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик.– Тошкент:Ўқитувчи, 1999.

29. Назаров Б. Истиқлол даври адабиётининг манзаралари. Мустақиллик даври адабиёти. Т.: 2006.

30. Назаров Б. Абдулла Орипов. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент. Ўқитувчи.

31. Норбоев Б. Ҳаётни поэтик талқин этиш тамойиллари ва маҳорат муаммолари: Филол.фан.докт... дисс. - Т., 1996;

32. Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2001.

33. Орипов А. Танланган асарлар. Иккинчи жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000.

34. Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Тўртинчи жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000.

35. Орипов А. Адолат кўзгуси. – Тошкент: “Адолат”, 2003.

36. Орипов А. “Сен баҳорни соғинмадингми?..” (“Шарқ юлдузи” журнали ўқувчилари саволларига жавоблар). –Танланган асарлар. 6-жилд. – Тошкент: Sharq, 2010. – Б. 220-221.

37. Орипов А. Танланган асарлар. Ғафур Ғулом номидаги НМИУ. – Т.: 2013.

38. Орипов А. Танланган асарлар. “Шарқ”. - Тошкент, 2019.

39. Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. – Тошкент: “Ёш гвардия” нашриёти, 1988.

40. Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси.–Тошкент: Фан, 1979.

41. Раҳимжонов Н. Шоир ва давр. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.

42. Раҳимжонов Н. ХХ аср ўзбек поэмасининг ривожланиш хусусиятлари. – Тошкент, 1990.

43. Саидов А., Абдураҳмонов Қ., Мирзо Ғ. Ўзбекистон - дилбар ватаним. – Тошкент: Akademnashr, 2021.

44. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. Тил ва адабиёт институти . – Тошкент, 2004.

45. Сатторова Г. Миллий характер ва бадиий талқин. Т.: “Фан”, 2007.

46. Сувон Мели. Сўзу сўз. – Тошкент: Sharq, 2020.

47. Сувон Мели. Глобаллашув: Бадиий талқин, замон ва қаҳрамон. – Тошкент, 2018.

48. Улуғов А. Асл асарлар сеҳри. Ғафур Ғулом номидаги НМИУ. Тошкент. 2007.

49. Улуғов А. Ватан – жон ва тан. Ғафур Ғулом номидаги НМИУ. Тошкент. 2008.

50. Умуров Ҳ. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент: “Халқ мероси” нашриёти, 2004.

51. Фитрат А. Адабиёт қоидалари. Тошкент. 1995.

52. Хализев В.Е. Теория литературы. – Москва: Высшая школа, 1999. Қўшжонов М. Онажоним шеърият. – Т., Ўқитувчи, 194 б.;

53. Шарафиддинов О. Талант – халқ мулки. – Т., Ёш гвардия, 1979.

54. Шарафиддинов О. Шеърият – қалб ёлқини // Ҳаёт билан ҳамнафас. –Тошкент: 1983;

55. Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. – Тошкент: Маънавият, 2004.

56. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2004.

57. Шарафиддинов О. Оламнинг қалби. “Маънавият”.Тошкент, 2014.

58. Шарафиддинов О. Танланган асарлар. – Тошкент: Sharq, 2019.

59. Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. Тошкент, 1973.

60. Қўшжонов М. Камалакдек сержило. /Абдулла Орипов. Йиллар армони. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984.

61. Эркин Воҳидов. Танланган асарлар. “Шарқ” нашриёт- матбаа. Тошкент. 2016. Б.691.

62. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. Учинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2007.

63. Қодиров П. Тил ва эл. Бадиалар. – Тошкент: Маънавият, 2010. – Б.296.

64. Қўшжонов М., Сувон М. Абдулла Орипов. – Тошкент: Маънавият, 2000.

65. Қўшжонов М. Танланган асарлар. – Тошкент: Sharq, 2018. – Б. 279.

66. Қосимов Б. Абдулла Ориповнинг ижод мактаби. /Уйғонган миллат маърифати. – Тошкент: Маънавият, 2011.

67. Қосимов Б. Абдулла Ориповнинг ижод мактаби. / Уйғонган миллат маърифати. – Тошкент: Маънавият, 2011.

68. Қуронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: “Akademnashr”, 2018. – Б.90.

69. Қуронов Д. ва б. Адабиётшунослик луғати. - Тошкент: Akademnashr, 2013.

70. Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Toshkent: Akademnashr, 2018.

71. Қуронов Д. Мутолаа ва идрок машқлари. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б.336.

72. Қуронов Д. Назарий қайдлар. – Тошкент: Akademnashr, 2018.

73. Қўшжонов М. Танланган асарлар. – Тошкент: “Шарқ”, 2018.

74. Ғаниев И., Афоқова Н. Озод руҳ фалсафаси. – Т., Фан, 2007.

75. Ғафуров И. Лириканинг юраги. Тошкент. “Ёш гвардия”. 1982.

76. Ғаниев И. Афоқова Н. Абдулла Ориф фалсафаси. – Тошкент: “Муҳаррир”, 2021.

77. Ҳаққулов И. Шеърият – руҳий муносабат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990.

78. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ,1999.

79. Яссавий А. Девони ҳикмат. – Тошкент: “Ғафур Ғулом”, 1992

80. З.М.Бобур. Маҳрами асрор топмадим. – Тошкент: “Ёзувчи”, 1993.

III. Диссертация ва авторефератлар

81. Акрамов Б. Проблема поэтического образа в современной узбекской лирике (60-е-80-е годы): Автореф. дисс... докт.филол.наук. - Т., 1991.

82. Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар. Филол.фанл.номз... дисс. – Т., 1998.

83. Аҳмедов Ҳ. Ўзбек адабиётида насрий шеър: Филол.фан.номз... дисс. - Т., 1995.

84. Давлатова А. Абдулла Орипов шеъриятида поэтик тафаккур тадрижи. Филол. фан. док-ри.... дисс. – Т., 2022.

85. Эрназарова Г. Ҳозирги ўзбек шеъриятининг медитатив табиати. Филол.фан.док-ри...дисс. –Т., 2020.

86. Жумабоева Ж. ХХ аср ўзбек шеъриятида психологик тасвир маҳорати: Филол.фан.докт... дисс... автореф. – Т., 1999.

87. Жўрақулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси. Фил. фан. док-ри....диссертация автореферати. Тошкент, 2017.

88. Ҳамдамов А. Абдулла Орипов шеъриятида халқона поэтик тафаккур муаммоси. Филол.фан. номз... дисс. – Т, 2011.

89. Қосимов Я. Ўзбек шеъриятида поэтик фикрнинг янгиланиш жараёни: Филол.фан.номз... дисс. - Т., 1993.

90. Қурбонбоев И.А. 90-йиллар ўзбек шеъриятида образлилик: Филол.фан.номз...дисс. - Т., 2005.

91. Тўлаков И. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қаҳрамон талқини: Филол.фан.докт... дисс. - Т., 1994.

92. Маматова А. Ўзбек адабиётида сарбаст шеърнинг шаклланиши ва унинг бадиий-эстетик хусусиятлари: Филол.фан.номз... дисс. - Т., 2000.

93. Хамдамов У. ХХ аср ўзбек шеърияти бадиий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Филол.фан.докт... дисс. - Т., 2018.

94. Раҳмонова М. Абдулла Орипов шеъриятида бадиий бутунлик. Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1998.

95. Ҳамдамов У. ХХ аср ўзбек шеърияти бадиий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Филол.фан.д-ри...дисс.автореф. – Тошкент, 2017.

96. Роззоқов А. Алишер Навоий шеъриятида илм ва маърифат талқини. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)...дисс.-автореф.-Қарши, 2018.

97. Давлатова А. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётида эстетик идеал муаммоси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2002.

98. Эрназарова Г. ХХ аср ўзбек поэзиясида миллий тафаккур ва унинг бадиий талқини (Абдулҳамид Чўлпон, Ғафур Ғулом, Абдулла Орипов шеърияти мисолида): филол.фанлари номзоди...дисс...автореф. – Тошкент, 2001.

99. Жумабоева Ж. ХХ аср ўзбек шеъриятида психологик тасвир маҳорати: Филол. фанлари д-ри… дисс... автореф. – Тошкент, 1999.

100. Норбоев Б. Ҳаётни поэтик талқин этиш тамойиллари ва маҳорат муаммолари: Филол. фанлари д-ри… дисс... автореф. – Тошкент, 1996.

101. Тўлаков И. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қаҳрамон талқини: Филол. фанлари д-ри… дисс... автореф. – Тошкент, 1994;

102. Холиқова Д. Ҳозирги ўзбек шеъриятида фольклор анъаналари ва бадиий маҳорат: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2011.

103. Қосимов Я. Ўзбек шеъриятида поэтик фикрнинг янгиланиши: Филол. фанлари номзоди… дисс... автореф. – Тошкент, 1991.

104. Ҳамдамова С.Х. Фольклор анъаналари ва бадиий талқин: таъсир ҳамда акс таъсир масалалари (XVIII-XIX аср шеърияти мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2012.

105. Ҳамдамов У. XX аср ўзбек шеърияти бадиий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017.

106. Ҳамдамов А. Абдулла Орипов шеъриятида халқона поэтик тафаккур муаммоси.Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2011.

107. Ҳасанов Н. Яссавийликка доир манбалар ва “ДЕВОНИ ҲИКМАТ”. Филол. фан. док-ри.... дисс. – Тошкент, 2017.

108. Хажиева М. Хожа Аҳмад Яссавийнинг маънавий-тарбиявий қарашлари. Пед. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2004.

109. Ўсарова Л. Абдулла Орипов асарларида миллий руҳ ифодаси. Филол. фан. бўйича фалсафа докри... дисс. автореферати. – Тошкент, 2020.

110. Равшанова Гулрухбегим. Абдулла Ориповнинг ҳажвнавислик маҳорати. Филол. фан. номз... дисс. – Қарши, 2020.

IV. Илмий мақолалар

111. Афоқова Н. Оламни англаш саодати // Ёзувчи, 2005.

112. Бегимқулов Д. Шеъриятимиз юлдузи. /Орипов А. Танланган асарлар. 1-жилд. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000.

113. Воҳидов Э. Баркамол ижод намуналари. / Абдулла Орипов замондошлари хотирасида. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2021.

114. Жабборов Н. “Ўткан кунлар”да миллий руҳ ифодаси. //Филология масалалари, 2020, 2-сон.

115. Жабборов Н. Киноя ва рамзлар замиридаги ҳақиқат. /Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. III китоб. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2014.

116. Жабборов Н. Гўзал ташбиҳ, сирли руҳ. /Озод Ватан саодати: Беш жилдли, 5-жилд, Тошкент: Адиб, 2013.

117. Мели С. Ҳангома зимнида панднома. //Ўзбек тили ва адабиёти, 2021, 3-сон

118. Oripova R. Otamning ijod laboratoriyasi. // Yoshlik, 2021, 3-сон.

119. Шодмонов Н. Шоир ижодининг олмос қирралари. /Ўзимники эрур шу созим. Илмий-амалий конференция материаллари. – Қарши: ҚарДУ нашриёти, 2011.

120. Эшонқулов Ж. Абдулла Қодирий ва ўзбек романчилиги. Адабиёт халқнинг юраги. Очерк ва мақолалар. – Тошкент, 2021.

121. Қосимов Я. “Тилла балиқча”нинг толеи. // Шарқ юлдузи, 1986, 12-сон.

122. Ҳожиева Ш. Чўлпон ва миллий шеъриятнинг янгиланиши. Монография. Тошкент: Muharir, 2019.

V. Интернет сайтлари

1. http://dic.academic.ru
2. https://www.worldcat.org/wcidentities/lccn-n85116178
3. http://feb-web.ru
4. http://files.school-collection.edu.ru
5. http://natlib.uz

6. http://slovar.lib.ru
7. http://www.traktat.com
8. http://ru.wikipedia.org
9. http://ziyonet.uz
10. https://www.williamshakespeare.net/hamlet.jsp
11. https://www.w3.org/People/maxf/XSLideMaker/hamlet.pdf
12. www.theatre-library.ru/files/sh/shakespeare/shakespeare_20.html
13. https://studbooks.net/.../russkie_perevody_gamleta_sposoby_adaptatsii_star
14. https://studbooks.net/772351/literatura/russkie_perevody_gamleta
15. https://www.britannica.com/biography/James-Joyce

МУНДАРИЖА

Кириш 3

I боб. Абдулла Орипов эстетикасининг маданий-маърифий, адабий-тарихий омиллари

1.1. Абдулла Орипов эстетикасида фольклор анъаналари..... 5
1.2. Шоир эстетик қарашларининг бадиий-тарихий омиллари 30

II боб. Ижодкор лирик концепциясининг ижтимоий-биографик, адабий-эстетик муҳит билан муштараклиги

2.1. Лирик концепция ва тарихий-биографик муҳит муносабати 57
2.2. Лирик асарларда шоир эстетик концепциясининг акс этиши.....79

III боб. Абдулла Орипов лиродраматик асарлари ва бадиий публицистикасида одам, олам, шеър ва шоир масалалари

3.1. Лиро-эпик ва драматик асарларнинг герменевтик, бадиий-эстетик хусусиятлари 95
3.2. Шоир, шеър ва сўз учлигининг бадиий-эстетик, лиро-публицистик талқинлари.....117

Хулоса 142
Фойдаланилган адабиётлар..... 148

ОЙБАРЧИН АБДУЛҲАКИМОВА

АБДУЛЛА ОРИПОВ АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ

Монография

МУҲАРРИР: О. ЖУМАБОЕВ
ТЕХНИК МУҲАРРИР: О. МУХТОРОВ
ДИЗАЙНЕР ВА САҲИФАЛОВЧИ: Ҳ. САФАРАЛИЕВ

Нашриёт лицензияси: 4428

Босиш рухсат этилди 18.08.2022. Бичими 84/108 $^{1}/_{32}$.
Офсет қоғози. Офсет босма усулида босилди.
Times New Roman гарнитураси.
Шартли босма тобоғи 10. Адади 100 нусха.

“Fan va ta’lim” нашриёти
Тошкент шаҳри, Шанхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 30-уй.
Тел.: +998 94 664 40 03. Сайт: fanvatalim.uz

Оригинал макет
“Fan va ta’lim” нашриётида тайёрланди.
“Fan va ta’lim” нашриёти босмахонасида чоп этилди.